

М. ЗИЯВУДДИНОВА
Д. ХУДЖАНОВА

دوست نامی

ДРУЗ НАМИ



0X0000035879



82
3-60

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ


ЗИЯВУДДИНОВА М.
ХУДЖАНОВА Д.Ж.

АРУЗ ИЛМИ

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш
(шарқ тиллари бўйича);

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш
(мумтоз тиллар бўйича)

йўналишлари талабалари учун ўқув қўлланма



Тошкент – 2018

Аруз илми бўйича тайёрланган мазкур ўқув қўлланма “Араб филологияси” ва “Мумтоз филология” мутахассислиги бўйича бакалавр таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган. Ушбу ўқув қўлланма аруз илмининг қонун-қоидалари, таркибий қисмлари ҳамда аруз баҳрлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичида қамраб олган.

Масъул муҳаррир:

Мухиддинова Д.З. – Тошкент давлат шарқшунослик институти “Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти” кафедраси профессори, фил.ф.н.

Такризчилар:

Ходжаева Р.У. – Тошкент давлат шарқшунослик институти “Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти” кафедраси профессори, фил.ф.д.

Сотиболдиева С.Р. – А. Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети “Шарқ тиллари” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Ўқув қўлланма Тошкент давлат шарқшунослик институти Ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия қилинган (2018 йил 29 мартдаги 8-сонли баённома)

СЎЗБОШИ

Шарқ мумтоз адабиётининг салмоқли қисмини назмий асарлар ташкил этади. Шу боис, шарқшунослар талабалар мумтоз араб, форс ва ўзбек шеърятини тўғри ўқиш, маълум бир маромдаги оҳангини англаш учун аруз назариясини ўрганишлари лозимдир.

Мазкур “Аруз илми” ўқув қўлланмасининг мақсади араб бўлими ва мумтоз филология талабаларини вазнлар тушунчаси билан таништириб, шеърый асарларни вазнини аниқлаб, ўз қолипига солиб, мусиқий оҳангда ўқишга ўргатишдир.

Талабаларга мумтоз ва ҳозирги араб ва ўзбек шоирлари шеърларидан мисоллар келтириб, уларни ҳар бири вазнга солиб ўқитилади.

Бу эса, талабаларга мураккаб шеърый оҳангнинг жилва-жилосини чуқур ҳис этишга ёрдам беради.

Мазкур фанни ўқитилишдан мақсад – талабаларда ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти ва адабиёт назарияси фанларида миллий адабиётларнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ривожланиш қонуниятлари билан бир қаторда, аруз илмини ихтиро қилган араб олимининг ҳаёти ва ижоди, Ўрта Осиёлик олимларнинг мазкур фан ривожига қўшган ҳиссалари тўғрисида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларни араб ва ўзбек мумтоз шоирлари шеърятини билан таништириш, уларни маълум бир вазнга солиб ўқиш учун аруз илми қонун-қоидалари, турли рукнлари, турфа баҳрларга оид шеърый мисолларни таҳлил этиш ва хулосалар чиқаришга ўргатишдан иборат.

Аруз вазнида ёзилган қасида, шеър ёки ғазал маъноларини тушуниш билан бирга, уларни ўз вазни-оҳанги билан ўқиш, талаффуз этиш ҳам жуда муҳим. Ҳар бир шеърый асар ўз вазни билан ўқилмаса, ундаги маънолар ёрқин ва таъсирчан чиқмайди. Битта товуш ёки қўшимча нотўғри талаффуз этилса, оҳангига тушмаса, бутун асарнинг жозибаси йўқолади ва дағаллик юз беради. Шу боис ҳар бир шеърый асарни, айниқса, ғазални ўқиганда, улар оҳанги тўғри келган баҳрнинг имконият ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, аруз қоидаларига мос қилиб тушириш йўллари топпоқ зарур. Бунинг учун аруз илми қонун қоидаларига риоя этиш лозим.

Араб бўлими талабаларига қасида ёки шеърий парчалар кўпроқ уларга хос бўлган баҳрларда ўргатилса, мумтоз филология талабаларига мумтоз ўзбек шоирларининг ғазалларини вазнга солиб ўқитилади.

Этиборингизга ҳавола қилинаётган “Аруз илми” номли ўқув қўлланма араб филологияси талабалари ҳамда араб ва форс мумтоз филология талабаларига мўлжалланган бўлиб, у уч бўлимдан иборат. I бўлим “Аруз илми ва унинг таркибий қисмлари” деб номланиб, уч қисмга бўлинади. Унда аруз атамасининг келиб чиқиши ҳамда аруз илмини ихтиро қилган Басра илмий мактаби раҳнамоси, тилшунос, мусиқашунос олим Халил ибн Аҳмад ҳақида маълумот берилади. Кейинги қисмида байт, жузв, ҳамда руқнлар ҳақидаги тушунча ҳақида батафсил маълумот берилиб, албатта, кейинги баҳрлар шеърий мисоллар орқали тушунтириб борилади.

II бўлим “Аруз баҳрлари ва арузий доиралар” деб номланиб, баҳрлар ҳақидаги тўлиқ тушунча билан бир қаторда, қолган баҳрларни ўрганиб шеърий парчаларнинг баҳрларини аниқлаш керак бўлади.

Албатта, бу жараёнда талабаларга шеърлар, ғазаллар ёдлатилиб, арузий оҳангда, бир маромда ўқиш ўргатилиб, мумтоз шарқ шеърятининг мазмун-моҳиятини англаш, уларнинг жилва-жилоси, жозибаси ҳамда руҳиятимизга лаззат берадиган таъсир кучга эга эканлигини сингдиршимиз лозим.

Арузий доиралар ҳақидаги маълумотлар ҳам жадваллар орқали тушунтирилади.

III бўлим “Аруз илмининг тарихий шидизлари” деб номланиб, она заминимиздан етишиб чиққан, аруз фанига ўз хиссаларини қўшиб араб тилида асарлар ёзган олимлар – Абу Наср Фаробий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Абу Хафс Насафий, Юсуф Саккокий ҳамда аруз илмини ислоҳ қилган Абу Наср б.Хаммод ал-Жавҳарий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар берилади.

Шу билан бирга қофия илми фазилатларига оид қатор тасриъ, тарсиъ ва тасмит санъатлари хусусида маълумотлар бериб, ҳазрати Алишер Навоий ғазалларидан мисоллар келтирилади.

Дарс соатлари чегаранганлиги сабаб, маъруза соатларининг иккинчи бўлимида баҳрлар шеърий мисоллар орқали тушунтириб борилади.

I БЎЛИМ. АРУЗ ИЛМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

1.1 “Аруз” атамаси ва унга оид таърифлар

Дарсининг мақсади: талабаларни “аруз” сўзининг маънолари билан таништириш ва аруз илмининг ихтирочиси Халил ибн Аҳмад билан таништириш.

Таянч сўз ва иборалар: аруз, вазн системаси, “Мезону-л-авзон”, руқн, Макка билан Тоиф, “ал-Айн”, “ан-Нағам”, “ал-Ийқо”, аруз баҳрлари, шеърий назария.

Аруз – (العروض) араб поэзиясининг шеърий вазни. Аруздаги шеърнинг биринчи намуналари милодий V асрга тааллуқли. VIII аср иккинчи ярмига келиб аруз илмий асосланган фанга, кейинроқ тугал тизимга айланди.

Аруз назарияси шарқ мумтоз шеърятда энг кўп қўлланилган ягона шеър вазни ҳисобланади. Аруз вазни илк бора араб шеърятда вужудга келади, кейинчалик у форс-тожик ва туркий халқлар мумтоз поэзиясининг ҳам асосий вазн тури сифатида шаклланди ва такомиллашди.

А. Рустамовнинг фикрича, “Аруз деб, бир қанча Шарқ халқлари адабиётида жумладан, ўзбек мумтоз адабиётида қўлланиб келинаётган ўзига хос вазн системасига ҳамда шу ҳақдаги илмга айтилади. Аруз вазни бўғинларнинг талаффуздаги узун-қисқалигига асосланган бўлиб, музика билан чамбарчас боғлиқдир”¹.

Нима учун “аруз” деб номлангани ҳақида кўпдан кўп ҳар хил фикрлар мавжуд. Бу ерда биз ҳазрати Алишер Навоийнинг “Мезону-л-авзон” асаридаги фикрни келтирамиз: “... Аруз фани шариф фандур ... Халил ибн Аҳмад раҳматуллоҳки бу фаннинг возиъидур, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий эрмишки, ани “Аруз” дерлар эрмиш ва ул водийда аъроб (араблар) уйлар (ўтов)ни тикиб, жилва бериб, баҳога кияурлар эрмиш. Ва уйни араб “байт” дер. Чун байтларни бу фан била мезон қилиб, мавзунини номавзундан ажурлар ...”

¹ Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972. – Б. 5.

А. Рустамов: Баъзилар аруз сўзининг лугавий маъноси “қийин йўл”, бу илм қийин бўлгани учун уни “аруз” деб атаганлар, дейдилар. Айрим арузчилар бу сўз “арз қилинадиган” деган маънога эга, шеърнинг вазнини аниқлаш учун бу илмга мурожаат қилинади. Шу сабабдан унга аруз деб ном берганлар деган фикрни айтганлар¹.

Хатиб Табризий: “... чодир мустаҳкам туриши учун унинг ўртасига қўйиладиган тиргак устунни “аруз” деб атайдилар; аруз билимдонлари эса, биринчи мисранинг охиридаги рукни аруз аташади. Худди чодир ўша устунга таянгани каби, байт шу рукнга таянади; чунки бу рукн талаффуз этилганда шу шеър қайси баҳрга тегишли эканлиги маълум бўлади”².

Шунингдек, “Аруз” терминини келиб чиқиши, Макка билан Тоиф ўртасидаги водий ҳам “аруз” деб номланган. Яна бир маълумотга кўра, “аруз” сўзи Макка шаҳрининг номларидан бири бўлган.

Таниқли олим Ҳанна ал-Фахурий “аруз” сўзининг келиб чиқишини араб шеъри туяни ҳайдаш чоғида айтиладиган қўшиқлар асосида шаклланган, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, аруз ритмлари туянинг ўзига хос қадам ташлаш маромларига яъни ритмларига мослаб яратилган.

Кўриб турибдики, “аруз” терминининг келиб чиқиши бора-сида кўплаб олимлар тамонидан турли хил фикрлар ва тушунчалар мавжуд.

Шундай қилиб, “Аруз” термини Шарқ адабиётшунослигида қадимдан бизнинг замонимизгача асосан ички икки маънода ишлатилади: *маълум шеърий система* сифатида ҳамда *шу система ҳақидаги таълимот*.

Халил ибн Аҳмад. Аруз системасини биринчи бўлиб ўрта асрнинг йирик араб филологи, Басра илмий мактаби раҳнамоси, мусикашунос олим Халил ибн Аҳмад ал – Аздий ал – Фароҳидий VIII асрда ихтиро қилган. Халил ибн Аҳмад тахминан 715–719 йиллар ўртасида Умон (Жанубий Арабистон)да туғилди. Ёшлик чоғлари Басрада ўтди ва у ерда ўз замонасининг олимлари

Али Айюб Сахтиёний, Осим Аҳвал, ал–Аввом ибн Ҳавшаб каби олимлардан наҳв ва сарф асослари, ҳадис, умумий филологик билимларни ўрганди. Кейинчалик Басра тилшунослик мактаби асосчиларидан Исо ас–Сақафий ҳузурида грамматика ва лексикология асосларидан таҳсил олди.

Олим қашшоқ умр кечирган бўлса ҳам, ўздан кейин жуда катта бой илмий мерос қолдирган. Шунингдек, у иқтидорли шогирдлар жамоасини етиштириб чиқарди. Улар: ал–Лай ибн Музаффар – қомус муаллифи, Абу–л–Ҳасан ибн Саъид ал Аҳфаш – арузчи, Сибавайх – машхур “ал–Китоб” муаллифи.

Кашфиётчи олим Халил ибн Аҳмад 786 йили вафот этди. Унинг илмий меросига назар ташлар эканмиз, қомусий илм соҳиби, фақат арузшуносликда эмас, балки лексикология, мусикада ҳам ўз тизимига эга ижодкор бўлганини кўрамиз. Араб фонетикаси ва лексикологиясининг ривожланишида олимнинг ўрни бекиёсдир. Унинг машхур “Айн китоби” (كتاب العين) араб тили изоҳли лугати бўлиб, унинг таърифида ҳали арабларда маълум бўлмаган усул қўлланилди яъни товушлар барчага маълум алифбо йўналишида эмас, балки артикуляция олиш ўринлари тартибида жойлаштирилган ҳамда тавсиф бўғизнинг энг пастида – дастлабки ўринда пайдо бўлувчи “айн”дан бошланади.

Шунингдек, Халил ибн Аҳмад Шарқ, айниқса араб мусикасини янги назарий асосга солган. Унинг “ан–Нағам” (“Оҳанг”), “ал–Ийқо” (“Ритм”) номли асарлари мусикага онд бўлиб, уларда олим араб назмининг турли байт шакллари мусикалаштириш ва куйлаш меъёрлари борасида илмий қарашларини баён қилган. Китобнинг тазминларигина бизга етиб келган, ўзи йўқолиб кетган.

Арузни алоҳида фан сифатида Халил ибн Аҳмад шакллантирганда, байтларни чуқур таҳлилдан ўтказиб, ижод қоидаларини илмий асослади, баҳрларни мавжуд шакллар сифатида ажратди. Бироқ олим уларни ўзи ўйлаб чиқарган эмас, у мавжуд қасидалардаги жамланган қонуниятларни оча билди. Уларни тўплаб, тартибга солиб халқга “Аруз билими қомуси” (معجم في علم العروض) асарини тақдим қилди. Афсуски, ушбу асарнинг асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Халилнинг шогирдлари тамонидан

¹ Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972. – Б. 6.

² التبريزي الخاطيب، الوافي في العروض و القافي، القاهرة، 1977 ص. 111.

кўчирилган айрим қисмлари мавжуд. Бироқ, сўнги йилларда ушбу асарни нусхасини тиклашга арабшунослар ҳаракат қилишяпти.

Халил ибн Аҳмад исломдан илгариги V – VII ва ўз давригача бўлган VII – VIII асрлардаги шоирларнинг асарларини ўқиб, ўрганиб, таҳлил этиб, аруз баҳрлари ҳақида ўз шеърий назариясига асос солди.

Арабистон сахро–ю чўлларида араблар қабила–қабила бўлиб яшашган. Ҳар бир қабиланинг ўз шоирлари бўлган. Улар оғзаки ижод қилишган. Уларнинг асарларини ровийлар ёд олиб, авлоддан–авлодга етказишган.

VII асрда хазрати Усмон ибн Аффон халифалик даврларида Куръони Карим 6 нусхада хатга туширилгандан кейин VIII асрдан бошлаб Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадислари ҳам тўплана бошланди. Айнан шу даврда Ироқнинг Кўфа ва Басра шаҳарларида олимлардан ташкил бўлган жамоалар қабилама–қабила юриб, араб тили сарфи–наҳвини, халқ оғзаки ижодига оид масал, матал, эртак, асотир, топишмоқ, ҳикматларни ҳамда шоирларнинг қасидаларини ровийлар оғзидан ёзиб ола бошладилар.

Манбаъларда ёзилишича, исломдан илгариги шоирлар ўз асарларини қабила аҳллари тўпланадиган жойларда, кўпинча, бозорларда баланд ширали овоз билан маълум бир оҳангда ёддан ўқиб беришар, қабиладошлари уларнинг асарларига баҳо берар, энг яхшилари териларга ёзиб, Каъбага осиб қўйилар экан.

Ривоятларга кўра, Ал-Халил ибн Аҳмад ҳажга бориб, зам-зам сувидан ичиб шундай дуо қилган:

“Эй раббим, менга шундай илм бергинки, менгача ҳеч ким у илмни билмаган ва мендан кейин ҳам ҳеч ким билмайдиган бўлсин”. Айни шу воқеа сабаб, Аллоҳ Таолонинг инояти билан Халил ибн Аҳмад “аруз илми”ни яратишга сабабчи бўлган.

Халил ибн Аҳмад халқ орасидан йиғилган шеърларни ўқиб, таҳлил этади. Қарасаки, ёзилган қасидалар ҳар хил оҳангда. Шеър оҳанглари туяларнинг енгил елишига, от дупурининг бир маромда эшитилишига, темирчилар дақдасига ўхшатган. Уларни бирма–бир тасниф этиб, ўзининг шеърий назариясини яратди.

Ушбу аруз системасини яратган вақтда аруз, умуман шеърий система ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган шоирлар томонидан исломгача бўлган араб шеъриясида бир қанча асарлар

яратилган ёки ёзилаётган эди. Бу шеърларнинг кўпчилиги Халил яшаган даврга қадар яратилгани учун уларга тарихий нуқтаи назардан ёндашувга имкон беради. Шунга қарамай, ал-Халил ўрта асрга хос таснифчи олим сифатида араб шеърияси санъатининг тарихий ривожини кўрсатишга ҳаракат қилиб кўрмади.

Халил ибн Аҳмад юзга яқин аруз вазни ораларидаги муш-тараклик аломатларига қараб уларни 15 гуруҳга бўлади ва бу гуруҳларни баҳрлар деб атаydi. Халилдан сўнг Абулҳасан Ахфаш исмли адиб арузга “Мутадорик” деб аталувчи яна бир баҳрни қўшади. Ибн Усмон Мазиний, Имом Аҳмад ибн Абдураббих, Ибн ал-Хатиб ат-Табризий, Зиёвуддин Абул Жайш ал-Ҳазражий каби араб олимлари ҳам аруз шеърий тизими назарий масалалари хусусида изланишлар олиб борганлар.

Шубҳасиз, ал-Халил тамонидан ишлаб чиқилган барча истилоҳлар, у яратган доиралар араб шеърларини эшитиш жараёнида ундаги қофияларга аниқ ёзма кўриниш бериш учун хизмат қилган.

Назорат саволлари:

1. Аруз сўзининг маъноси қандай?
2. А. Рустамовнинг аруз вазнига қандай таъриф келтирган?
3. А. Навоийнинг “Мезону-л-авзон” асарида арузга бўлган таърифи.
4. Хотиб Табрзий аруз сўзига қандай таъриф берган?
5. Шарқ адабиётшунослигида қандай маъноларда ишлатилган?
6. Аруз назарияси қачон ва ким тамонидан яратилган?
7. Халил ибн Аҳмаднинг асарлари.
8. Халил ибн Аҳмад қай тарзда аруз системасини яратган?
9. Халил Аруз баҳрларини нечта турга бўлади?
10. Ал-Халилдан кейин қайси араб олимлари аруз бўйича тадқиқотлар олиб борганлар?

Мустақил таълим учун топшириқ:

“Халил ибн Аҳмад аруз илмининг асосчиси” мавзуида мустақил иш ёзиб келиш.

Адабиётлар:

1. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972.

2. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001.

Қўшимча адабиётлар:

1. Талабов Э. Араб арузи. – Т., 1977.

2. التبريزي الخاطيب، الوافي في العروض و القافي، القاهرة، 1977. ص. 111.
الهاشمي احمد، ميزان الذهب في صناعة العرب، القاهرة، 1966. ص 19.

1.2. Байт тушунчаси.

1.3. Жузвлар ҳақидаги тушунча.

1.4. Арузда рукнларнинг аҳамияти.

1.2 Байт тушунчаси

Дарсинг мақсади: талабаларни арузнинг асосий қисмлари билан таништириши.

Таянч сўзлар ва иборалар: шеър илми, Қофия билими, наҳв, сарф, балогат, , “шеър уйи”, муфрад, фард, қитъа, мисра, садр, аруд, хашв, дарб, мусамман, мураббаъ.

Маълумки, арабларда шеър илми кенг тушинилади ва уч таркибий қисмга ажратилади:

1. Аруз билими (علم العروض), яъни арузнинг ўзи: у шеър битишда қўлланиладиган вазн турлари ва улардан фойдаланишда зарурияти сезиладиган қонун-қоидалар билан шуғилланади.

2. Қофия билими (علم القوافي): қофияланиш тартиби, қофияланиш усуллари, қофияларни саралаш ва уларни тўғри ишлатиш, қофия турлари ҳамда шеър битишдаги вазн қолипларидан фойдаланилади.

3. Бадиий воситалар ҳақида билим (علم البديع). Шеърнинг бадиий етук бўлишини таъминловчи тасвир воситалари ва улардан тўлиқ фойдаланиш йўриқлари. Бу шеърнинг мазмундор ва бадиий етук бўлишида аҳамиятлидир.

Аруз илми бошқа араб илмларидан ривожланиш жиҳатидан кескин фарқ қилади. Наҳв, сарф, балогат ва луғат илмлари бир

бутунлик, мукаммаллик даражасига етишда йиллар, асрлар давомида ривожланиб етишиб борган. Бироқ, аруз илми эса, Халил ибн Аҳмад ихтиро қилган вақтнинг ўзида мукаммал илм даражасида бўлган. Халил ибн Аҳмаддан кейин ҳеч бир арузшунослар унинг аруз илми назариясини инкор этишмаган ва ўз тадқиқотларида асос қилиб олишган.

Ҳар бир ғазалнинг биринчи байти, яъни матлаъи қайси оҳангда ўқилса, кейинги байтлар ҳам ўша маромга мосланиши лозим. Чунки аруз вазни мусиқийликка асосланган. Бунини, айниқса, кекса хофизларимиз куйлаган қўшиқларни тинглаганда амин бўламиз. Агарда биз мумтоз шеърятимизни аруз қоидаларига риоя қилиб ўқисак, ундаги маромий мавж, мусиқий оҳанг, рубобий завку-шавқ берувчи сержило жозибасини ҳис этамиз.

Байт тушунчаси. Араб шеърининг асосини байт ташкил этади (بيت) (كۆп بيوت) луғавий маъноси: намот уй, бадавийларнинг ўтови). Шу маънодан келиб чиққан ҳолда, байтни “шеър уйи” (بيت) деб ҳам юритишади. Байт рукнлардан ташкил топиб, қофия билан тугаши керак.

Ҳар бир баҳрнинг ясаилишидаги аҳамияти ва асл рукнлардан ясалган тармоқ рукнларнинг жойларини аниқлаш учун байт қурилишини мукаммал билиш даркор¹.

Бир байтли шеър – муфрад ёки фард (مفرد، فرد – луғавий маъноси: ёлғиз, ягона). Байтлар сони уч билан олти ўртасида бўлса, уни қитъа (قطعة – айрим) деб аташади. Етти ёки ондан ортиқ байтли шеър бирлиги қасида (قصيدة) (كۆп قصائد) дейилади.

Ҳар бир байт икки ритмик бўлакдан иборат бўлиб, унинг ҳар бири мисралардан (аслида мисраъ – مصراع كۆп، مصاريع – луғавий маъноси: эшик табақаси) ташкил топган бўлади.

Байт қурилишидаги ҳар мисра ўз номига эга. Мисраларнинг биринчиси – садр (صدر – бошланиш), иккинчиси эса, ғажуз (عجز – сусайиш) деб номланади.

Ҳар бир мисранинг ўзи таркибий қисмларга бўлинади. Ана шу бўлаклар – рукнлардир, шунингдек, улар мисранинг қайси

¹ محمود بن القسطاس المستقيم في علم العروض. دار الكتب. القاهرة. ر. 60. ص. 10.
عمر الزمخشري.

ўринида жойлашганликларига қараб ҳам қуйидагича номланадилар.

Биринчи мисранинг охирги рукни – **аруд** (عروض – ўтов биринчи ярмининг чегараси) деб аталади. Қолган бўлаклари **хашв** (حشو – оралик) деб юритилади.

Иккинчи мисранинг биринчи қисми – ибтидо (ابتداء – бошланғич) бўлса, охирги қисми эса **дарб** (ضرب – қоқиш, ўрнатиш بيتا ضرب – ўтов ўрнатиш, уй қуриш)дир. Бу мисрада ҳам дарбгача бўлган рукнлар хашв деб аталади.

I мисра فعولن مفاعيلن فعولن مفاعيلن

аруд хашв садр

II мисра فعولن مفاعيلن فعولن مفاعيلن

дарб хашв ибтидо

Шундай қилиб, биринчи мисра садр, хашв ва аруздан ташкил топади, иккинчи мисра ибтидо, хажв ва дарбдан таркиб топган бўлади.

Байтлардаги рукнлар сони баҳрларнинг табиатига қараб турлича бўлади. Шу боис байтлар турлича номланади. Агар ҳар бир мисрада тўртта, демак байтда саккизта рукн мавжуд бўлса, бундай байтни **мусамман** – (مثنى – саккизлик) деб атаймиз. Масалан: тавил баҳри қолипи

فعولن مفاعيلن فعولن مفاعيلن

فعولن مفاعيلن فعولن مفاعيلن

Агар ҳар бир мисрада учтадан, байтда олтита рукн мавжуд бўлса, байт **мусаддас** – (مسدس – олтилик) дейилади. Мисол: ражаз баҳри

مستفعلن مستفعلن مستفعلن

مستفعلن مستفعلن مستفعلن

Булардан ташқари **мураббаъ** (مربع – тўртлик) байтлар ҳам бўлади. Уларда ҳар бир мисрадаги рукнлар сони иккитадан бўлиши шарт. Мисол: ҳазаж баҳри

مفاعيلن مفاعيلن

مفاعيلن مفاعيلن

Юқорида кўриб ўтилган байт шаклларида **мусамман**да хашвлар сони 4 та, **мусаддас**да 2 тадир.

Мураббаъларда эса, хашв бўлмайди, фақат садр – аруд; ибтидо - дарб иштирок этади.

Назорат саволлари:

1. Шеър илми қандай қисмларга бўлинади?
2. Байт сўзининг маъноси?
3. Аруз илми бошқа илмлардан нимаси билан фарқ қилади?
4. Арузда байт қурилишини аҳамияти.
5. Ҳар бир байт қандай бўлаклардан иборат бўлади?
6. Байт қурилишида ҳар бир мисранинг номлари қандай аталади?
7. Мураббаъ байтлари қандай?

Мустақил таълим учун топшириқ:

“Араб шеърининг асоси байт қурилиши қоидалари” мавзуида мустақил иш ёзиб келиш.

Адабиётлар:

1. Навоий А. Мезонул-авзон. – Т.: Фан, Асарлар, 14 ж, 1968.
2. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972.
3. Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими, ДДА. – Т., 2004.

Қўшимча адабётлар:

1. Худжанова Д. Маҳмуд ибн умар аз-Замахшарийнинг аруз илмига оид “ал-қустос фи илми-л-аруз” асари. Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган дис. – Т.ТошДШИ. 2015.

1.3 Жузвлар ҳақида тушунча

Дарсинг мақсади: Аруздаги энг кичик ритмик бўлак ҳарф ва бош ўлчов бирлиги саналадиган жузвларнинг турлари ҳақида маълумот бериш.

Таянч сўзлар ва иборалар: ҳижо, ҳарф, мутаҳаррик, жузв, мақтаъ, сабаб, ватад, фосила, ўлчовлар, ҳарф, бўгинлар.

Аруздаги энг кичик ритмик бўлак сифатида айрим мутахассислар (араб ва форс арузшунослиги анъаналарига мувофик)

харфни, бошқалари эса (туркий тиллар ва туркий аруз хусусиятларидан келиб чиқиб) ҳижони кўрсатишади. Яъни, энг кичик ритмик бўлак сифатида ҳарфнинг олиниши араб тили (ва ёзуви) учун хосроқ, ўзбек тили учун эса ҳижонинг олингани қулайроқ.

Шундай қилиб, араб арузшунослигида энг кичик ритмик бўлак — ҳарф, ҳарф эса икки турли бўлади: мутаҳаррик (ҳаракатли) ва сокин (ҳаракатсиз). Ҳаракатли деганда, унли товуш тушунилиши эътиборда тутилса, “мутаҳаррик ҳарф”, “сокин ҳарф” атамаларининг маъноси англашилади. Масалан, “кўз” сўзи иккита ҳарф: бир мутаҳаррик (“кў”) ва бир сокиндан (“з”) таркиб топади.

Аруз фанининг асоси ўлчовлар (вазнлар) ва маълум тартибда кетма-кет келадиган ҳаракатли ва сукукли ҳарф¹лардан ташкил топган **рукилар** ҳисобланади. Шунингдек, ҳаракатли ва сукукли ҳарфларнинг маълум тартиб билан алмашилиб келиб, бир бутунлиқни ташкил қилишларига қараб бўлакчаларга ажратади. Ана шу кичик бўлакчалар аруз учун бош ўлчов бирлигини ташкил қилувчи **жузв** (кўплиги **ажзо**)лар (мақтаъ)дир. Улар икки турли бўлади:

Биринчиси, мақтаъ таркибида ҳаракатланганлиги ёки сукукланганлигидан қатъий назар, иккита ҳарф иштирок этган бўлак **сабаб** – سَبَب (луғ.м: арқон)дир. Сабаб икки турли бўлади:

1. Енгил сабаб (سَبَبٌ خَفِيفٌ) – бир қисқа ҳаракатли ва бир сукукли ҳарфлар бирикмасидан иборат. Масалан, **لُنْ** даги **فَعُولُنْ** – “май – نى”, “най – نى”, “гул – گل” кабилар.

2. Оғир сабаб (سَبَبٌ ثَقِيلٌ) – икки қисқа ҳаракатли ҳарфлар бирикмасидан иборат. Масалан, **عَلْ** даги **مُفَاعَلَتُنْ**.

Иккинчиси, уч ҳарфдан иборат **ватад** – وَتَد (луғ.м: қозик). Ватадни ҳам икки тури мавжуд:

1. Ажратилган ватад (وَ تَدٌ مَفْرُوقٌ) – икки ҳаракатли ҳарфни ўртасида келувчи бир сукукли ҳарфлар мажмуаси. Масалан, **لَا تْ** даги **مَفْعُولَاتْ**.

Мисол:

Кимдадур сафо сенингча, кимдадур вафо сенингча

¹ “Ҳарф” сўзи товушнинг ўзини ҳамда унинг ёзувдаги ифодасини бирдек ифодалайди.

2. Йиғилган ватад (وَ تَدٌ مَجْمُوعٌ) – икки ҳаракатли ва бир сукукли ҳарфлар йиғиндисидан иборат. Масалан, **عَلُنْ** даги **فَاعِلُنْ**.

Шунингдек, уч ёки тўрт ҳаракатли, охири ҳаракатсиз ҳарфдан ташкил топган бўлак **фосила** (الفاصلة) – луғ.м: ораликлар ҳам икки кўринишда бўлади:

1. Кичик фосила (الفاصلة الصغرى) – бир оғир ва бир енгил сабабнинг йиғиндисидан иборат. Масалан, **مُنْفَا** даги **مُنْفَاعِلُنْ**.

2. Катта фосила (الفاصلة الكبرى) – бир оғир сабаб ва бир йиғилган ватадга тенг. Масалан, **فَعَلَتُنْ**.

Араблар юқоридигаларни бир жумлага жам қилишган:

لم أر على ظهر جبلن سمكتن
سبب وتد فاصلة

А. Навоий қуйидаги жумлани юқорида айтилган ҳамма жузвларнинг ифодаси тариқасида келтиради:

Ул кўзи қаро дарду ғамидин чидамадим
сабаб ватад фосила

Ул – сабаб ҳафиф, кўзи – сабаб сақийл, қаро – ватад мажмуъ, дарду – ватад мафруқ, ғамидин – фосилаи суғро, чидамадим – фосилаи кубро.

Навоий фикрича, бу жузвларнинг ҳар бири якка ҳолда ишлатилганда вазн майдонга келмайди. Шеърда вазн ҳосил қилиш учун, бу жузвларни аралаштириб ишлатиш керак.

Мана шу уч хил бир-бирига ўхшамас жузвлар (сабаб, ватад, фосила)нинг қўшилишидан арузшунослар шеърнинг вазнини ўлчаш учун шундай ўлчовлар ҳосил қилганки, улар ва уларнинг турланишидан чиққан ўлчовлар ҳамма вазнларни ҳосил қилишга ва шеърда қўлланиладиган вазнларни тайинлашга имкон туғдиради.

Жузв ҳарф ва ҳаракатдан тузилади. Унли ҳарф учта ¹ و ى улар очик бўғинда (сокин) сукукли ёки узун унли вазифасини ўтаган. Бироқ араб алифбосида эски ўзбек ёзувида унли ҳарфли очик бўғинлар доимо чўзиқ бўғин ўрнига ўтавермаган. Баъзан чўзиқ ва қисқа бўғинга ҳам ўтаверган. Масалан: **توزى** – икки ҳаракатли ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳарфлар сони доимо бўғинлар сонидан кўп бўлади.

Демак, шеърларни таҳлил қилишимиз жараёнида бўғинларга эмас, ҳарфларга эътибор қаратишни унутмаслигимиз керак экан, акс ҳолда вазни тўғри аниқлай олмаймиз.

Саволлар:

1. Жузвлар деганда нимани тушунасиз?
2. Жузвларнинг турлари.
3. Ватад нима?
4. Фосила қандай бўлак ва унинг турлари?
5. А. Навоий жузвларга қандай таъриф берган?

Мустақил таълим учун топшириқ:

Аруз вазнида ёзилган ғазалларни мустақил равишда топиб уларни руқларга бўлиб вазини аниқлаш.

Асосий адабиётлар:

1. Навоий А. Мезонул-авзон. – Т.: Фан, Асарлар, 14 ж, 1968.
2. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001.
3. Талабов Э. Араб шеърлятида аруз тизими, ДДА. – Т., 2004.
4. Алиев С. Аруз илми. – Бухоро, 1995.

Қўшимча адабётлар:

1. Худжанова Д. Махмуд ибн умар аз-Замахшарийнинг аруз илмига оид “ал-қустос фи илми-л-аруз” асари. Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган дис. – Т. ТошДШИ. 2015.
2. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985.

1.4 Арузда руқларнинг аҳамияти

Дарсинг мақсади: Талабаларни аруз руқлари ва уларнинг турлари ва уларда содир бўладиган ўзгаришлар билан таништириш.

Таянч сўзлар ва иборалар: Руқ, афъила, тафъила, руқ қолиплари, афоиъил, фаълун, мафъилун, фошлотун, соғлом руқ, хумосий, суботий, тармоқ руқ, солимул – аркон, зиҳоф ва иллатлар, ҳазф, ноқис, идмар, ҳабн ва тайй.

Руқ – бу жузвлардан иборат бирикмалардир. Арузда энг кичик ўлчов руқдир. Вазнлар руқлардан тузилади, руқлар эса жузвлардан иборатдир. Араблар афъила ёки тафъила деб аташади.

Руқ–ҳаракатли ва суқунли ҳарфларнинг маълум вазият талабига монандлашиб, зарур тартиб билан келувчи махсус бирлигидир. Ана шу бирлик аруз баҳрларини ўзаро фарқловчи асосий ўлчов вазифасини ўтайди.

Шундай қилиб, руқлар сабаб, ватад ва фосилалардан тузилади. Ҳалил ибн Аҳмад руқ қолипларини яшашда қуйидаги 10 та ҳарфдан фойдаланади: ا، ت، س، ع، ف، ل، م، ن، و، ي.

Араб олимлари ушбу ҳарфлар йиғиндисидан “لمعت سيوفنا” (тарж: “шамширларимиз ярақлаб кетди”) жумласини шакл қилиб яшашган.

Сабаб, ватад ва фосилалардан таркиб топган афоиъил – الالافاعيل ва тафаяиъил – الالافاعيل лар деб аталадиган 8 та асл афъила (руқ)лар мавжуд. Улар неча ҳарфдан ташкил топишига қараб икки қисмга бўлинади:

Беш ҳарфдан ясалган руқлар. Улар иккита:

فَعُولُن (фаълун) – бир йиғилган ватад (فعو) ва бир енгил сабаб (لُن) келади.

Иккинчиси унинг акси فاعِلُن (фоилун) – бир енгил сабаб (فا) ва бир йиғилган ватад (عِلُن) келади.

Етти ҳарфдан ясалган руқлар. Улар ҳам уч синфга ажратилади:

Икки энгил сабаб ва йиғилган ватаддан тузилган учта рукнлар: Биринчиси – مستفعل (мустафъилун). Бошида икки сабаб (مس ва تف) ва охирида келувчи бир ватад (عِلْن) йиғиндисидан иборат.

Иккинчиси – مفاعيلُن (мафаъилун). Бошида ватади мажмуъ (مفا) кейин икки энгил сабаб (عِلْن) келади.

Учинчиси – فاعلاتُن (фоъилотун). Бошида ва охирида келувчи икки энгил сабаб (فا ва تُن) ва ўртада келувчи бир йиғилган ватаддан иборат.

Энгил ва оғир сабабдан иборат фосила ва йиғилган ватаддан таркиб топган икки рукн:

Биринчиси – مفاعلاتُن (муфаъалатун) бир йиғилган ватад (مفا) ва ундан кейин келувчи кичик фосила (عِلْتُن) дан иборат.

Иккинчиси – مُتفاعِلُن (мутафаъилун) юқоридагининг акси яъни бир кичик фосила (مُتفا) ва бир йиғилган ватад (عِلْن) дан иборат.

Икки энгил сабаб ва кейин бир ажратилган ватаддан таркиб топган مفعولات (мафъулоту) рукнидир.

Юқоридаги рукн қолиплари араб шеърияти вазнларини ясайдиган аслий рукнлардир. Бахрлар таркибида қўлланилаётган рукнлар соф – бирламчи ҳолатда ёки айрим ўзгаришларга учраган шаклда учраши мумкин.

Бирламчи ҳолатда, ҳеч қандай ўзгаришларга учрамаган шаклда қўлланилаётган рукн соғлом (سالم) рукн деб аталади. Беш ҳарфли асллар “хумосий” (бешталиқ) ва етти ҳарфли асллар “суботий” (еттилик) деб аталади. Навоий фикрича, туркий шеъриятда кўп ишлатиладиган асл рукнлар бештадир. Қуйида уларнинг узун ва қисқа бўғинларини ифода этувчи белгилар билан берамиз:

Мафойилун - / - - -

Фоилотун - / - -

Мустафъилун - - / -

Мафъулотун - - - /

Фаъулун / - -

Тармоқ рукнлар. Рукнлар бахрлар таркибида ҳамма вақт ҳам соғлом ҳолда ишлатилмайди, кўп ҳолларда рукнлар бахрлар

доирасида миқдор ўзгаришларга учраб туради. Бироқ аслий рукнлар бахрлар таркибида ҳамма вақт ҳам соғлом ҳолда ишлатилмайди, кўп ҳолларда рукнлар бахрлар доирасида миқдор ўзгаришларга учраб туради. Ушбу ўзгаришлардан ҳосил бўлган рукнлар қолипларини тармоқ (فرع) рукнлар дейилади. Улар қуйидагилардир:

فَعُولُن, فُعُولُن, فَعْلُن, فَعْلُن рукнидан олтита тармоқ рукн ясалади: فَعْلُن, فَعْلُن, فَعْلُن, فَعْلُن, فَعْلُن, فَعْلُن.

Кейинги аслий рукн فاعِلُن дан 2та тармоқ рукн ясалади: فَاعِلُن, فَاعِلُن.

مُسْتَفْعِلُن (мустафъилун) кейинги аслий рукн. Ушбу рукн қолипида 11 та тармоқлари бор:

مفاعِلُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن, مُسْتَفْعِلُن, مفاعِلُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن, مُسْتَفْعِلُن, مفاعِلُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن.

مفاعيلُن ушбуаслий рукннинг еттита тармоқ рукнлари мавжуд: مفاعِلُن, مفاعِلُن, مفاعِلُن, فَعْلَتُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن, مُفْتَعِلُن.

Кейинги аслий рукн فاعلاتُن да ўн битта тармоқ рукн бор: فَاعِلَتُن, فَاعِلَتُن, فَاعِلَتُن, فَاعِلَتُن, فَاعِلَتُن, فَاعِلَتُن, فَاعِلَتُن, فَاعِلَتُن, فَاعِلَتُن, فَاعِلَتُن.

مفاعلاتُن (муфаъалатун) номли аслий рукндан саккизта тармоқ рукнлар ясалади:

مفاعيلُن, مفاعِلُن, مفاعِلُن, فَعْلَتُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن.

Кейинги аслий рукн مُتفاعِلُن (мутафаъилун)нинг ўн бешта тармоқ рукни мавжуд:

مُسْتَفْعِلُن, مفاعِلُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن, مُفْتَعِلُن, فَعْلَتُن.

Ва ниҳоят охирги асл рукн қолипимиз مفعولات бўлиб, ўн битта фаръий рукнлари мавжуд:

فَعُولَات, فَاعِلَات, فَعْلَات, مُفْعُولَات, فَعْلَات, فَعْلَات, فَعْلَات, فَعْلَات, فَعْلَات, فَعْلَات.

Аслий рукнлар (الأصول) ва тармоқ рукнлар (فروع)нинг арузда яна бир амалий аҳамияти шундаки, шеърнинг вазни тайин этилганда унга кирган ҳамма ўлчов схемаларининг номлари вазннинг номида қайд этилади. Юқорида айтилганидек, агар вазн

ўзгартирилмаган аслнинг такроридан ҳосил бўлса, “солимул – аркон” вазн номини олади¹.

Юқорида биз Замахшарийнинг “Ал-Кустос фи илми-л-аруз” асари бўйича саккизта аслий рукнларнинг тармоқ рукнларга ажралиб чиқиш усулини кўриб чиқдик. Ушбу тармоқларга бўлиш усули бошқа манбаларда келтирилган маълумотлардан фарқли ўлароқ анча қулайроқ ва онсонроқ бўлгани учун ушбу асарга мурожаат қилдик.

Зихоф ва иллатлар. Юқорида айтиб ўтганимиздек, рукнлар ҳамма вақт ҳам тўғри ва соғлом ҳолда қўлланилавермайди. Рукнлар бир қанча ўзгаришларга: ҳаракатли ёки сукунли ҳарфни тушиб қолиши, рукнга бир ёки ундан ортиқ ҳарфнинг орттирилиши каби шаклларда учрайди. Бу каби ўзгаришлар аруз илмида зихоф ва иллатлар дейилади.

Зихофлар: зихоф (حاف) луғ.м: аслдан узоқлашув) – бир байтнинг барча рукнларида содир бўлиши мумкин бўлган, лекин қасиданинг бошқа–бошқа байтларида такрорланиши шарт бўлмаган ўзгаришлардир.

Ал–Мунжид зихофга қуйидагича таъриф беради:

“Арузда зихоф – сабаб ҳафиф ёки сабаби сақилнинг иккинчи ҳарфида рўй берадиган ўзгариш, у ўзининг оғирлиги туфайли шундай номланган”.

Бироқ, зихофга учраётган ҳарф рукннинг иккинчи, тўртинчи, бешинчи ва еттинчи ҳарфлари бўлиши шарт. Бошқа ҳарфлар (биринчи, учинчи, олтинчи)га зихоф тушмайди. Аслида биринчи ҳарфга зихоф тушиши мумкин эмас, чунки у юқорида таъкидлаганимиздек, сабабнинг иккинчи ҳарфигагина тушади.

Ҳақиқаттан ҳам, арузнинг араб назарийётчиларининг таъкидлашича, зихоф шеърнинг бошидан охиригача эмас, балки фақат бир марта учраши ҳам мумкин.

Зихоф **содда** (مفرد) ва **мураккаб** (مركب) бўлиши мумкин.

Зихофлар баёни ва таснифи аруз назариясининг тушуниш нуқтаи назаридан эмас, балки эсда қолиш жиҳатдан энг мураккаб

қисми ҳисобланади, шунинг учун араб назарийётчилари содда ва мураккаб зихофларнинг махсус жадвалини тузиб чиқдилар.

Юқорида қайд этилганидек, зихофларнинг умумий хусусияти – улар сабабларнинг иккинчи ҳарфида бўлишидир. Аниқлаш содда бўлиб кўринса–да, у анча мураккаб иш, бу ерда сабабларга эмас, рукнларнинг бирига (тафаъил) дуч келинади. Бундай ҳолатда, зихоф рукннинг иккинчи ҳарфида, шунингдек, тўртинчи, бешинчи, ёки еттинчи ҳарфларида учраши мумкин.

Агар зихоф рукннинг бир ўринидагина намоён бўлса, содда зихоф дейилади.

Бирикмаларда бир неча зихофлар (сабабда иккита зихоф) учраши мумкин. Бундай зихоф мураккаб зихоф дейилади.

Демак содда зихофлар саккизта экан. Уларни жадвал кўринишида кўриб чиқамиз:

Содда зихофлар жадвали

№	Номи	Таъриф	Бошланғич этаплар	Зихоф ҳаракати оқибатида рукннинг ўзгариши	Ўзгарган рукннинг эквиваленти
1	Идмар	Сабабнинг иккинчи ҳарфи ҳаракатли бўлганда, ўша ҳарфнинг сукунланиши	Ҳаракатли та мутафаъилун متفاعلن	Сукунланган та мутфаъилун متفاعلن	Мустафилун مستفعلن
2	хабн	Сабабнинг иккинчи сукунланган ҳарфнинг тушиши	1. Мустафъилун 2. Фаъилун 3. Мафъулату 4. Фаъилатун	Мутафаъилун Фаъилун Маъулату фаъилатун	Мафаъилун Фаъулату Фаъилатун

¹ Султонов И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б. 321.

3	Тайй	Рукндаги тўртинчи сукуллан- ган харфнинг тушуши	1. Мустафъи лун 2. Мутафаъи лун 3. Мафъилат у	Мустаъилун Мутафаъилун мафъулату	Муфтаъилу Мутафаъилу н Фаъилату
4	Вақс	Рукндаги сабаб- нинг иккинчи харакатли харфнинг тушиши	Мутафаъилу н	Муфаъилун	Мафаъилун
5	Асб	Рукндаги бешинчи харакатли харфнинг у сабаб- нинг иккинчи харфи бўлганда сукуллан иши	Муфаъалату н	Муфаъалатун	
6	Қабд	Сабаб- нинг иккинчи харфи бўлган руқннинг бешинчи сукуллан- ган харфнинг тушуши	Фаъилун Мафаъилун	Фаъилу Мафаъилун	
7	Ақл	Сабаб- нинг иккинчи харфи бўлган руқннинг бешинчи	Муфаълатун	Муфаатун	Мафаъилун

		сукуллан- ган харфнинг тушуши			
8	Кафф	Сабаб- нинг иккинчи харфи бўлган руқндаги еттинчи сукуллан- ган харфнинг тушуши	1. Мустафъи лун 2. Фаъилатун	Мустафъилу фаилату	

Содда зихофлардан ташқари, юқорида айтиб ўтганимиздек, “мураккаб” зихофлар ҳам мавжуд, улар араб арузшунослари фикрича тўрттадир:

1. Хабл (خبل) - хабн ва тайнинг бита руқнда бирикиши.
2. Хазл (خزل) – руқндаги идмар ва тайнинг бирикуви.
3. Шакл (شكل) – руқндаги хабн ва каффнинг бирикуви.
4. Нақс (نقص) – руқндаги асб ва каффнинг бирикуви.

Мураккаб зихофлар жадвали

№		Якка зихоф- лар	Бирик кан зихоф- лар	Дастлабки руқнлар	Зихофлар харакати оқибатида руқнларнинг ўзгариши	Ўзгарган руқнларнинг эквиваленти
1	2 3	Хабн Тайй	Хабл	1.Мустафъилун 2.Мафъулату	Мутаъилун Маъулату	Фаъилатун Фаъулату
2	1 3	Идмар Тайй	Хазл	Мутафаъилун	Мутфаъилун	Муфтаъилун
3	2 8	Хабн Кафф	Шакл	1.Фаилатун 2.Мустафъилун	Фаъилату Мутафъилу	—
4	5 8	Асб Каф	Нақс	Муфаъалатун	Муфаъалату	—

Илла рукндаги шундай ўзгаришки, у ўша қасида ёки шеърнинг барча байтида содир бўлиши керак.

Илланинг икки хил тури бор: «илал аз-заида» – орттирилувчи илла ва «илал ан-нақс» - камайтирилувчи илла.

Орттирилувчи илла ўз навбатида уч турга бўлинади: тарфил, тазийл, тасбиғ.

Орттирилган илла жадвали

№	Номи	Таърифлар	Дастлабки рукнлар	Илал аз-зияда таъсири натижасида ўзгарган рукнлар
1	Тарфил	Ватад мажмуъ билан тугайдиган рукнга сабаб хафифнинг қўшилиши	1.Фаџилун 2.Мутаџџилун	Фаџилатун Мутаџџилатун
2	Тазийл	Ватад мажмуъ билан тугайдиган рукнга ҳаракатсиз харфнинг қўшилиши	1.Мутаџџилун 2.Мустаџџилун 3.Фаџилун	Мутаџџилан Мустаџџилан Фаџилан
3	Тасбиғ	Сабаб хафиф билан тугайдиган рукнга ҳаракатсиз харфнинг қўшилиши	1.Фаџилатун	Фаџилатан

Илал ан–нақс (камайтирилувчи илла) тез–тез учрайди. Улар нисбатан турли тумандир. Уларнинг вазифаси рукнлардан бирор қисмни орттириш эмас, балки камайтиришдир.

Аруз бўйича араб мутахассисларининг таснифларига кўра камайтирилувчи илланинг қуйидаги турлари мавжуд: ҳазф, қатф, қаср, қатъ, ташъис, ҳазаз, салм, қасф, вақф кабилардир.

Ўзгариш турлари орасида ҳарм муҳим ўрин тутади, у ҳарм шунингдек салм ва адб турларига эга. Кейинги ўзгаришларда ҳарм–ҳарб, шатар, қасм ва жимам каби турларига эга бўлади.

Ал–Хоразмий фикрича, ҳарм – бу шеърнинг бошланишида яъни рукннинг бошидаги биринчи ундошнинг ва кетидан келадиган унлининг тушиши.

Храм атамаси бу ерда кенг маънода изоҳланяпти. Тор маънодаги ахрам атамаси агар у ҳармга тегишли бўлса, ҳазаж баҳрига тегишли бўлади. Қуйида сода кўринишдаги ҳармнинг жадвали берилади.

Содда кўринишдаги ҳармнинг жадвали

№	Номлари	Бошланғич рукнлар	Ҳарм ҳаракати натижасида рукнларнинг ўзгариши	Ўзгарган рукнларнинг эквиваленти
1	Ахрам /ҳазажда/	Маџџилун	Фаџилун	Маџџулун
2	Аслам/тавилда/	Фаџулун	Ўулун	Фаџлун
3	Аъдаб/вафирда/	муџџалатун	Фаџалатун	муџџџилун

Мураккаб кўринишдаги ҳармнинг жадвали

№	Ягона кўриниш даги ўзгариш- рилган номи	Аралаш кўринишини ўзгаририл- ган номи	Бошланғич рукнлар	Ҳармнинг таъсири натижаси- да рукн- ларнинг ўзгариши	Ўзгарган рукнлар эквивален- ти
1	Ҳарм Қабд	Асрам /тавилда/	Фаџулун	Ўулу	Фаџлу
2	Ҳарм Қабд	Аштар /Ҳазажда/	Маџџилун	Фаџилун	Фаџилун
3	Ҳарм Кафф	Ахрам	Маџџилун	Фаџилу	Маџџўлу
4	Ҳарм Асб	Ақсам	Муџџалатун Маџџилун	Фаџалат	Муџџџил Маџџулу
5	Ҳарм Ақл	Ажам	маџџилун	Фаџилун	Фаџилун

Шундай қилиб, биз шеърда содир бўладиган вазн вариантлари (илла) ҳамда рукндаги ўзгаришлар (зиҳоф)нинг қай даражада мантиқан ва изчил ишлаб чиқилганлиги кўрдик. Шунини таъкидлаш лозимки, шоирлар асосан худди ана шу “қоидалар”га риоя қилишган, фақатгина “Абу-л-Атаҳия каби баъзи шоирлар арузни унчалик тан олмаганлар”.

Албатта, аруз қоидаларига асосан ёзилган шеърларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқиш қийин, агар бу ҳодиса амалга ошганда балки биз қаердадир танқидчи ва назариётчилар, у ёки бу шоирларнинг замондошлари эътиборидан четда қолган бирдан-бир томонлари (вариациялар)ни топган бўлар эдик.

Араб назариётчилари байт қисмларининг – шеър мисраларининг мукаммал терминологиясини ишлаб чиққанлар. Аруз назариясини тўлиқ тушуниш учун улар ҳақида қисқача бўлса ҳам биз Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асаридаги аруз системасининг баёнига ўтамиз.

Унинг лўнда ва аниқлигини ҳисобга олиб, энциклопедиянинг маълум бобларининг таржимасини келтирамиз, чунки Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий таснифининг мазмуни ўрта асрнинг бошқа араб филологлари таснифларининг мазмунидан бирор бир муҳим томонлари билан фарқ қилмайди.

Абу Абдуллоҳ ихтиросининг энг муҳим хусусияти унинг лўндалиги, қисқалиги, мантиқан оқланганлигидир.

Маҳмуд Замахшарий “Ал-Кустос” асарида рукнларда содир бўлувчи ўзгаришларни зиҳоф ва иллаларга ажратмасдан уларни аслий рукндан ясалган тармоқ рукнларни ҳар бирини алоҳида турларга ажратиб чиққан. Улар қуйидагича:

فَعُولٌ (фаъулун) рукндан олти тармоқ рукн ясалади: فَعُولٌ, فَعْلُنْ, فَعْلٌ, فَعْلٌ, فَعْلٌ, فَعْلٌ.

Макбуд – المقبوض (луғ.м: тутиш) рукн таркибидаги бешинчи ҳарф сукунланган ҳамда сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши:

فَعُولُنْ ← فَعُولٌ

Максур – المقصور (луғ.м: қисқартириш) рукн сўнгидаги енгил сабабдан сукунли ҳарфни тушиб қолиши ва олдидагисининг сукунлашуви:

فَعُولُنْ ← فَعُولٌ

Аслам – الأتلم (луғ.м: тешиш, ёриш) биринчи байтдаги биринчи келган йиғилган ватаднинг биринчи ҳарфи тушиб қолиши:

فَعُولُنْ ← عُولُنْ = فَعْلُنْ

Асрам – الأثرم (луғ.м: тиши синик) рукн макбуд бўлганда ватаддан биринчи ҳарфнинг тушиб қолиши:

فَعُولُنْ ← فَعْلُنْ

Маҳзуф – المحذوف (луғ.м: тушириб қолдириш) байтда аруд ёки дарб бўлиб келувчи рукн охиридаги енгил сабабнинг тушиб қолиши:

فَعُولُنْ ← فَعْلُنْ

Абтор – الأبتور (луғ.м: қўбориш) қатъ ва ҳазфнинг мажмуъсидир. فَعُولُنْ ← فَعْو ← فَع.

Кейинги аслий рукн فاعِلُنْ (фаъилун)дан 2та тармоқ рукн ясалади: فَعْلُنْ, فَعْلُنْ.

Маҳбун – المخبون (луғ.м: этакни қисқартириб тикиш) рукндаги иккинчи ҳарф сукунли ҳамда сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши:

فاعِلُنْ ← فَعْلُنْ

Мақтаъ – المقطوع (луғ.м: кесиш) рукн сўнгидаги йиғилган ватаддан сўнги сукунли ҳарфнинг тушиб қолиши ва олдидагисининг сукунлашиши:

فاعِلُنْ ← فَعْلُنْ

مُسْتَفْعِلُنْ (мустафъилун) кейинги аслий рукн. Ушбу рукн қолипида 11 та тармоқлари бор:

مفاعِلُنْ مُفْعِلُنْ, فَعْلُنْ, مُسْتَفْعِلٌ, مفاعِلٌ, مفعُولُنْ, فَعُولُنْ, مُسْتَفْعِلَانٌ, مفاعِلَانٌ, مُفْعِلَانٌ, فَعْلَتَانٌ.

Маҳбун. Юқорида ҳабн ҳақида айтиб ўтдик.

مُسْتَفْعِلُنْ ← مُتَفَعِلُنْ = مفاعِلُنْ

Матвий – المطوي (луғ.м: ўраш) рукндаги тўртинчи сукунли ҳарф сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши:

مُسْتَفْعِلُنْ ← مُسْتَفْعِلُنْ = مُفْعِلُنْ

Махбул – المخبول (луғ.м: қаршилиқ) Хабн ва тайларнинг йиғиндисидан иборат.

مُسْتَفْعِلُنْ ← مُتَفَعِلُنْ ← مُتَعَلِنُ = فَعْلَانُ

Макфуф – المكفوف (луғ.м: олиб қўйиш) рукннинг еттинчи ҳарфи сукунли ҳамда сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши:

مُسْتَفْعِلُنْ ← مُسْتَفْعِلُنْ

Машкул – المشكول (луғ.м: чалкаштириш) хабн ҳамда кафф бирлигидан иборат:

مُسْتَفْعِلُنْ ← مُتَفَعِلُنْ ← مُتَفَعِلُ = مَفَاعِلُ

Мақтуъ – المقطوع рукн сўнгидаги йиғилган ватаддан сўнги сукунли ҳарфнинг тушиб қолиши ва олдидагисининг сукунлашиши:

مُسْتَفْعِلُنْ ← مُسْتَفْعِلُنْ ← مُتَفَعِلُ = مَفْعُولُنْ

Макбул – المكبول (луғ.м: занжирлаш) хабн ҳамда қатъ бирлигидан иборат:

مُسْتَفْعِلُنْ ← مُتَفَعِلُنْ ← مُتَفَعِلُ = فَعُولُنْ

Музал – المُذال (луғ.м: дум орттириш) рукн ортидаги йиғилган ватадга сукунли ҳарф орттириш:

مُسْتَفْعِلُنْ ← مُسْتَفْعِلَانُ

Музали махбун:

مُسْتَفْعِلُنْ ← مُتَفَعِلُنْ ← مُتَفَعِلَانُ = مَفَاعِلَانُ

Музали матвий:

مُسْتَفْعِلُنْ ← مُسْتَفْعِلُنْ ← مُسْتَفْعِلَانُ = مُفْتَعِلَانُ

Музали махбул:

مُسْتَفْعِلُنْ ← مُتَعَلِنُ ← مُتَعَلِنُ = فَعْلَانَانُ

مَفَاعِلَانُ (мафатийлун) ушбу аслий рукннинг еттита тармоқ рукнлари мавжуд:

مَفَاعِلَانُ، مَفَاعِلُنْ، مَفَاعِلُ، فَعُولُنْ، مَفْعُولُنْ، فَعْلَانُ، مَفْعُولُ.

Мақбуд – المقبوض

Макфуф – المكفوف

Мақсур – المقصور

Маҳзуф – المحذوف

Ахрам – الأخرم (луғ.м: тешиқ қилиш) рукн бошидаги биринчи ундошнинг ва кетидан келадиган унлининг тушиб қолишидир. Рукнларнинг ўзгариш турлари орасида ҳарм муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, у салм ва адб турларига эга. Кейинги ўзгаришларда ҳарм–ҳарб, шатар, қасм ва жимама каби турларига эга бўлади¹:

مَفَاعِلَانُ ← فَاعِلَانُ = مَفْعُولَانُ

Аштар – الأشتار (луғ.м: ёриш) ахрам ва мақбуд йиғиндисидан иборат:

مَفَاعِلَانُ ← فَاعِلَانُ ← فَاعِلُنْ

Ахраб – الأخراب (луғ.м:вайрон қилиш) ахрам ва макфуф бирлигидан иборат:

مَفَاعِلَانُ ← فَاعِلَانُ ← فَاعِلُ = مَفْعُولُ

Кейинги аслий рукн فَاعِلَانُ (фўилатун)да ўн битта тармоқ рукн бор:

فَعْلَانُ، فَاعِلَانُ، فَعِلَانُ، فَعْلَانُ، فَعْلَانُ، فَعْلَانُ، فَعْلَانُ، فَعْلَانُ، فَعْلَانُ، فَعْلَانُ، فَعْلَانُ، فَعْلَانُ.

1) Махбун – المخبون. Биринчи байтда келганда махбун дейилади.

2) Макфуф.

3) Машкул.

4) Мақсур – المقصور.

فَاعِلَانُ ← فَاعِلَانُ = فَاعِلَانُ

5) Мақсур ҳамда махбун:

فَاعِلَانُ ← فَاعِلَانُ ← فَعِلَانُ = فَعْلَانُ

6) Маҳзуф – المحذوف

فَاعِلَانُ ← فاعلا = فاعِلُنْ

7) Маҳзуф ва махбун.

فَاعِلَانُ ← فاعلا ← فَعِلَا = فَعْلَانُ

8) Абтар – الأبتار.

فَاعِلَانُ ← فاعِل = فَعْلَانُ

¹ Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улул” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001. – Б:20.

9) Мушшаъс – الْمُشْعَث (луғ.м: ташлаш) рукндаги ватаднинг бирон-бир ҳаракатли ҳарфнинг тушиб қолиши:

فَاعِلَاتُنْ ← فَعَلَاتُنْ = مَفْعُولُنْ

Ёки рукндаги ватаднинг биринчи ҳарфнинг сукунлашуви:

فَاعِلَاتُنْ ← فَعَلَاتُنْ = مَفْعُولُنْ

10) Мусаббағ – الْمُسَبِّغ (луғ.м: семиртириш) рукн ортидаги энгил сабабга сукунли ҳарф қўшиш:

فَاعِلَاتُنْ ← فَاعِلَاتَانْ = فَاعِلِيَانْ

11) Мусаббағ ва махбун.

فَاعِلَاتُنْ ← فَاعِلَاتَانْ ← فَعِلَاتَانْ = فَعِلِيَانْ

Мутағаллун (муфаъалатун) номли аслий рукндан саккизта тармок рукнлар ясалади:

مَفَاعِيلُنْ، مَفَاعِلُنْ، مَفَاعِلُنْ، مَفْعُولُنْ، فَعُولُنْ، مَفْعِلُنْ، مَفْعِلُنْ، مَفْعُولُنْ

Маъсуб – الْمَعْصُوب (луғ.м: бошни боғлаш) рукннинг бешинчи ҳарфи ҳаракатли ҳамда сабабнинг иккинчиси бўлганда сукунлашуви:

مَفَاعِلَاتُنْ ← مَفَاعِلَاتُنْ = مَفَاعِيلُنْ

Маъкул – الْمَعْقُول (луғ.м: боғланган) рукн таркибидаги бешинчи ҳарф ҳамда сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши:

مَفَاعِلَاتُنْ ← مَفَاعِلَاتُنْ = مَفَاعِلُنْ

Манкус – الْمَنْقُوص (луғ.м: камайтирилган) аъсб ва кафф бирлигидан иборат:

مَفَاعِلَاتُنْ ← مَفَاعِلَاتُنْ = مَفَاعِيلُنْ

Мактуф – الْمَقْطُوف (луғ.м: яраланган) ҳазф ва ъасбнинг бирлиги:

مَفَاعِلَاتُنْ ← مَفَاعِلَاتُنْ = فَعُولُنْ

Аъдб – الْأَعْضَب (луғ.м: ўткир) соғлом рукннинг харм бўлиши:

مَفَاعِلَاتُنْ ← فَاعِلَاتُنْ = مَفْعِلُنْ

Ақсам – الْأَقْصَم (луғ.м: синдириш) маъсубни харм бўлиши:

مَفَاعِلَاتُنْ ← فَاعِلَاتُنْ = مَفْعُولُنْ

Ажам – الْأَجَم (луғ.м: шоҳсиз) маъқулни харм бўлиши:

مَفَاعِلَاتُنْ ← فَاعِلَاتُنْ = فَاعِلُنْ

8) Аъкс – الْأَعْكُس (луғ.м: ўрилган) манкусни харм бўлиши:

مَفَاعِلَاتُنْ ← فَاعِلَاتُنْ = مَفْعُولُنْ

Кейинги аслий рукн Мутфағалн (мутафаъилун)нинг ўн бешта тармок рукни мавжуд:

: مُسْتَفْعِلُنْ، مَفَاعِلُنْ مُفْتَعِلُنْ، فَعِلَاتُنْ، مَفْعُولُنْ، فَعْلُنْ، فَعْلُنْ، مُتَفَاعِلَانْ، مُسْتَفْعِلَانْ، مُفْتَعِلَانْ، مُتَفَاعِلَانْ، مُسْتَفْعِلَانْ، مُفْتَعِلَانْ، مُتَفَاعِلَانْ، مُسْتَفْعِلَانْ.

1) Мудмар – الْمَضْمَر (луғ.м: ўзини билмасликка солиш) рукндаги иккинчи ҳаракатли ҳарф сабабнинг иккинчиси бўлганда сукунлашуви:

مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَاعِلُنْ = مُسْتَفْعِلُنْ

2) Мавкус – الْمَوْكُوص (луғ.м: бўғиш) рукндаги иккинчи ҳаракатли ҳарф сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши:

مُتَفَاعِلُنْ ← مَفَاعِلُنْ

3) Махзул – الْمَخْزُول (луғ.м: қисқартириш) идмар ва таййларнинг бирлигидан иборат:

مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَعِلُنْ = مُفْتَعِلُنْ

4) Мактуъ – الْمَقْطُوع рукн сўнгидаги йиғилган ватаддан сўнги сукунли ҳарфнинг тушиб қолиши ва олдидагисининг сукунлашиши:

مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَاعِلُنْ = فَعِلَاتُنْ

5) Мактуъ ва мудмар:

مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَاعِلُنْ = مَفْعُولُنْ

6) Аҳазза – الْأَحْذ рукндаги йиғилган ватаднинг тушиб қолиши:

مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَاعِلُنْ

7) Аҳазза ва мудмар:

مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَاعِلُنْ = فَعْلُنْ

8) Музаал:

مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَاعِلَانْ

9) Музаал ва мудмар:

مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَاعِلَانْ = مُسْتَفْعِلَانْ

10) Музаал ва мавкус.

11) Музаал ва махзул.

12) Мураффал – الْمُرْفَل (луғ.м: шокила қилиш) рукнлар охиридаги йиғилган ватадга сукунли ҳарф оттириш:

مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَاعِلَانْ = مُتَفَاعِلَاتُنْ

13) Мураффал ҳамда мудмар.

14) Мураффал ва мавкус.

15) Мураффал ва махзул.

Ва ниҳоят охирги асл рукн қолипимиз مَفْعُولَات бўлиб, ўн битта фаръий рукнлаои мавжуд:

: فَعُولَات، فاعِلَات، فِعْلَات، مَفْعُولَان، فَعُولَان، فاعِلَان، مَفْعُولُن، فَعُولُن، فاعِلُن، فَعْلُن

1) Махбун: مَفْعُولَات ← مَعُولَات = فَعُولَات

2) Матвий: مَفْعُولَات ← مَفْعُلَات = فاعِلَات

3) Махбул: مَفْعُولَات ← مَعْلَات = فِعْلَات

4) Мавкуф – الموقوف (луғ.м: тўхтатилган) рукн охиридаги айрилган ватаднинг сўнги ҳарфини сукунлаш:

مَفْعُولَات ← مَفْعُولَات = مَفْعُولَان

5) Мавкуф ва махбун.

6) Мавкуф ва матвий.

7) Макшуф – المكشوف (луғ.м: тўсиқ қўйилган) рукн охиридаги айрилган ватаднинг ҳазф бўлиши:

مَفْعُولَات ← مَفْعُولَات = مَفْعُولُن

8) Макшуф ва махбун.

9) Макшуф ва матвий.

10) Макшуф ҳамда махбул.

11) Аслам – الأصلم (луғ.м: кесилган) рукн охиридаги айрилган ватаднинг тушиб қолиши:

مَفْعُولَات ← مَفْعُولَات = فَعْلُن

Назорат саволлари:

1. Байтлардаги рукнлар сони баҳрларнинг табиатига қараб қандай турларга ажратилади?
2. Рукн сўзининг маъноси?
3. Рукнлар турлари.
4. Асл рукнлар қандай?
5. Тармоқ рукнларнинг қолиплари.
6. Рукнлар қандай ўзгаришларга учрайди?
7. Зиҳоф рукнларда қай ҳолатда содир бўлади?
8. Содда зиҳофлар қандай?

9. Иллатлар қачон содир бўлади?

10. Орттирилган иллатлар қандай?

11. Рукнларда содир бўлувчи ўзгаришларни яна қандай талқини мавжуд?

12. Харм атамасига таъриф.

13. Хармнинг турлари қандай?

Мустақил таълим учун топшириқ:

Асл ва тармоқ рукнларни ғазаллар ичидан мисол топиб шарҳлаб бериш.

Адабиётлар:

1. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001.

2. Талабов Э. Араб арузи. – Т., 1977.

Қўшимча адабиётлар:

1. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972.

2. Худжанова Д. Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг аруз илмига оид “ал-қустос фи илми-л-аруз” асари. Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган дис. – Т.ТошДШИ. 2015.

II БЎЛИМ. АРУЗ БАҲРЛАРИ ВА АРУЗИЙ ДОИРЛАР

2.1 Аруз баҳрлари

Дарсинг мақсади: Талабаларга аруз баҳрлари ҳақида умумий маълумотлар бериб ўтиш ва баҳрларни тузилишига кўра турлари билан таништириш.

Таянч сўзлар ва иборалар: баҳр, ўзак вазн, ал- мутадорик, ал- Ахфаш, “Муттафиқа”, “ракд”, 16 баҳр, ритмик бўлаклар, еттиҳарфли, бешҳарфли, Қоришиқ, соғлом баҳр, тармоқ баҳр, мафъувлату.

Баҳр (بحر – луғ.м: денгиз) – бу шоир ижод олдидан махсус танлаб олган шеър вазни шаклидир. Адабиётшунос Аҳмад

Ҳошимийнинг фикрига кўра баҳр – махсус вазн, қасидада шоир унинг мисолига амал қилади¹.

Баҳр вазнлар туркуми ёки бир қанча вазннинг ягона асоси, “ўзак вазн” демакдир. Бобоколониимиз А.Навоийнинг “Мезонул – авзон” даги баҳрлар бобида шундай дейди: “...бухуреки баъзининг такрори ва баъзининг таркиби баъзи била ҳосил бўлур”² яъни баҳрлар асил ва фаръий рукнларнинг такроридан ёки бир–бирига аралаштириб олинишидан пайдо бўлади.

Шунингдек, “баҳр араб шеъри юрадиган йўлдир” деб араб олими Камил Саййид Шаҳин “баҳр” сўзининг этимологиясидан келиб чиққан ҳолда таъриф берган.

Шеърда баҳрни белгилаш учун аввало ритмнинг дастлабки мисрада қаерда тугаши–ю, иккинчисида қаердан бошланишини топиш керак. Иккинчи мисра ҳам биринчига деярли ўхшаш, бу амалиётнинг биринчисида тугал белгиланиши иккинчи учун ҳам зарур нисбатга яқинлаштирилади.

Аруз – шеърнинг асосий муайян баҳрини ўрганадиган фан деб атайдиган бўлсак, ундаги тармоқланиш ҳодисаси қоидалари асосида баҳрларнинг турли шакллари ҳосил қилинади ва унинг асосида ритм бўлакларини “аслдан узоқлашган” ҳисоблаб, чиқариб ташлаш ётади.

Араб арузида ҳаммаси бўлиб 16 та баҳр мавжуд. Халил ибн Аҳмад юзга яқин аруз вазни ораларидаги муштараклик аломатларига қараб уларни 15 гуруҳга бўлади ва бу гуруҳларни баҳрлар деб атайди.

Манбаларда келтирилишича Ҳалил ибн Аҳмад ҳаётлик даврида унинг шогирди Абу-л-Хасан ал-Ахфаш ўн олтинчи баҳрни киритиб, уни **ал- мутадорик** деб номлаган.

Абу Хафс ан-Насафий ва Маҳмуд Замахшарийлар доира бобида бешинчисини “Муттафика” деб атаб, баҳрлардан мутақориб ва рақдни беради. Бироқ, иккала аллома ҳам баҳрлар бобида 16та баҳрларни келтириб, ўн олтинчисини “мутадорик” деб атаб мисол беришади.

¹ الهاشمي احمد، ميزان الذهب في صناعة العرب، القاهرة، 1966. ص 29

² Навоий А. Мезонул–авзон. – Т.: Фан, Асарлар, 14 ж, 1968. – Б. 142.

Улар ўз асарларида Халил ибн Аҳмад истаги бўлган “рақд” номини доирада қолдириб, Абу-л-Хасан ал-Ахфаш киритиб, “мутадорик” деб номлаган ўн олтинчи баҳрни баҳрлар бобида келтирадilar. Бироқ берилган шеърий мисоллари бир–бирдан фарқ қилади. Маҳмуд Замахшарий ўзи тўқиган байтларни келтиради. Чунки ҳар бир шеърий мисол ўша ун олти баҳр номи ўзаги билан бошланади.

Шундай қилиб, араб арузида қуйидаги 16 баҳр мавжуд:

1. Тавил – الطويل (луғ.м: узун) баҳри
2. Мадид – المديد (луғ.м: чўзиқ) баҳри
3. Басит – البسيط (луғ.м: ёйиқ) баҳри
4. Вафир – الوافر (луғ.м: мўл) баҳри
5. Камил – الكامل (луғ.м: етук) баҳри
6. Ҳазаж – الهزج (луғ.м: кўшиқ) баҳри
7. Ражаз – الرجز (луғ.м: куйбоп) баҳри
8. Рамал – الرمل (луғ.м: елиш) баҳри
9. Сарий – السريع (луғ.м: тез) баҳри
10. Мунсарих – المنسرح (луғ.м: озод) баҳри
11. Ҳафиф – الخفيف (луғ.м: енгил) баҳри
12. Мударий – المضارع (луғ.м: ўхшаш) баҳри
13. Муқтадаб – المقتضب (луғ.м: бурдаланган) баҳри
14. Мужтасс – المجتث (луғ.м: кўпорилган) баҳри
15. Мутақариб – المتقارب (луғ.м: яқинлашувчи) баҳри
16. Мутадорик – المتدارك (луғ.м: сўнг англашилган) баҳри

Баҳрлар, шаклларида кўра, ритмик бўлақлар такроридан тузилади. Филологлар баҳрларни ана шу қиёсга кўра, турларга ажратадилар.

Бир ҳил ритмик бўлақлар такроридан таркибланган баҳрлар: комил, вофир, ҳазаж, ражаз, рамал, мутақориб, мутадорик.

Икки турли ритмик бўлақлар такроридан таркибланган баҳрлар: тавил, мадид, басит, сарий, мунсарих, ҳафиф, мударий, муқтадаб, мужтасс.

Баҳрларни яна таркибларидаги ритмик бўлақлар ҳарфлари сонларига нисбатан ҳам фарқланиши мумкин:

Етти ҳарфли рукнлардан ташкил топган баҳрлар: вофир, комил, ҳазаж, ражаз, рамал, сариъ, мунсарих, ҳафиф, мудориъ, муқтадаб, мужтасс;

Беш ҳарфли рукнлардан ташкил топган баҳрлар: мутақориб, мутадорак;

Қоришиқ баҳрлар: тавил, мадид, басит.

Баҳрлар таркибида қўлланилаётган рукнлар соф – асл ҳолатда ёки айрим ўзгаришларга учраган шаклда учраши мумкин. Ҳеч бир ўзгаришларга учрамаган солим рукнларга тугалланаётган тўлиқ баҳрни соғлом баҳр (بحر سالم) дейилади. Аксинча, аруди ва дарби тармоқ рукндан иборат бўлган баҳр – тармоқ баҳр (بحر فرعى) деб аталади. Тармоқ баҳрлар жараёни аруз фанида баҳрларнинг тармоқланиши ҳодисаси дейилади.

Шунингдек, байтлар миқдорига қараб ёки сифатига боғлиқ равишда баҳрлар ўзгаради. Улар ўз таркибларидаги рукнлар сонининг тўлиқ ёки тўлиқмаслигига қараб ҳам алоҳида номланади. Агар маълум байтда иштирок этувчи рукнлар сони аслда кўрсатилганидан бир рукн кам бўлса, у мажзу (مجزوء) бўлинган) бир жузви олинган дейилади. Агар тўлиқ бўлса, таамма (تام) (тўлиқ) деб аталади.

Аллома Маҳмуд Замахшарий “Ал-Кустос фи илми-л-аруз” асарида баҳрлар бобида баҳрларни ноанъанавий услубда ажратиб чиққанлигини кузатамиз:

Шеър баҳрларининг таркибида саккиз (аслий) рукннинг баҳрларга ажратишни 4 та йўли бор:

1. Бир хил рукнларнинг қайтарилишидан пайдо бўлган баҳрлар. Биргина мафъувлату асли ўзи мустақил ҳолда баҳр ҳосил қилмайди. Улар қуйидагилардир:

- فعلن саккиз марта қайтарилса, **мутақориб** дейилади;
- فاعلн саккиз марта қайтарилса, **ракд** дейилади;
- مستعلن олти марта қайтарилса, **ражаз** ҳосил бўлади;
- مفاعيلн олти марта қайтарилса, **ҳазаж** ҳосил бўлади;
- فاعلاتن олти марта қайтарилса, **рамал** ҳосил бўлади;
- متفاعلн олти марта қайтарилса, **комил** ҳосил бўлади;
- مفاعلتن олти марта қайтарилса, **вофир** баҳри ҳосил бўлади.

2. Етти ҳарфли икки рукннинг яъни مستعلن ва مفعولات ларнинг жойлари ўзгариб, такрорланишидан ташкил топган баҳрлар. Бу рукнлар орасида деярли фарқ йўқ, фақатгина бирида йиғилган ватад бирида айрилган ватад.

مستعلن مستعلن икки маротаба такрорланса, **сариъ** баҳри ясалади;

مستعلن مفعولات икки маротаба такрорланса, **мунсарих** баҳри ясалади;

مفعولات مستعلن икки маротаба такрорланса, **муқтадаб** баҳри ҳосил бўлади.

3. Беш ва етти ҳарфли рукнлардан ташкил топган баҳрлар:

فعولن مفاعيلн тўрт мартта такрорланса, **тавил** баҳри ясалади;

فاعلاتن فاعلн тўрт мартта такрорланса, **мадид** баҳри ясалади;

مستعلن فاعلн тўрт мартта такрорланса, **басит** баҳри ҳосил бўлади.

4. Учта етти ҳарфли рукнларнинг икки маттта такрорланишидан ҳосил бўлган баҳрлар:

فاعلاتن مستفع لُن فاعلاتн икки мартта такрорланса, **ҳафиф** дейилади;

مستفع لُن فاعلاتн икки мартта такрорланса, **мужтасс** дейилади;

مفاعيل فاع لاثن مفاعيلн икки мартта такрорланса, **мудориъ** дейилади.

Юқорида келтирилган مستفع لُن рукннинг ажратилиб ёзилишига сабаб, боши ва охирида енгил сабаб, ўртасида ажралган ватад берилгани учундир. Бу доира қондасининг талабидир. فاعلн рукнида ҳам, доира қонуниятига мувофиқ бўлиб, ўзидан кейинги енгил сабаб билан бирлашиб йиғилган ватадни ташкил қила олмаслиги учундир. У олдинги бўлак билангина бир мажмуани ташкил қила олади.

Кўриниб турибтики, Маҳмуд Замахшарий баҳрларни рукнлар таркиби жиҳатидан гуруҳларга ажратиб, осонроқ тушинтирган. Ҳеч бир манбаларда бундай усулни кузатмадик.

Назорат саволлари:

1. Баҳр сўзига таъриф.
2. Баҳрлар шаклига кўра неча турга бўлинади?
3. Баҳрлар таркибига кўра неча турга бўлинади?
4. Араб арузидаги баҳрлар сони неча?
5. Маҳмуд Замахшарий “Ал-Қустос фи илми-л-аруз” асарида баҳрлар қай тарзда тақсимланган.
6. Беш ва етти ҳарфли рукнлардан ташкил топган баҳрлар.
7. Қоришиқ баҳрларга қайси баҳрлар киради?

Мустақил таълим учун топширик:

Маҳмуд Замахшарий “Ал-Қустос фи илми-л-аруз” асарида баҳрлар қисмини мустақил ўрганиш.

Адабиётлар:

1. Талабов Э. Араб арузи. – Т., 1977.
2. Худжанова Д. Маҳмуд ибн умар аз-Замахшарийнинг аруз илмига оид “ал-қустос фи илми-л-аруз” асари. Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган дис. – Т. ТошДШИ. 2015.

Қўшимча адабётлар:

1. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001.
2. Султонов Иззат. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980.

2.2 Шеър баҳрларининг таркиби.

Дарсинг мақсади: Талабаларни баҳрларнинг турлари билан таништириш ва баҳрларга берилган мисолларни билан амалий шугулланиш.

Таянч сўзлар ва иборалар: узун баҳр, тавил, мадид, ражас, ҳазаж, рамал, мутадорак, тафъила, мусамман шакл, “икки асосли база”, махбун, мақтуъ, мухалла.

Тавил (طويل) баҳри араб шеъриятида энг кўп тарқалган уч баҳрнинг бири¹. У жоҳилия даври шеъриятида кенг ишлатилган.

¹ Қолган иккитаси комил ва ражас

Тавил деб аталишига икки сабаб бор: 1) тавил ҳарфлар сонига нисбатан энг узун баҳр, бошқа бирор баҳрда бунчалик кўп эмас; 2) тавил рукнлари ватаддан бошланади, ватад эса сабабдан узун бўлганлиги учун ҳам, у билан бошланган баҳр чўзиқлик приоритетига эга бўлади¹.

Шунингдек, араблар бу баҳрни “ракуб” (эгарланган) деб ҳам аташган. Тавил энг қадимда шу даражада кўп тарқалган эдики, жоҳилий шеърнинг деярли учдан бири шу баҳрда айтилган.

Бу баҳр фақат мусамман шаклида учрайди. Тавилдаги ҳар бир мисрада икки турли тафъила икки мартта такрорланади:

فاعولن مفاعيلن فعولن مفاعيلن فعولن مفاعيلن فعولن مفاعيلن

Д. Фролов ушбу икки тафъилали таркибни “икки асосли база” деб атайди². Унинг фикрича, бу шакл анча қадимий бўлиб, кейинчалик кўп баҳрлар ясалишига негиз бўлган.

Ушбу баҳрни учта шакли мавжуд:

1. Унинг арузи макбуд (рукн таркибидаги бешинчи ҳарф сукулланган ҳамда сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши مفاعلن - مفاعيلن, дарби эса салим. Жоҳилия даври шоири Тарафанинг муаллақасидан мисол келтирамир:

أبا مُنذرٍ، كانت غُروراً فلم أعطكم في الطَّوعِ مالي، ولا
صَحيفتي عِرضي

أبا مُن | ذِرْنِ كَانَتْ | غُرورن | صَحيفتي
فاعولن | مفاعيلن | فعولن | مفاعلن
سالم | سالم | سالم | مقبوض

فلم أع | طكم فططو | عمالي | ولا عِرضي
فاعولن | مفاعيلن | فعولن | مفاعيلن

¹ Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими, ДДА. – Т., 2004. – Б. 158.

² Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. – М., 1991. – С. 317.

2. Аруз – мақбуд, дарб ҳам мақбуд.

سَتْبِدِي لَكَ الْاَيَّامَ مَا كُنْتُ جَاهِلًا وَيَأْتِيكَ بِالْاَخْبَارِ مَنْ لَمْ تَزَوِّدْ

3. Аруз – мақбуд, дарб эса маҳзуф (байтда аруд ёки дарб бўлиб келувчи рукн охиридаги энгил сабабнинг тушиб қолиши: – مفاعيلن – مفاعي – فعولن).

أَقِيمُوا، بَنِي النُّعْمَانِ، عَنَّا صُدُورَكُمْ وَإِلَّا تَقِيمُوا، صَاغِرِينَ،² الرُّؤُوسَا

Тавил баҳрига Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида жоҳилия даври шоирларидан қуйидагича мисол келтирилган (Тарафадан):

أَبَا مَنْذَرٍ أَفْنِيَتْ فَاسْتَبَقَ بَعْضُنَا حَنَانِيكَ بَعْضُ الشَّرِّ أَهْوَانَ مِنْ بَعْضٍ
“Або Мунзир, сен барчани нобуд қилдинг, лекин улардан баъзиларини қолдир. Сенинг раҳминг ёвузликнинг бир қисмидан энгил”³.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Қустос фи илми-л-аруз” асарида Тавил баҳрига қуйидагича мисол келтирган:

طَوِيلٌ عَلَيَّ اللَّيْلِ إِذْ بَتَّ كَالْيَنَّا جَنُوحُ الدَّجَى وَالنَّجْمُ يَنْقَادُ لِلْحَنَجِ

Қуйидаги мисол Хатиб Табризийнинг “Китоб ал-Кофий фил аруд вал қавафий”⁴ асарида тегишли бўлиб унда тавил баҳрининг арузи мақбуд, дарби салим ҳашвлари эса мақбуд шакли берилган:

¹ Бу байт ҳам Тарафага тегишли.

² Байт Язид ибн ал-Ҳаззоққа тегишли.

³ Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001. – Б. 23.

⁴ الختیب التبریزی. کتاب الکافی فی العروض و القوافی. تحقیق الحسانی حسن عبد الله.

اتطلب من أسود بيشة دونه أبو مطر و عامر و أبو سعد

أَتَطَّلُ | يَمْنُ أَسُو | دَبِيشُ | تَدُونَهُو
فَعُولُ | مَفَاعِلُنْ | فَعُولُ | مَفَاعِلُنْ
مَقْبُوضٌ | مَقْبُوضٌ | مَقْبُوضٌ | مَقْبُوضٌ

أَبُو م | طَرْنُ وَعَا | مَرْنُ و | أَبُو سَعْدَى
فَعُولُ | مَفَاعِلُنْ | فَعُولُ | مَفَاعِلُنْ
مَقْبُوضٌ | مَقْبُوضٌ | مَقْبُوضٌ | سَالِمٌ صَحِيحٌ

Навий:

Десам о-разу зулфунг ул ўтдир, тутундир бу,
Дер: ондин /санга куймак,/ бу бирдир,/ қаро қайғу
фаъувлун мифўйилун фаъувлун мифўйилун

Тавили мусамман солим

Зиҳи наҳли қадингдин ҳижл сарви бўстоний,
Хат ичра лабингдин мунфағил роҳи райҳоний.
фаъувлун мафўйилун фаъувлун мафўйилун

Тавили мусаббағ

Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинг райҳон,
Юзунг хур, сочинг анбар, сўзунг мул, менинг мултон.
фаъувлун мафўйилун фаъувлун мафўйилун

Мадид (مدید) баҳри энг қадимги баҳрлардан ҳисобланади. Лекин, бу баҳр унча кенг тарқалмаган, замонавий шеърятда учрамайди ҳам.

Баҳрнинг бундай аталишига сабаб, етти ҳарфли рукнларда сабаблар жуда чўзиқ ҳолатда бўлади. Бу доира талабидан келиб чиққани учундир.

Бу баҳрдаги асл рукнлар сони борасида арузшунослар ўртасида турлича қарашлар мавжуд. Чунончи, Маҳмуд Замахшарий мадиднинг асл рукнлари сони саккизта дейди. Шундай экан, бу ҳолда ҳар бир мисра охирига яна биттадан “фааиълун” (فاعل) рукни орттирилади.

فاعلاتن فاعلن فاعلاتن فاعلن فاعلاتن فاعلن فاعلاتن فاعلن

Ушбу ҳолатга мисолни Замахшарийнинг “ал-Кустос”дан кўрамир:

مَدَّ بَاعَا فِي التَّجْنِي وَ لَجَا وَ اتَتْنِي حَشِيه تَمَر وَ زَهْر

Лекин кўп ҳолларда мадид бундай тўлиқ шаклда қўлланилмайди, балки доимо қисқартирилган “мажзуъ” (مجزوء) шаклида бўлади.

Навоий:

Чехрадин бур-қа очиб ўтқа куйдур-динг мани
Чун кул ўлди /пайкарим /кўкка совур-динг мани
фўилотун фўилун фўилотун фўилун

Неча тортай ҳажридин сенсизни озормен,
Келки ҳижронингда мен умрдин безормен.

Тақтиъ

Не-ча-тор-тай	ҳаж-ри-дин	сен-си-зни-о	зо-р-мен,
фўилотун	фўилун	фўилотун	фўилун
Кел-ки-ҳиж-ро	нинг-да-мен	ум-р-дин-бе	зор-мен.
фўилотун	фўилун	фўилотун	фўилун

Навоий:

Қоматингдек боғи ҳусн ичра йўқ сарви равон,
Оразингдек худ қани сарв узра аргувон.
фўилотун фўилун фўилотун фўилон.¹

¹ Захириддин Муҳаммад Бобир. Мухтасар, нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. – Тошкент, 1971. – Б. 84.

Басит (بسيط) баҳри. Табризий бу баҳрга шундай таъриф беради: Етти ҳарфли рукнлар бошида иккитадан сабабнинг “ёйилиб” ётганлиги туфайли бу баҳр басит баҳри деб аталади – дейди.¹

Соғлом баситнинг рукнлари саккизтадир:

مستفعّل فاعلن مستفعّل فاعلن مستفعّل فاعلن مستفعّل فاعلن

Ҳаракатдаги басит байтни охириги икки рукн (аруди ва дарби)дан иккинчи сукунли тушиб, қолган ҳарфлар, кўпинча, фосила ташкил этиши ҳам басит деб аталишига сабаб бўлади. Бундай шаклдаги баситнинг ҳаракатлари кўпайиб, байт мусиқавий аҳамият касб этади.

Баситнинг олти шакли мавжуд:

Биринчи шакли: аруз ва дарб – салим махбун.

Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асаридан мисол келтирамиз (байт Иброҳим ибн Баший ал-Ансорийга тегишли):

يا حار، لا أرمين منكم، بداهية لم تلقها سوقة، قبلي، وما ملك

“Эй, Харис, мен сизлардан гам кутмайман, у ҳоҳ oddий, ҳоҳ шоҳ йўлиқадиған”.

يا حار لا أرمين منكم بدا هيتن
مستفعّل فاعلن مستفعّل فاعلن
سالم سالم سالم امخبون

لم تلقها سوقتن قبلي وما ملكو
مستفعّل فاعلن مستفعّل فاعلن
سالم سالم سالم امخبون

Иккинчи шакли: аруз – махбун, дарб – мактуъ.

جرداء معروقة اللحيين سرخوب قد أشهد الغارة الشعواء تحمّلني

قد أشهدل غارقتل شعواء تحمّلني

مستفعّل فاعلن مستفعّل فاعلن
سالم سالم سالم امخبون

¹ Қаранг: Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими, ДДА. – Т., 2004. – Б. 171.

جَرْدَاء مَعَ | رَوْقَتِل | الْحَبِيبَتِ | خُوبُو
مُسْتَفْعَلُن | فَاعِلُن | مُسْتَفْعَلُن | فَعْلُن
سَالِم | سَالِم | سَالِم | مُقْتَوَع

Учинчи шакли мажзуъ бўлиб, унинг тўрт тури бор:

Биринчи тур: аруз – мажзу ва дарб – музал.

إِنَّا ذَمَمْنَا عَلَى مَا خَيَّلَتْ سَعْدُ بْنُ زَيْدٍ وَ عَمْرًا مِنْ تَمِيمٍ

Иккинчи тур: мухалла ва бу баситнинг тўртинчи шакли: аруз ва дарб мажзу.

مَاذَا وَ قَوْفَى عَلَى رِبْعٍ خَلَا مَخْلُوقٌ دَارِسٌ مُسْتَعْجَمٌ

Учинчи тур: мухалла ва бу баситнинг бешинчи шакли: аруз – мажзу ва дарб мажзуъ.

مَا هَيَّجَ الشَّوْقُ مِنْ أَطْلَالٍ أَضْحَتْ قَفَارٌ كَوْحَى الْوَاحِى

Тўртинчи тур: мухалла ва бу баситнинг олтинчи шакли: аруз ва дарб мажзу мажзуъ.

سَيَرُوا مَعَا إِنَّمَا مِيعَادُكُمْ يَوْمَ الثَّلَاثَاءِ بَطْنِ الْوَادِى

Махмуд Замахшарийнинг “Ал-Кустос фи илми-л-аруз” асарида басит баҳрига қуйидагича мисол келтирган:

أَبْطَسَ رَخَاكَ بِالْأَيَّامِ مَبْتَهَجًا وَ اغْنَمَ مِنَ الْإِنْسَنِ قَبْلَ الشَّيْبِ اسْنَخَا

Баситү мүсаммани махзуфи махбун

فَأَحْدَثْتُ غَيْرًا، وَأَعْقَبْتُ دَوْلًا لَقَدْ خَلَّتْ حَقَبٌ، صُرُوفُهَا عَجَبٌ

Матвий

فِي زُمَرٍ مِنْهُمْ، تَتَّبِعُهَا زُمَرٌ ارْتَحَلُوا غُدْوَةً، وَانْطَلَقُوا بُكْرًا

Махбул

فَاخْذُوا مَالَهُ، وَضَرْبُوا عُقَّةَ وَزَعَمُوا أَنَّهُمْ لَقِيَهُمْ رَجُلٌ

Навоий:

Ишқинг мени туну кун мажнуну зорайламиш,
Кўнглумни зо/ру ҳазин жисмим-ни зорайламиш
мустафилун файлун мустафилун файлун

Эй бевафо келмадинг, ҳаргиз менинг ёнима,
Ҳажринг нелар қилмади, бу тинмағур жонима.

Тақтиъ

Эй-бе-ва-фо кел-ма-динг ҳар-гиз-ме-нинг ё-ни-ма,
мустафилун фўилун мустафилун фўилун
Ҳаж-ринг-не-лар қил-ма-ди бу-тин-ма-ғур жо-ни-ма.
мустафилун фўилун мустафилун фўилун

Мен хастанинг бошига қилгил гузар, эй нигор,
Бир лутф кўзи бирла қилгил назар, эй нигор.

мустафилун фўилун мустафилун фўилон¹

Бошим қадам қилибон висолингга етайин,

Муяссар ўлмаса васл бош олибон кетайин.

мустафилун фўилун мафўилун фўилун

Саккиз рукнли тўлиқ басит жоҳилий давридаги шеъриятда кўп учраса, олти рукнли қисқартирилган аббосийлар даврида жуда урф бўлган. Бироқ бу кейинги мажзулар олдинги тўлиқ баситни ҳажмда босиб ўта олмаган.

Вофир (وافر) баҳри. Баҳрни бундай аталишига сабаб – ундаги ҳаракатларнинг кўплиги (мўллиги). Бундай ҳолат бошқа ҳеч бир баҳрда учрамайди. Ҳаракатлар сони 30 та. Унинг соғлом рукнлари олтитадир:

مفاعلتن مفاعلتن مفاعلتن مفاعلتن مفاعلتن مفاعلتن

Вофир тармоқлари жиҳатдан ҳазаж баҳрига ўхшаб кетади. Лекин ҳазаж фақат мураббаъ шаклида ишлатилса, вофир эса, мусаддас шаклида ишлатилади.

Вофир баҳрини уч кўриниши бор:

¹ Захириддин Муҳаммад Бобир. Мухтасар, нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. – Тошкент, 1971. – Б. 85.

1. Аруз ва дарб – мактуф (ҳазф ва ʼасбнинг бирлиги ← مُفَاعَلَتُنْ = مَفَاعِلُنْ = فَعُولُنْ)

Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал–улум” асаридан мисол келтирамиз (байт Имрул Қайсга тегишли):

لَنَا غَنَمٌ، نُسَوِّقُهَا، غِزَارٌ كَانَ قُرُونٌ جَلَّتْهَا عِصِيٌّ

“Биз ҳайдаётган чорва жуда бой, уларнинг катта подасидаги шоҳлар ҳудди таёқлар”.

لَنَا غَنَمٌ | نُسَوِّقُهَا | غِزَارُنْ
مَفَاعَلَتُنْ | مَفَاعَلَتُنْ | فَعُولُنْ
سَالِمٌ | سَالِمٌ | مَقْطُوفٌ

كَانَتْ قُرُونٌ | جَلَّتْهَا | عِصِيٌّ
مَفَاعَلَتُنْ | مَفَاعَلَتُنْ | فَعُولُنْ
سَالِمٌ | سَالِمٌ | مَقْطُوفٌ

2. Аруз ва дарб – салим мажзу.

لَقَدْ عَلِمْتُ رَبِيعَةً أَنْ حَبْلَكَ وَاهَنْ، خَلَقَ

لَقَدْ عَلِمْتُ | رَبِيعَتَانِ | أَحْبَلَكُوا | هَنُونَ | خَلَقُوا
مَفَاعَلَتُنْ | مَفَاعَلَتُنْ | مَفَاعَلَتُنْ | مَفَاعَلَتُنْ | مَفَاعَلَتُنْ
سَالِمٌ | سَالِمٌ | سَالِمٌ | سَالِمٌ | سَالِمٌ

Ушбу байт вофиру мураббаъи солимул аруд ва дарб номланади.

3. Аруз мажзу: дарб эса маъсуб (рукннинг бешинчи ҳарфи ҳаракатли ҳамда сабабнинг иккинчиси бўлганда сукунлашуви: (مُفَاعَلَتُنْ ← مَفَاعَلَتُنْ = مَفَاعِلُنْ)

أَعَاتِبُهَا وَ أَمْرَهَا فَتَغْضِبُنِي وَ تَعْصِيْنِي

Ушбу баҳрда руқнларни ўрни ажралиб туради. Вофирни тармоқлари кўп эмас, жанр ҳам танламайди. Шунинг учун ҳам шоирлар бу баҳрда бемалол, сермаҳсул ижод этганлар.

Маҳмуд Замахшарийдан мисол келтирамиз:

تَوَافَرَتِ الْمَنَى وَ جَنِيَتْ دَطْبَا جَنَى مَوَاصِلَاتِكَ غَيْرَ ذَاوِي

Арузи мажзу дарби маъсуб

وَجَاوَزُهُ، إِلَى مَا تَسْتَطِيعُ إِذَا لَمْ تَسْتَطِيعْ شَيْئاً فَدَعُهُ

Манқус

كِبَاقِي الْخَلْقِ، السَّخَقِ، قِفَارٌ لِسَلَامَةٍ دَارٌ، بِخَفِيرٍ

Навоий:

Не фур-қатедур ки сан сизин ўр-танур юраким
Не бўл-гай агар менга гузар ай-ласанг мираким
муфъалатун муфъалатун муфъалатун

Навоий:

Фироқ ўтидин куяр баданим, тафидин эриб оқар жигарим,
Ғамим будурурки боганибон юзинг сари тушмагай назарим.¹
муфъалатун муфъалатун муфъалатун муфъалатун

На лолау гул юзунг янглиғ, қадинг янлиғ на сарви чаман,
На оҳуи Чин кўзунг янлиғ, хатинг янлиғ на мушки Хўтан.
муфъалатун мафъилун муфъалатун мафъилун

Комил (كامل) баҳри. Олимларнинг фикрича бу баҳрни “комил” деб аталишига сабаб, унинг ҳаракатлари тўлиқ, баркамоллигидандир. Ҳаракатлар комилда 30 та. Араб шеъриятида энг кўп учрайдиган уч баҳрнинг биридир. Бу баҳр тўла ва қисқартирилган шаклларда учрайди.

Комил баҳрининг олти та руқни бор. Уларнинг ҳар бири кичик фасила ва йиғилган ватад мажмуъидан иборат:

مَتَاعِلُنْ مَتَاعِلُنْ مَتَاعِلُنْ مَتَاعِلُنْ مَتَاعِلُنْ مَتَاعِلُنْ

Шунингдек, комил баҳрини етти кўриниши бор:

1. Аруз ва дарб – салим.

Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал–улум” асаридан мисол келтирамиз (байт Антарага тегишли):

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Мухтасар, нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. – Тошкент, 1971. – Б. 77.

لَمِنَ الصَّبِيِّ، بِجَانِبِ الْبَطْحَاءِ، مُلْقَى، غَيْرَ ذِي مَهْدٍ

وَلَقَدْ سَبَقَتْهُمْ إِلَيَّ فَلَمْ نَزْعَتْ، وَأَنْتَ آخِرُ

6. Аруз ва дарб – мажзу музал (рукн ортидаги йиғилган ватадга сукукли ҳарф орттириш: مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَاعِلَانْ)
حدث اللبيب من التجارب ما في الزمان من العجائب

7. Аруз ва дарб – мажзу салим.
وإذا افتقرت فلا تكن متخشعا و تجمل

8. Мажзу мактуъ.
و إذا هم ذكروا الإساءة أكثروا الحسنات

Комил баҳрига Ўрта аср араб шоири Абу Нувос ҳамриёт жанрида ёзилган куйидаги мисолини келтирамиз:
و اذا المنية أنشبت أظفارها ألغيت كل تميمه لا تتفع

في مجلس ضحك السرور به عف ناجذيه و حلت الخمر

Тақдир ўз чангалин чиқарган замон,
Тумор ҳам қор қилмас, бўлади ёмон.
Хурсандчилик қулган мажлисда,
Май нушлашга ижозат бордин.

Замахшарийнинг асарида комил баҳрига қуйидагича мисол келтирилган:

و كملت لا احد يفوقك فانتهج طرق السيادة في علوك و استوى

Навоий:

Не ҳаёл эди янаким кўнгул қуше сайдини ҳавас айлади,
Баданимга ҳар саридин хаданг отибон анга қафас айлади.

Тактиъ:

Не- ха-ё-лэ-ди я-на-ким –кў-нгул қу-ше-сай-ди-ни ҳа-ва-сай-ла-ди,

وإذا صَحَوْتُ فما أَقْصَرُ عن نَدَى وكما عَلِمْتَ شِمَانِلِي وَتَكْرُمِي

“Хушёрлигимда ҳам саҳий бўламан, менинг ҳислатларим ва кенг қалблигимни қандай англадинг”.

وإذا صَحَوْا ثَمَّا أَقْصَا صر عنندن
متفاعِلن | متفاعِلن | متفاعِلن
سالم | سالم | سالم

وكما عَلِمَ تَشِمَانِلِي وَتَكْرَرْمِي
متفاعِلن | متفاعِلن | متفاعِلن
سالم | سالم | سالم

2. Аруз – салим ва дарб – мактуъ.

وإذا دَعَوْتُكَ عَمَّهِنَّ فَإِنَّهُ نَسَبٌ، يَزِيدُكَ عِنْدَهُنَّ خَبَالًا
وإذا دَعَوَا نَكَعَمَمَهُنَّ إِنْفَانَهُو
متفاعِلن | متفاعِلن | متفاعِلن
سالم | سالم | سالم

3. نَسَبِن يَزِي|دُكْعَنْدَهْن| نَخْبَالًا
متفاعِلن | متفاعِلن | فعلاتن
سالم | سالم | مقطوع

4. Аруз – тамм ва дарб – ахазз мудмар.

Мудмар – руқндаги иккинчи ҳаракатли ҳарф сабабнинг иккинчиси бўлганда суқунлашуви:

مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَاعِلُنْ = مُسْتَفْعِلُنْ

Аҳазза – аҳд руқндаги йиғилган ватаднинг тушиб қолиши:
مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَاعِلُنْ

Аҳазза ва мудмар:
مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَا = فَعْلُنْ

لَمِنَ الدَّيَارِ، بِرَامَتَيْنِ، فَعَاقِلٍ دَرَسَتْ وَغَيْرَ آيَهَا الْقَطْرُ

5. Аруз ва дарб – мажзу мураффал.

Мураффал – мураф (луғ.м: шокила қилиш) руқнлар охиридаги йиғилган ватадга суқунли ҳарф орттириш:
مُتَفَاعِلُنْ ← مُتَفَاعِلَانْ = مُتَفَاعِلَانْ

Му-та-фо-ъи-лун Му-та-фо-ъи-лун Му-та-фо-ъи-лун
Му-та-фо-ъи-лун

Ба-да-ним-га-ҳар са-ри-дин-ха-данг о-ти-бо-н-нга қа-фа-
сай-ла-ди.

Му-та-фо-ъи-лун Му-та-фо-ъи-лун Му-та-фо-ъи-
лун Му-та-фо-ъи-лун

Не бало эмиш сенинг ул хиро-м ила қоматинг
Гаҳи суръатинг, гаҳи нози бир-ла иқоматинг
мутафўилун мутафўилун мутафўилун

Комили музолл

Не ҳаёл эди янаким кўнгул қуше сайдини ҳавас айладинг,
Баданимга ҳар саридин ҳаданг отибон анга қафас айладинг.
Му-та-фо-ъи-лун Му-та-фо-ъи-лун Му-та-фо-ъи-лун Му-
та-фо-ъи-лон

Навоийнинг фикрича, юқоридаги беш баҳрда форс, туркий
шоирлар шеърни оз ёзганлар. Ҳазаж, ражаз, рамал баҳрлари форс
ва туркий шоирлар томонидан жуда кўп ишлатилган.

Эски ўзбек ёзуви (арабий)да “алиф”, “вов”, “ё”, фатҳа, замма,
касра ҳаракати ўрнига ёзилурки, ҳеч маҳалда ҳарф ҳисобига
қирмас, балки ҳаракат ўрнигадир.

Ҳазаж (هزج) баҳри. Бу баҳр жуда қадимги бўлиб, жоҳилия
давридаги архаик қўшиқлар билан алоқадордир. Баҳрни ҳазаж деб
аталишига сабаб, байтдаги охирги ундош ёки товушлар
қайтарилиб, қўшиқдек оҳангни ҳосил қилади.

Ҳазаж баҳрининг асл рукнлар сони олтитадир яъни мусаддас
шаклидадир. Ҳар бир рукн бир йиғилган ватад ва икки енгил
сабадан иборат:

مفاعيلن مفاعيلن مفاعيلن مفاعيلن مفاعيلن

Лекин, ҳазаж баҳри ҳар доим ҳам мусаддас шаклида учра-
майди. Кўп ҳолларда мураббаъ (тўрт рукнли) тарзида ишлатилади.
Адабиётларда ҳам, тўрт рукнли деб ёзилади.

Ушбу баҳрнинг икки варианты мавжуд:

1. Аруз ва дарб – мажзу.

بُ، فالأَمْلاخُ، فالغَمْرُ عفا من آل ليلي، السَّةُ
عفا من آل الليلسه، بفلاًملا | حفلفمرو
مفاعيلن | مفاعيلن | مفاعيلن | مفاعيلن
سالم | سالم | سالم | سالم

2. Аруз – мажзу, дарб – маҳзуф.

وما ظهري، لباعي الضئي الذلول م، بالظهر،

Замахшарий:

هزجتّم اذدناتاء برى جثمانه الوجد

Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида қуйидагича мисол
келтирилган (байт Тарафага тегишли):

عذير الحي من عدوا كانوا حيّة الارض
“Қабилянинг душманларидан ҳимоячиси ердаги илонлар экан”

Айубий давридаги Миср шоири Баҳа Зухайрнинг қуйидаги
шеърини мисол келтирамиз:

من اليوم تعارفنا	و نطوي ما جرى منا
و لا كان و لا صار	ولا قلمت و لا قلنا
و إن كان و لا بدّ	من العتب فبالحسن
فقد قيل لنا عنكم	كما قيل لكم عنّا
كفي ما كانا من هجر	فقد ذقتم و قد ذقنا
و ما أحسن أن ترجع	إلى الوصل كما كنّا

Ҳазрати А. Навоийнинг “Мезону-л-авзон” асарларида ҳазаж
баҳрининг 8 рукнли – мусамман шакли 11 кўриншини ўз шеър
мисоллари билан таъминлаганлар. Ҳазажи мусаддас шаклига эга
10 кўринишда мисоллар келтирганлар. Ҳазажи мураббаъ араб
шоирларига хос деб биттагина мисол берганлар.

Навоий:

Зиҳи мулкунг-нинг ўз саккиз мингидин бир келиб олам

Бу олам ич-ра бир уйлук қулунг Хавво била Одам
мафўйилун мафўйилун мафўйилун мафўйилун

Лутфий:

Сенинг ўтлуғ кўзунг сеҳри мени куйдурди савдодин
Қошинг ҳам эгрилик бирла туз этти умр бунёдин.

Тақтеъи:

Сен-нинг-ўт-луғ / кў-зунг сеҳр-ри / ме-ни куй-дур / ди сав-до-дин
ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун
Қо-шинг ҳам эг- / ри-лик бир-ла / ту-зет-ти ум / р(и)-бун-ё-дин
ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун

Бобур:

Ҳазон яфро-ғи янглиғ гул юзинг ҳажри-да саргардим
Кўриб раҳ-май-лагил эй ло-ларуҳ бу чеҳ-раизардим.

Қаро зулфинг фироқида паришон рў-зигорим бор,
Юзунгнинг иш-тиёқида не сабруне қарорим бор.

Жамолинг вас-фини, эй, ой, неча элдин эшитгаймен
Не кун бўлғай висолингга мени дилхаста этгаймен

Гадоний:

Жамолинг ав-жи хусн узра/ магар ҳуршиди анвардур
Ким онинг пар-тавиндин жум-лайи олам/ мунаввардур.

Ғаминг бағримни қон қилди, бегим ғамхор андоқдур
Эритти ҳаста жонимни, аё дилдор андоқдур

Тақтеъи:

Ға-минг-бағ-рим / ни-қон-қил-ди / бе-гим-ғам-хо / р(и)-ан-доқ-дур
Э-рит-ти-ҳас / та-жо-ним-ни / а-ё-дил-до / р(и)-ан-доқ-дур
ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун

Фурқат:

Мусаффо о-разингдин меҳр(и) эй дилбар, сафо топди
Тулуғ этти/ жаҳон андин, кейин бўйла зиё топди.

Муҳаббат до-мига кўнглум/ гирифтор ай-лади ул шўҳ,
Қачонким до-наи холин намудор ай-лади ул шўҳ

Ҳ.Олимжон

На бўлғай бир/ нафас мен ҳам яногинг уз-ра хол бўлсам
Лабинг япро-гидан томган-ки гўё қат-ра бол бўлсам.

Ҳазажи мусаммани мусаббаъ

Майи лаълинг-га гўяким, ҳаёти жон эрур мамзуж
Ки ул эрмас зулоли чаш-маи хайвон эрур мамзуж
мафўйилун мафўйилун мафўйилун мафўйилун

Ҳазажи мусаммани махзүф

Қолипи: мафўилун мафўилун фаъувлун – 2 марта

Навой:

Зиҳи қаддинг ниҳоли бутуб жон гул-шанидин
Юзунг меҳри кўнгулга кириб кўз рав-занидин
мафўилун фаъувлу мафўилун фаъувлун

Навой:

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.
Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.

Лабинг бирла/ шакарбори/ недайдур,
Сўзинг бирла/ дуларбори/ недайдур.

Лутфий:

Вафосиз ёр элиндин доду фарёд
Не ёр агёр элиндин доду фарёд.

Тақтеъи:

Ва-фо-сиз-ё / рэ-лин-дин до / ду-фар-ёд
ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун / фа-ъув-лун
Не ёр аз-ё / рэ-лин-дин до / ду-фар-ёд
ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун / фа-ъув-лун

Отойи:

Жамолинг васфини қилдим чаманда
Қизорди гул уёттин анжуманда.

Тақтеъи:

Жа-мо-линг-вас / фи-ни-қил-дим / ча-ман-да
Қи-зор-ди-гул / у-ёт-тин-ан / жу-ман-да.
ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун / фа-ъув-лун

Ҳазажи мусуддаси махфүз

Менинг ногаҳ кўзумга уч-ра-б-ўтру
Мени дево-на қилдинг эй, парирў

Гадоний:

Дудоқинг кўнглума мақсуди жондур
Қароқинг фитнаи охир замондур.

Тақтеъи:

Ду-до-қинг-кўнг / лу-ма-мақ-су / ди-жон-дур
Қа-ро-қинг-фит / на-и-о-хир / за-мон-дур
ма-фо-ъий-лун / ма-фо-ъий-лун / фа-ъув-лун

Ҳазажи мураббаъ

Санга ул тур-рай ҳинду,
Манга солиш қаро қабғу

Ҳазажи ахром

Ё раб, не офатдур ул ҳусну жамол
мафъулу мафъулун мафъулу фаъулун

ким йўқтур ер ила жаҳон ичра мисол.

Ҳазажи ахроб

Тан ўлса гаминг ичра жонингга фидо
мафъувлу мафъийлун мафъувлу фаулун
Жон куйса муҳаббатинг-да сен бўлгил соғ
мафъувлу мафъилун мафъийлун фаъулун

Нодира бегим:

Гўзал ёрим-га эй боди/ сабо еткур саломимни,
Ки-м элтар сен-ди-н ўзга ё-р(а) кўйича паёмимни.

Карам қилдинг, сабо ул ё-р(а) кўйидин/ хабар бердинг
Гулу райҳон исидин бе-ниёз этдинг саломимни.

Нодира бегим:

Муҳаббат киш/вари обод/ эрур иқбо-лу жоҳимда
Тонг эрмас бўл-салар ишқу/ жунун аҳли паноҳимда

Қуёшдек маш-риқу мағриб-ни биргом эт-ти жавлоним
Эмас манеъ халойиқ Кў-ҳ(и) қофи сад-ди роҳимда.

Ёзибман саф-ҳаи ҳуснинг/ ҳаёлида/ бу иншони,
Ҳижолат ай-лади ойи-най тўти шакархони.

Шакар сўзлик,/ қаро кўзлик/ гизолим ҳаж-рида йиглаб,
Қуюн янглиз/ кезарман о-ҳ(и) айлаб даш-ту саҳрони

Ҳамид Олимжон:

Сўзимнинг шар-наси теккан-да олам боб(и) боб куйгай
Денгизлар дар-ёлар ҳатто-ки кўлларда ҳубоб куйгай

Ражаз (راجز) баҳри — араб шеърятининг энг қадимги
вазнларидан, унинг тарқалиши энг қадимги даврга тегишлидир.
Ражаз кенг тарқалган уч баҳрдан биридир. Ражаз баҳрида шеър
басталаш жуда қулай ва содда усул бўлган. Шунинг учун ҳам,

турли даврлар шоирлари ижодида кенг қўлланилган ва сеvimли баҳр ҳисобланган. Аруз мутахассисларининг фикрича, ражаз, аслида, насрдан жуда кам жиҳатлари билан фарқ қилади. Ушбу баҳрда битилган шеър “уржуза” деб номланади. Баҳрни ражаз деб аталишига олимлар қуйидагича таъриф берадилар:

Ибн Мандур: Туя ражаз қилди дегани – изтиробга тушди деганидир. Ражаздаги шеър тафъилалари ўзаро яқинлиги ва ҳарфлари озлиги учун шундай аталган.

Ал–Асбар: Бундай аталиши ундаги изтироб туфайлидир; икки кураги титраб турган туяни шундай аташади.

Хатиб Табризий: Уни уч жазли бўлгани учун шундай аташган. Олдинги бир оёғида шундай туриб қолади. Атама туянинг шу ҳолатини англатувчи бирламчи маънодан олинган¹.

Ражаз баҳрида соғлом рукнлар сони олтита. Ражазнинг ҳар бир рукни бирин–кетин келувчи икки енгил сабаб ва бир йиғилган ватад йиғиндисидан иборат:

مستفعلن مستفعلن مستفعلن مستفعلن مستفعلن مستفعلن

Ражазнинг беш варианты бор:

1. Аруз ва дарби салим.

Хоразмийнинг “Мафотих ал–улум” асарида қуйидагича мисол келтирилган (байт эгаси номаълум):

دار لسلمى، إذ سلمى جارة “ قفر، قفر ترى آياتها مثل الزبر

“Салманинг уйи, Сулаймага қўшни, ҳеч ким йўқ, бироқ излари Забур оятларига ўхшайди”. Бу ерда ражаз баҳрининг мусаддаси солим аруз ва дарб солим кўриниши. Қуйида тақтеъси ва тафиъласини келтирамиз:

دارن لسل | ماإذ سلمي | ماجارتن، قفرن ترى | آياتها | مثلوزي
مستفعلن | مستفعلن | مستفعلن، مستفعلن | مستفعلن | مستفعلن
سالم | سالم | سالم، سالم | سالم | سالم | سالم

¹ Қаранг: Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими, ДДА. – Т., 2004. – Б. 194.

2. Аруз – салим, дарб эса мактуъ.

والقلب مني جاهد، مجهود القلب منها مستريح، سالم

3. Аруз ва дарб мажзуъ.

قد هلع قلبي منزل من أم عمر و مقفر

9. **Маштур.** Юқоридаги мажзуъ (қискартирилган) ражазнинг арузи яримталанган ва дарби тушиб қолган бўлиши мумкин. У ҳолда олдинги рукн дарб вазифасини бажаради ва байтда 3 та рукн қолади. Бу форма маштур (луғ.м.: яримталанган) дейилади.

مستفعلن مستفعلن مستفعلن

ما هاج أخرجنا و شجوا قد شجا

10. **Манхук.** Байт таркибида иккитагина рукн қолиши манхук дейилади.

يا ليتني فيها جذع

Маҳмуд Замахшарий арузга доир асарида қуйидагича мисол келтирган:

رجز فائن مالولنا عن موعد حاجت بلابل الفوادي المنهوى

Арузи солим дарби мактуъ

والقلب مني جاهد، مجهود القلب منها مستريح، سالم

Мусаддасил музоҳиф махбун

سقى، بكف خالد، وأطعما فطالما، وطالما، وطالما

Матвий

أكرم من عبد مناف، حسبا ما ولدت والدّة من ولد

Навоий:

Вайронае-дур масканим андин манга бисёр(и) гам
мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун
Оҳим била эшикда ўт, ашким билан девор(и) нам
мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун

Ражазии мусаммани матвий

Кел бери эй раиқи қамар, лаъли лабинг шаҳду шакар
муфтаѣилун муфтаѣилун муфтаѣилун муфтаѣилун
Фурқатинг ў-тида кўнгул чекти сипехр узра шарар
муфтаѣилун муфтаѣилун муфтаѣилу муфтаѣилун

Ражазии мусаммани матвийи маҳбун

Гар аламмим-га чора йўқ бўлмаса бўл-масун нетай
Ваҳ ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўл-масун нетай
муфтаѣилун мафъилун муфтаѣилун мафъилун

Ражаз мусаммани матвийи маҳбуни мактуъ

Сарви(и) нечун дейин сеники йўқ анга гулранг юз
Наҳл(и) нечун дейин сеники йўқ анга ширин сўз.
муфтаѣилун мафъилун муфтаѣилун мафъувлун

Ражазии мусаммани солим

Гадоний – 93

Дийдор учун/ чун чарх(и)тек/ оламда сай-ёр ўлмишам
Ой юзлим, келким, баса муштоқи дий-дор ўлмишам.

Ражазии мусаддаси матвийи музоли мураффал

Эй юзи қамар, кўзи қирон, қоши ҳилолим
Келгинки, фиро-қинг тунидин тутти малолим.
мустафъилатун мустафъилатун мустафъилатун мустафъи-
латун

Ражазии мусаддаси матвийи мураффал

Ҳажринг ўти куй-дурди мени жоним умидим
Раҳмайла менинг холима, сул-тоним умидим
Мустафъилатун мустафъилун

Гадоний:

Эй сочлари сунбул, юзи гул, бўйи санавбар
Ширин дудокинг кулларидур шаҳд ила шақкар

Тақтеъи:

Эй соч-ла-ри-сун / бул-ю-зи-гул / бўйи-са-нав-бар
мус-тафъи-ла-тун / муф-таъи-лун / муф-таъи-ло-тун
Ши-рин-ду-до-қинг / кул-ла-ри-дур / шаҳ-ди-ла-шак-кар
мус-тафъи-ла-тун / муф-таъи-лун / муф-таъи-ло-тун

Ражазии мусаддаси матвийи мураффал

Қолипи: мустафъилатун муфтаѣилун муфтаѣлотун.

Лутфий:

Сен сен севарим хоҳ инон хоҳ инонма
Қондур жигарим хоҳ инон хоҳ инонма

Тақтеъи:

Сен сен се-ва-рим / хо-ҳ(и) и-нон / хо-ҳ(и) и-нон-ма
мус-тафъи-ла-тун / муф-таъи-лун / муф-таъи-ло-тун
Қон-дур жи-га-рим / хо-ҳ(и) и-нон / хо-ҳ(и) и-нон-ма
мус-тафъи-ла-тун / муф-таъи-лун / муф-таъи-ло-тун

Ототий:

Эй сарвиноз, қайси чаман гул узорисен?
Бу шева била жону кўнгил ихтиёрисен.

Тақтеъи:

Эй-сар-ви-ноз / қай-си ча-ман / гул-у-зо-ри-сен?
Бу-ше-ва-била / жону-кўн-гил / их-ти-ё-ри-сен.
мус-тафъи-ла-тун / муф-таъи-лун / муф-таъи-ло-тун

Эй боди сабо, ўтсанг ўшул зулфи дутодин
Ёд айла мени бастайи занжири балодин
тақтеъи:
Эй-бо-ди-са-бо / ўт-санг ў-шул / зул-фи-ду-то-дин
Ёд ай-ла ме-ни / бас-та-йи-зан / жи-ри ба-ло-дин

мус-таф-ъи-ла-тун / муф-та-ъи-лун / муф-та-ъи-ло-тун

Аваз Ўтар:

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур
Тил воситаи робитаи оламиёнлур

Ғайри тилини саъй қилинг билгали, ёшлар
Ким илму-хунар-лар ривожи андин аёндур.

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,
Билмакка ани ғайрат этинг, фойдали қондур.

Илму-фан уйи-га юборинг-лар болангизни,
Онла ўқуганлар бори як-тойи жаҳондур.

Зор ўлмасун он-лар доғи тил билмай Аваздек,
Тил билмагани-дин ани бағ-ри тўла қондир.

Рамал (رمل) баҳри мусаддас шаклида бўлади. Ҳар бир рукн
енгил сабаб, йиғилган ватад ва яна бир енгил сабаблар йиғинди-
сидан иборат:

فاعلاتن | فاعلاتن | فاعلاتن | فاعلاتن | فاعلاتن

Рамал тўлиқ ва қисқартирилган шаклларда ишлатилади.
Рамалнинг олти варианты бор:

1. Аруз – махзуф, дарб эса салим.

Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида қуйидагича мисол
келтирилган (байт Абийд бин Алабрасга тегишли):

مِثْلُ سَحْقِ الْبُرْدِ، عَفَى بَعْدَكَ | الْقَطْرُ مَغْنَاةٌ، وَتَأْوِي بِشَمَالِ

“Чириган тўн каби сендан кейин унинг уйининг ҳаммасини
шимолдан тўхтовсиз келаётган шамол каби”.

مِثْلُ سَحْقِ | بُرْدِ عَفَا ظ | بَعْدَكَ
فاعلاتن | فاعلاتن | فاعلاتن | فاعلاتن | فاعلاتن
سالم | سالم | محذوف | محذوف

قَطْرُ مَغْنَا | هُوَ وَتَأْوِي | بِشَمَالِي

فاعلاتن | فاعلاتن | فاعلاتن

سالم | سالم | سالم

2. Аруз – махзуф ва дарб – максур.

أَنْتَ قَدْ طَالَ حَبْسِي، وَانتظاري | أَبْلَغِ النُّعْمَانَ عَنِّي مَالِكًا

3. Аруз ва дарб махзуф.

شَابَ بَعْدِي رَأْسُ هَذَا، وَاشْتَهَبَ : | قَالَتِ الْخَنَسَاءُ، لَمَّا جِئْتُهَا

4. Мажзу мусаббағ (рукн ортидаги енгил сабабга сукукли
харф қўшиш:

(فاعلاتن ← فاعلاتن = فاعلاتن)

يا خليلي أربعا واس تخبرا ربعا بعسفان

5. Аруз ва дарб – мажзу.

مُقَرَّاتٌ، دَارِسَاتٌ

مِثْلُ آيَاتِ الزَّبُورِ

6. Аруз – мажзу, дарб – эса мажзу махзуф.

ما لما قَرَّتْ بِهِ الْعِي، نان من هذا ثمن

Мисоллар:

1. وإذا غايه مَجْدِ رُفَعَتْ | نَهَضَ الصَّلْتُ إِلَيْهَا، فَحَوَاهَا
2. مرمل من وصل غبر و اثب | و اثبت الليث محب فيد شاولي¹

Рамал мусаммани солим

Эй жалолу раҳматингдин гар залилу гар муаззаз,
Сафҳайи кавнайн ўлуб онинг тирозидин мутарраз.

Тақтиъ

Эй-жа-ло-лу раҳ-ма-тинг-дин гар-за-ли-лу гар-му-аз-
заз,

фўилотун фўилотун фўилотун фўилотун

Саф-ҳа-йи-кав най-нў-луб-о нинг-ти-ро-зи дин-му-тар-раз

фўилотун фўилотун фўилотун

фўилотун

¹ محمود بن القسطاس المستقيم في علم العروض. دار الكتب. القاهرة. ر 60. ص. 10
عمر الزمخشري.

Навой:

Келки, ишқинг-дин кўнгулда йўқтурур сабру қарорим
 фўилотун фўилотун фўилотун фўилотун
 Бошима ет-кур қадамким, ошти ҳаддин интизорим.
 фўилотун фўилотун фўилотун фўилотун

Рамал мусаммани маҳфүз

Қолипи: фаъилотун фаъилотун фаъилотун фаъилотун.

Қосидеким, еткурур кўнг-лумга жонон-дин хабар,
 фўилотун фўилотун фўилотун фўилун
 Ўйладурким, ўлгон бергай жисм(и)га жон-дин хабар
 фаъилотун фаъилотун фаъилотун фаъилотун

Ўтга солгил сарв(и)-ни, ул қадди мавзун бўлмаса
 Елга бергил гулни, ул рухсор(и) гулгун бўлмаса

Кўнглум ўртан-сун агар гайрингга парво айласа
 Ҳар кўнгул ҳам ким сенинг шав-қингни пайдо айласа

Не наво соз/ айлагай булбул гулистон-дин жудо,
 Айламас тўти тақаллум/ шаккаристон-дин жудо.
 Меҳр(и) кўп кўр-гуздим, аммо меҳрибоне топмадим
 Жон баса қил-дим фидо о-роми жоне топмадим

Отый:

Дилрабо келгил, ки шавқингдин қарорим йўқтурур
 Тоқату ҳажру мажоли интизорим йўқтурур

Тақтеъи:

Дил-ра-бо кел / гил-ки-шав-қинг / дин-қа-ро-рим / йўқ-ту-рур
 То-қа-ту ҳаж / ру-ма-жо-ли / ин-ти-зо-рим / йўқ-ту-рур
 фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-лун

Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтирур
 Гояти нозукигидин сув бида ютса бўлур.

Тақтеъи:

Ул-са-нам-ким / сув-я-қо-син / да-па-ри-тек / ўл-ти-рур
 фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-лун
 Го-я-ти-но / зук-ли-ги-дин / сув-би-ла-ют / са бў-лур
 фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-лун

Гадоий-69:

Эй ниҳоли қоматинг сар-ви хиромон-дин латиф
 Дуржи лаълинг-дур дағи бу жавҳари жон-дин латиф.

Лутфий:

Эй, жафочи, тут ганимат кўркнинг давронини
 Ким, киши топмайдурур бу даврнинг поёнини.

Тақтеъи:

Эй, жа-фо-чи / тут га-ни-мат / кўр-к(и)-нинг-дав / ро-ни-ни
 фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-лун
 Ким ки-ши топ / май-ду-рур бу / дав-р(и)-нинг по / ё-ни-ни
 фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-ло-тун / фо-ъи-лун

Бобур -37:

Кўрмагай эр-дим жамолинг олам аро кошки,
 Бўлмагай эр-дим бори о-ламга расво кошки.

Қайси бир о-зорин айтай жонима ағ-ёр(и)нинг
 Қайси бир оғ-ритқанин кўнг-лумни дей дил-дор(и)нинг

Нодира бегим:

Сен бида о-лам мунаввар меҳри даврон-дурмусен?
 Мулк(и)-дур сен-дин музайян шоҳи Турон-дурмусен

Эркин Воҳидов:

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим
 Сенга тенгдош Помиру оқсоч Тияншан ўзбегим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, аруз назарияси ҳарфга асос-
 ланган, шунинг учун мумтоз ғазаллар араб ҳарфидан кирилл

харфига ўғирилганда сеҳр, меҳр, мох, роҳ каби сўзлардаги қисқа унли эътиборга олиниши керак эди.

Ҳар бир ғазалнинг биринчи байти, яъни матлаъи қайси оҳанг-да ўқилса, кейинги байтлар ҳам ўша маромга мосланиши лозим. Чунки аруз вази мусикийликка асосланган. Буни, айниқса, кекса хофизларимиз қуйлаган қўшиқларни тинглаганда амин бўламиз. Агарда биз мумтоз шеърятимизни аруз қоидаларига риоя қилиб ўқисак, ундаги маромий мавж, мусиқий оҳанг, рубобий завкушавқ берувчи сержило жозибасини ҳис этамиз.

Сариъ (сريع) баҳри. Баҳрнинг сариъ (тез) аталишига сабаб тафъилаларининг лафзда тезлиги. Хатиб Табризийнинг фикрича, “сабаб талаффузда ватадга нисбатан тез кечади”¹. Сариъни ташкил этувчи рукнлар сабабдан бошланади. Унинг учта рукндан иборат ҳар мисрасида еттита сабаб жойлашган.

Аслий рукнларининг сони олтита. Сариъ, ҳар ҳил рукнлардан таркиб топган:

مستفعلن مستفعلن مفعولات مستفعلن مستفعلن مفعولات

Сариънинг ҳашвлари икки енгил сабаб ва бир йиғилган ватад мажмуасидан тузилган рукнлардан иборат ва аксинча, аъруд ва дарблари бирин – кетин келувчи икки енгил сабаб ва бир айрилган ватадларнинг бирикмасидан ташкил топган ритмик бўлақдан иборат.

Ушбу баҳрни қуйидагича кўринишлари мавжуд:

1. **Аруз матвий макшуф** (рукн охиридаги айрилган ватаднинг ҳазф бўлиши:

(مفعولات ← مفعول = مفعولُن), дарб эса матвий мавкуф.

Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида қуйидагича мисол келтирилган (байт Дий Қорийхга тегишли):

أزمان سلمى لا يرى مثلها الراؤون في شام، ولا في عراق

“Ровийларнинг Шом ва Ироқда кўрганларини Салманинг замонасида кўрмайдилар”.

أزمان سل | مالا يرى | مثلها

التبريزي الخاطيب، الوافي في العروض والقافي، القاهرة، 1977 ص. 285.

مستفعلن | مستفعلن | فاعلن
سالم | سالم | مطوي مكشوف

راءونفى | شامنولا | فى عراق
مستفعلن | ستفعلن | فاعلان
سالم | سالم | مطوى موقوف

2. Аруз ва дарб – матвий макшуф.

مُخلولُق، مُستعجِم، مُخول هاج الهوى رَسَم، بذات الغضى

3. **Аруз – матвий макшуф**, дарб эса аслам (рукн охиридаги айрилган ватаднинг тушиб қолиши: مفعول = فَعْلُن).

قالت و لم تقصد لقليل الخنا مهلا فقد أبلغت أسماعى

4. **Аруз ва дарб – махбул**(хабн ва тайларнинг йиғиндисидан иборат.) макшуф.

النشر مسك و الوجه دنا نير و أطرف الأكتف هنم

5. Мусаддаси музоҳиф махбун.

وما تُطِيفُهُ، وما يَسْتَقِيم وما تُطِيفُهُ، وما يَسْتَقِيم

Мисоллар:

اسرعت في اثارهم حامدا و اخبت صبيرا يستميل المناو¹

Жонимга юз дарду алам келтурдинг,
Кўнглума юз ранжу ситам келтурдинг.

Тақтиъ

Жо-ним-ға-юз дар-ду-а-лам кел-тур-динг
Мус-таф-ъи-лун Мус-таф-ъи-лун маф-ъув-лоту

Кўнг-лу-ма-юз ран-жу-си-там кел-тур-динг
Мус-таф-ъи-лун Мус-таф-ъи-лун маф-ъув-лоту

محمود بن القسطاس المستقيم في علم العروض. دار الكتب. القاهرة. ر - 60. ص. 20¹
عمر الزمخشري.

Сариъи мусаддаси матвийи мавкүф

Йўқ манга ҳажрингда жуз оҳу фигон,
Ишқу муҳаббат ўтидин алъамон.
Муфтаилун Муфтаилун фоилон

Ишқни ҳар кимки қилур ихтиёр,
Мен киби оламда бўлур хору зор.
Муфтаилун Муфтаилун фоилон

Сариъи мақтўи матвийи мавкүф

Бисиллохир раҳмонир раҳим,
Ҳаст калид дурри ганжи ҳаким.

Сариъи мусаддаси матвийи аслам

Истамасанг эсламасанг бизни,
Мен ўпарам йўлунг уза изни.
Муфтаилун муфтаилун фаълун

Сариъи мусаддаси матвийи махбунӣ макшүф

Сендин яна ўт ичрадур юраким,
Ўтумга сув ур васл ила, мираким.
Мустафъилун мустафъилун фаилун

Бу вазнда кўплаб эпик дostonлар яратилган. “Ҳайрат ул-аброр” ҳам шу вазнда ёзилган.

О-да-ми-эр/-санг-де-ма-гил/-о-да-ми

-- в -- в / -- в в -- / -- в --

Муф-та-и-лун/муф- та- и- лун/ фо- и- лун

О-ни-ким-йўқ/-хал-қ(и)-ға-ми/-дин-ға-ми (Навоий)

-- в -- в / -- в в -- / -- в --

Муф-та-и- лун /муф- та- и- лун/ фо- и- лун.

Мунсариҳ (منسرح) баҳри. Баҳрни мунсариҳ (эркин) аталишига сабабларни тадқиқотчилар турлича изоҳдайди. Фроловнинг фикрича, масала ўртадаги **مفعولات** (мафуълаатун)га боғлиқ. Рукн сариъ баҳрида охирида туради, мунсариҳда эса ҳеч қачон охирида

келмайди. Бунда у ўзининг собит бўлмаган, эркинликка мойил табиати билан анча ташвиш орттиради.

Табризийнинг фикрича, байтнинг охирида келувчи **مستقلن** рукни эркинлиги учун шундай аталади.

Мунсариҳ баҳри олти рукнлидир:

مستقلن مفعولات مستقلن

Мунсариҳнинг ўрта рукнлари садрда ҳам, ғажзда ҳам ҳар доим ҳаракатли келади. Унга бирор зиҳф кирган ҳолатда, ҳаракат йоқолиши мумкинлигини мантиқан фараз қилиш мумкин. Бирок айрилган ватад ўзгаришсиз қолабери.

Ушбу баҳрни уч кўриниши бор:

1. Аруз – солим, дарб эса матвий.

Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида қуйидагича мисол келтирилган (байт эгаси номаълум):

إِنَّ ابْنَ زَيْدٍ لَا زَالَ مُسْتَعْمِلًا لِلْخَيْرِ، يُقْشِي فِي مِصْرِهِ الْعُرْفَا

“ Мисрда ҳайр эҳсон тарқатган Ибн Зайд яхшилик қилишдан тўхтамаяпти”.

إِنْنِي زَيْ | دَنْ لَا زَالَ | مُسْتَعْمِلًا
مُسْتَفْعَلُن | مَفْعُولَات | مُسْتَفْعَلُن
سَالِم | سَالِم | سَالِم

لِلْخَيْرِ يُقْ | شِي فِي مِصْرٍ | هَلْ عُرْفَا
مُسْتَفْعَلُن | مَفْعُولَات | مُفْتَعَلُن
سَالِم | سَالِم | مَطْوَى

2. Манхук мавкүф.

صَبْرًا، بَنَى عَبْدُ الدَّارِ

صَبْرًا، بَنَى | عَبْدُ الدَّارِ
مُسْتَفْعَلُن | مَفْعُولَات
سَالِم | مِنْهُوَكَ مَوْقُوف

3. Манхук макшуф.

ويل أم سعد سعدا
و يلم مسع | دن سعدا
مستفعلن | مفعولن
سالم | منهوك مكشوف

Замахшарий:

سرحت طوفي في حسن ذي غنج جنت بد الباب الوري و هوي

Мусаддасил Музоҳиф маҳбун

منازل غافه، بذی الارا كل وابل، مسبل، فطل

Матвий

من لم يمت عبطة يمت هراما للموت كاس، فالمرء ذائقها

Дарби максуф

ويلم سعد، سعدا

Сендек қани ҳусн аҳлида ҳам бевафо, ҳам бедард,
Мендек қани ишқ аҳлида меҳнаткашу ғампарвард.

Тақтиъ

Сен-дек-қа-ни ҳус-наҳ-ли-да ҳам-бе-ва-фо ҳам-бе-дар-д
Мус-таф-ъи-лун маф-ъув-ло-ту мус-таф-ъи-лун маф-
ъув-ло-ту

Мендек қани ишқ аҳлида меҳнаткашу ғампарвард.

Мус-таф-ъи-лун маф-ъув-ло-ту мус-таф-ъи-лун маф-
ъув-ло-ту

Мунсариҳи мусаммаи матвийи мавқуф

Оҳи сенсиз ишим оҳ ила фаръед эрур
муфтайлун фўилон муфтайлун фўилон
Жонима о-шубу шайн жисмима бедод эрур.
муфтайлун фўилон муфтайлун фўилон

Навоий:

Ишқ юки айлади торим аълони кавсар,
Не ажаб ар айласа мен киби шайдони кавсар.
Муфтайлун фўилон муфтайлун фўилон

Мунсариҳи мусаддас

Мунсариҳи мусаддас матвий

Ишқи мани зор қилди олам аро
Айлади овора хайли одам аро
муфтайлун фоилоту муфтайлун фоилоту

Мунсариҳи мусаддас матвийи мактуъ

Қўйди гаминг дарду доғ қўнглумга
муфтайлун фоилот мафъулун
Қўймади ишқинг фароғ қўнглумга
муфтайлун фоилот мафъулун

Мунсариҳи мурабба

Мунсариҳи мураббаи матвийи мавқуф

Кел бери эй гулғуздор айла вафо ошкор
муфтайлун фўилон муфтайлун фўилон

Хафиф (خفيف) баҳри. Баҳрининг бундай аталишига сабаб, Ал-Абсар шундай дейди: Бу баҳр тилга энгил талаффузли эканилиги учун шундай аташган. Хатиб Табризийнинг фикрича, ундаги ажратилган ватаднинг сўнгги ҳаракати сабаблар ҳаракатлари билан бирикиб кетган, натижада лафзда энгиллик туғилади. Шунинг учун ҳафиф деб аташган.

Хафиф баҳри ҳам олти рукндан ташкил топган. У ҳар доим тўлиқ ҳолатда ишлатилади. Унинг ҳар бир мисраси бир энгил сабаб, бир йиғилган ватад ва яна бир энгил сабаблардан тузилган икки рукн ва улар ўртасида жойлашган бир энгил сабаб, бир айрилган ватад ва яна бир энгил сабаб бирикмасидан тузилган рукн мажмуъасидан иборат:

فاعلاتن مستفع لُن فاعلاتن فاعلاتن مستفع لُن فاعلاتن

Хашвдаги иккинчи рукнинг **мустафъилун** (мстфѣ лн) руки доира талабига мувофиқ бўлиб, рукндаги бешинчи ҳарф орқадаги икки ўзга ҳарфлар билан бирлашиб, йиғилган ватадни ташкил қила олмайди.

Хафифнинг тўртта варианты мавжуд:

1. Аруз ва дарб – солим.

Хоразмийнинг “Мафотих ал–улум” асарида қуйидагича мисол келтирилган (байт Ал-Аъшага тегишли):

حَلَّ أَهْلِي مَا بَيْنَ دُرْنِي فَبَادُو لِي وَحَلَّتْ غُلُوبِيَّ بِالسَّخَالِ

“Бизнинг оиламиз Дурна ва Бодав ўртасида тўхтади, менга Улвийя ҳам Сихалда тўхтагадек туюлди”.

حَلَّ أَهْلِي | مَا بَيْنَ دُرْنِي | فَبَادُو
فاعلاتن | مستفع لُن | فاعلاتن
салим | салим | салим

لِي وَحَلَّتْ | غُلُوبِيَّ | بِالسَّخَالِ
فاعلاتن | مستفع لُن | فاعلاتن
салим | салим | салим

2. Аруз – солим, дарб эса махзуф.

لَيْتَ شِعْرِي هَلْ تُمْ هَلْ آتَيْنَهُمْ أَمْ يَحُولُنْ، مِنْ دُونِ ذَاكَ، الرَّدَى

لَيْتَ شِعْرِي | هَلْ تُمْ | هَلْ آتَيْنَهُمْ
فاعلاتن | مستفع لُن | فاعلاتن
салим | салим | салим

أَمْ يَحُولُنْ | مِنْ دُونِ | أَكْرَرْدَا
فاعلاتن | مستفع لُن | فاعلاتن
салим | салим | салим

3. Аруз ва дарб махзуф.

نَمْتَلِ مِنْهُ، أَوْ نَدْعُهُ لَكُمْ

إِنْ قَدَرْنَا، يَوْمًا، عَلَى عَامِرٍ

4. Мажзу аруз ва дарб солим.

أَمْ عَمْرٍو، فِي أَمْرِنَا

لَيْتَ شِعْرِي: مَاذَا تَرَى

5. Мажзу махбун мақсур.

نُؤَا غَضِبْتُمْ، يَسِيرٌ

كُلُّ حَطْبٍ، إِنْ لَمْ تَكُو

Мисоллар:

هاج لا يثنى من عنان المناوى¹

خفا حملي أبعاد غز لجوج

Қайда эрдинг, эй маҳвашим, шарҳ қилгил,
Ўлгум эрди гар бир замон келмасанг бил.

Тақтиъ

Қай-да-эр-динг эй-маҳ-ва-шим шар-ҳ-қил-гил
Фо-ъи-ло-тун мус-таф-ъи-лун фо-ъи-ло-тун

Ўл-гум-эр-ди гар-бир-за-мон кел-ма-санг-бил.
Фо-ъи-ло-тун мус-таф-ъи-лун фо-ъи-ло-тун

Хафифи мусаддаси махбун

Фурқатин неш сочи юрокимга,
Ашк қонини оқизди бу этокимга.
Фоилотун мафоилун фаилотун

Васлин ул ой манга маҳол қилибтур,
Ҳажридин мени хаста ҳол қилибтур.
Фоилотун мафоилун фаилотун

Хафифи махбуни мақсур

Ҳеч билмонки чинмудур бу сўзунг,

1 محمود بن القسطاس المستقيم في علم العروض. دار الكتب. القاهرة. ر 60. ص. 20
عمر الزمخشري.

Яхшиликқа яқинмудур бу сўзунг.
Фаилотун мафоилун фаъилон

Хафифи махбунӣ мақтӯъ

Калимоти ғариб дер носих,
Хирад аҳлига ҳашвдурур возих.
Фаилотун мафоилун фаълун.

Хафифи махбунӣ мушаъъ

Келди дилдору мен фадаҳ ичгумдур,
Зухду номусу нангдин кечгумдур.
Фоилотун мафоилун мафъулун

Хафифи махбунӣ мусаббағ

Сени дидим умид ила эй ёр,
Ким олиб кўнғлум ўлғасен дилдор.
Фаилотун мафоилун фаъилон

Хафифи махбунӣ махзүф

Васлин ул ой манга маҳол қилур,
Ҳажридин мени хаста ҳол қилур.
Фаилотун мафоилун фаъилун

Мударийъ баҳри. Баҳрнинг мудориъ (المضارع) “ўхшаш” атали-
шига **сабаб**, ҳазаж баҳрига ўхшашлигидир. Бироқ арузий шеър
тарихида мудориънинг бошқа баҳрларга ўхшашлик даражаси
ҳақида бошқа фикрлар ҳам бор: Ибн ар-Рашиқ уни муқтадабга, ад-
Даманхурий ҳафиф билан мунсарихга ўхшатади.

Мудориънинг Асл рукнлари олти рукндан ташкил топган.
مفاعيل فاع لاثن مفاعيلن مفاعيل فاع لاثن مفاعيلن

Бу баҳрнинг бошқалардан фарқли томони шундаки, ундаги
рукнлар ҳеч қачон зихофларсиз ишлатилмайди. Мударийъда

битилган байтларнинг ҳашвлари албатта макфуф бўлади. Унинг
мажзу шаклидаги аърудларини ташкил қилувчи فاع لاثن рукнлари
эса, доимо соғлом ҳолдагина ишлатилади. Шундай қилиб, бу
баҳрни бир дарби бир аъруди бор у ҳам бўлса فاع لاثن. Уларда ҳеч
қачон, масалан, басит ёки ҳафифда бўлганидек, иккинчи сукунли
харф тушиб қолмайди. Бу ерда ҳам, доира талабига монанд “فاع”
қисми ажратилиб ёзилади ва биринчи мақтаъ ажратилган ватаддан
иборатдир.

Бироқ бу баҳрдан қадимда шоирлар жуда кам фойдаланишган.
Шуни ҳисобга олиб, арузшунос Абу-л-Хасан ал-Ахфаш бу баҳрни
баҳрлар қаторидан олиб ташлагани маълум. Бошқа бир қатор
олимлар эса, мудориъни бошқа баҳрларнинг тармоқларидан бири
деб аташган.

Ушбу баҳрни биттагина варианты бор: аруз ва дарб – мажзу.

Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида қуйидагича мисол
келтирилган (байт эгаси номаълум):

دعاني إلى سعاد دواعي هوى سعاد

دعاني | لا سعادن، دواعية | واسعادى
مفاعيل | فاعلان مفاعيل | فاعلان
مكفوف | سالم مكفوف | سالم

“Мени Суад олдига чақиринди. Суаднинг муҳаббати менинг
давоимдир”.

Бу байтнинг кўриниши ибтидо ва садр қисми мақбуд, аруз ва
дарб қисми эса солим.

Мисоллар:

Музоҳиф

فما أرى غير زيد وقد رأيت الرجال

Ахраб

قلنا لهم، وقالوا كل له مقال

Жафожўйе, бевафойе қани сендек бу жаҳонда,
Дуогўйе, бенавойе қани мендек бу замонда?

Тақтиъ

Жа-фо-жў-йе бе-ва-фо-йе қа-ни-сен-дек бу-жа-ҳон-да
Ма-фо-ъий-лун фо-ъи-ло-тун ма-фо-ъий-л(ун) фо-
ъи-ло-тун

Ду-о-гў-йе бе-на-во-йе қа-ни-мен-дек бу-за-мон-да
Ма-фо-ъий-лун фо-ъи-ло-тун ма-фо-ъий-л(ун) фо-
ъи-ло-тун

Музориъи мусаммани макфури махзүф

Юзингдин ҳижил қамар, лабингдин доғи шакар,
Манга ҳар биридин ўт, санга қилмай ул асар.
мафўйилун фоилун мафўйилун фоилун

Музориъи мусаммани ахраби махзүф

Ишқинг атаб балодур,эй нозанин санам
Жон анда мубталодур кўрмас ба жузситам
Мафъувлу фўилотун Мафъувлу фўилотун

Музориъи мусаддаси

Музориъи мусаддаси макфүфи максүр

Сенигдек жаҳонда кимса не имкон
Буён кел қилай қошингда қидо жон
мафўйилун фоилоту фаъувлон

Музориъи мусаддаси макфүфи махзүф

Кўнгул бўлгай ҳаёминга мойил
Кўзим ҳам ўлди ҳуснинга зойил.
Мафўйилун фаъувлун фаъувлун

Муқтадаб баҳри. Баҳрни муқтадаб (المقتضب) ажратиб олинган)
аталишига сабаб, мунсарихдан икки рукни ажратиб олинганга
ўхшашлиги, уларнинг бир қолипга эга эканлигидир.

Ушбу баҳр олти рукнлидир.

مفعولات مستفعلن مستفعلن

Кўриниб турибтики муқтадабнинг рукнлари мунсарихникига
жуда мос, фақат тартибида фарқ қилади.

Лекин, айрим манбаларда муқтадаб баҳри тўрт рукнли ҳам
бўлиб келади. Бу ҳолда ҳар бир мисра ортидаги мустафиълун
“مستفعلن” рукни олиб ташланади.

Бу баҳрни ҳам битта варианты бор: мажзу дарби ва арузи
матвий.

Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида қуйидагича мисол
келтирилган (байт Аҳмад ибн Форисга тегишли):

أقبلت فلاح لها عارضان كالبرد

أقبلتف | لاحتها، عارضان | كلبردى

فاعلات | مفتعلن، فاعلات | مفتعلن

مطوى | مطوى | مطوى | مطوى

“У тескари қараганда, унга ҳудди дўл йоққандек кўринди”.

Мисоллар:

ان وهبته خلدي

أقبلت من رساء

Мажзӯъ

هل عليّ، ويحكّما

إنّ لهوّن، من حرّج

Матвий

وهم يَدْفِنُونَهُمْ

يَقُولُونَ: لا بَعْدُوا

Муқтадаби мусаммани солим

Қолипи: фўилотун мустафйилун фўилотун мустафйилун
Бироқ соғлом ҳолда учрамайди.

Муктазаби мусаммани матвий

Эй нигоро маҳвашим, эй харифи журъакашим,
Тут қадаҳки, беҳад эрур ишқтобидин оташим.
Фўилоту муфтаъилун фўилоту муфтаъилун

Муктазаби мусаммани матвий мактуъ

Эй йигит, буён келки, шавқ(и)дин харобингман
Бўйни боўлиқ ин ёнлиғ бастаи танобингман
Фўилотун мафъувлун фўилоту мафъувлун

Муктазаби мураббаъ

Муктазаби мураббаъи матвий

Фурқатинг ёшим оқизур,
Ҳасратинг қоним тошизур
Фўилоту муфтаъилун

Мужтасс баҳри. Баҳрнинг бундай аталишига сабаб, ҳафиф баҳрини бир оз кўпориб олинганига нисбатан олинади. Мужтасс (المجتث) рукнлари ҳафифники билан бир ҳил, фақат тартибда: мужтассда *مستفع لُن* рукни икки бирин-кетин келувчи *فاعلاتن* (фооильлаатун) дан олдин келади. Асл рукнлари олтита:

مستفع لُن فاعلاتن فاعلات *مستفع لُن فاعلاتن فاعلاتن*

Мужтасс баҳрида шеър ёзиш аббосийлар даврида урф бўлган. Бироқ жоҳилия даври адабиётида бу баҳрдаги қасидаларни учратиш қийин.

Бу баҳр ҳам мажзу шаклдагина ишлатилади. Унинг ягона аруди соғлом, у билан келувчи ягона дарб ҳам соғлом. Лекин, айрим ҳолларда ҳам аруд, ҳам дарбида нуксонлар учраб туради. Шунингдек, уларнинг ўзларига хос томонлари бор.

Мужтассни ҳам фақат битта варианты бор: аруз ва дарб – мажзу.

Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида қуйидагича мисол келтирилган (байт эгаси номаълум):

الْبَطْنُ، مِنْهَا، خَمِيصٌ وَالْوَجْهُ مِثْلُ الْهَالِي
الْبَطْنُ مِنْ هَاخْمِيصٍ، وَلَوْجَهْتِ | لِلْهَالِي
مُسْتَفْعَلُن | فَاعِلَاتُن، مُسْتَفْعَلُن | فَاعِلَاتُن
سَالِم | سَالِم | سَالِم | سَالِم

“Унинг қорни таранг, юзи эса ойга ўхшайди”.

Замахшарий:

أَجْتَثَ أَنْ لَاحَ ضَوْءٌ أَجْلُو بَدَ لَيْلٍ بَعْدِي

Аруз ва дарби солим музоҳиф маҳбун

وَلَوْ عَلَّقْتَ، بَسْلَمِي، عَلِمْتَ أَنْ سَتَمُوتَ

Макфүф

مَا كَانَ عَطَاؤُهُنَّ إِلَّا عِدَّةٌ، ضِمَارًا

Мужтасс мусаммани солим

Ишқ аҳлига гарчи доим кўб жаврдур, кўп жаводур,
Ҳусн аҳлига неқилайким, бемеҳру, бевафодур.

Қошига борғали кўнгул ўзига келмади нетай,
Юзига тушғали кўзим кўзига илмади ул ой.

Тақтиғ

Иш-қаҳ-ли-ға гар-чи-до-им кўб-жав-р-дур кўп-жа-во-дур
Мус-таф-ъи-лун фо-ъи-ло-тун Мус-таф-ъи-лун фо-
ъи-ло-тун
Ҳус-наҳ-ли-ға не-қи-лай-ким бе-ме-ҳ-ру бе-ва-фо-дур

Мус-таф-ъи-лун фо-ъи-ло-тун Мус-таф-ъи-лун фо-
ъи-ло-тун

Мужтасси мусаммани маҳбун

Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадаҳ ичгил,
Нафас-нафас қунобон май, тўло-тўло қадаҳ ичгил
Мафўилун фўилотун мафўилун фўилотун

Мужтасси мусаммани маҳзуф

Фироқ исит-маси андоқ танимдин ўт чиқарур
Кигар табиб илигим тут-са бармоғи қаборур
Мафўилун фўилотун мафўилун фўилун

Мужтасси мураббаи маҳбун

Юзинг кўзимга керактур
Ўзинг ўзимга керактур
Мафўилун фўилотун

Мутақариб (المقارب) баҳри. Хатиб Табризийнинг фикрича, мутақариб баҳри рукнининг ватадлари ўзаро яқин тургани учун мутақариб (яқинлашувчи) аташган¹.
Мутақариб баҳри саккиз рукнидир.

فاعولن فعولن فعولن فعولن فعولن

Мутақариб баҳри кенг тарқалган баҳрлардан бўлиб, у ҳам тў-
лиқ ҳам қискартирилган қолда ишлатилади.

Мутақариб баҳрининг бешта шакли мавжуд:

1. Аруз ва дарб – салим.

Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида қуйидагича мисол келтирилган (байт Амийя бин Аби О’изга тегишли):

¹ Қаранг: Талабов Э. Араб шеъриятида аруз тизими, ДДА. – Т., 2004. – Б. 234.

فأما تميم، تميم بن مر،
فألفاهم القوم روبي، نياما

فأما | تميم | تميم بن مر |
فعولن | فعولن | فعولن |
سالم | سالم | سالم |

فألفا | هملقو | مروبا | نياما
فعولن | فعولن | فعولن |
سالم | سالم | سالم |

“Тамим, Тамим ибн Мурра ҳақида гапирадиган бўлсак, уни ширакайф ва уйқусираган ҳолда топдилар”.

2. Аруз – салим, дарб – мақсур.

ويأوي إلى نسوة، بانسات
وشعث، مراضيع، مثل السعال

3. Аруз – салим, дарб – маҳзуф.

وأروى من الشعر شعرا عويصا
ينسى الرواة الذى قد روى

4. Дарб – абтар.

خليلي، عوجا، على رسم دار
خلت من سليمى، ومن مئة

5. Аруз ва дарб мажзу маҳзуф.

أمن دمنة أقفرت
لسلمى بذات الغضا

Мисоллар:

1. تقاربت إذ شمروا للذهاب
و حبي لهم ماله من ذهاب
2. وبكى النساء، على حمزة
سمنية، قومي، ولا تعجزى

Мутақариби мусаммани солим

Юзи рашки хуршиди анвар бўлубтур,
Кўзи фитнаи шаҳру кишвар бўлубтур.

Тақтиъ

Ю-зи-раш ки-хур-ши ди-ан-вар бў-луб-тур
фа-ъув-лун фа-ъув-лун фа-ъув-лун фа-ъув-лун

Кў-зи-фит на-и-шаҳ ру-киш-вар бў-луб-тур.
фа-ъув-лун фа-ъув-лун фа-ъув-лун фа-ъув-лун¹

*Яна сансизин мунисим гам бўлубтур,
Кўзумга юрак қони ҳамдам бўлубтур.
Фаулун Фаулун Фаулун Фаулун*

Мутақориби мусаммани маҳзүф

*Очилди чаман, гулғузори қани,
Сиҳи сарв бўйлиг нигори қани?
Фаулун Фаулун Фаулун фаул*

Мутақориби мусаддаси солим

*Яна ҳажр аро зор бўлдум,
Фироқингдин афгор бўлдим.
Фаулун Фаулун Фаулун*

Мутадорак (المتدارك) баҳри. Баҳрни бундай аталишига сабаб, Ҳалил ибн Аҳмаддан кейин ал-Ахфаш томонидан баҳрлар таркибига қўшилганлигидир. - متدارك сўнг дарак берувчи деган маънони билдиради.

Унинг рукнлари فاعلُن саккиз мартта қайтарилган. Ҳалил ибн Аҳмад юқоридаги 16- баҳрнинг берилишини хоҳламаган. Агар киритилса, уни рақд ал-ҳайл (ركض الحيل) – отнинг елиши) деб атасин – деган.

Чунки фўилун фўилун фўилун фўилун оҳанги отнинг дупурига монанддир.

Бир қанча олимлар ҳам ушбу баҳрни тан олишмаган ва ўз тадқиқотларига киритишмаган. Юсуф ас-Саккокийнинг “Мифтоҳ ал-улум”²(“Илмларнинг калити”) асрида арабларда мутадорак

¹ Захириддин Муҳаммад Бобир. Мухтасар, нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. Тошкент, 1971. – Б. 34.

² السكاكي، سراج الدين، كتاب مفاتيح العلوم، مصر، 1900. ص. 262

баҳрини йўқлигини айтади. Шу боис бўлса керак Юсуф ас-Саккокий фақат 15та баҳрни келтириб, бешинчи доирани “мунфарида” – деб атаб, фақатгина битта баҳр мутақорибни келтирган. Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам “Мафотих ал-улум” асарида фақатгина 15 баҳрни берган. Д. Фроловнинг маълумот беришича, мутодорак баҳрининг номоён бўлиши кейинчалик ва аста-секин туғилади.

Баҳрни арузшунослар турли номлар билан аташган. Масалан Маҳмуд аз-Замахшарий “ал-Қустос” асаридаги доира бобида бешинчисини “Муттафиқа” деб атаб, баҳрлардан мутақориб ва рақдни беради. Бироқ, аллома баҳрлар бобида 16 та баҳрларни келтириб, ўн олтинчисини “мутадорик” деб атаб мисол келтиради.

Араб олими Абдулазийз Атийқнинг “Аруз ва Қофия илми”¹ асарида ва Хатиб Табризийнинг “Китоб ал-Кофий фи-л-аруд ва ал-Қовафий”² асарларида ушбу баҳрни “محدث” (муҳдас-ихтиро қилинган, янгилик), “خب” (йўртар) деб таърифлаган.

Ушбу баҳр ҳам саккиз рукнли:

فاعل فاعل فاعل فاعل فاعل فاعل فاعل فاعل

Арузшунос олимларнинг таъкидлашича, мутодаракнинг ҳашвлари соғлом рукн ҳолатлари жуда кам учрайди. Аксарият ҳолларда ҳашвлардаги рукнлар маҳбун ёки мушаъс бўлади.

Ушбу баҳр тўла ва мажзу ҳолларда қўлланилиши мумкин. Энг кўп учрайдиган мутодарак тармоғи бу – тўлиқ шаклдаги бўлиб, унинг бир соғлом аъруди ва у билан келувчи бир дарби бор. Дарб ҳам соғломдир.

Замахшарий ўз асарида қуйидагича мисол келтиради:

دارك القوم تطفئ غراما وضنا اذ درير الهوي بالمعنى جمع

الدكتور عبد العزيز عتيق. علم العروض و القافية. دار النهضة العربية. بيروت. 1987. ص. 9.

الخطيب التبريزي. كتاب الكافي في العروض و القوافي. تحقيق الحسن بن عبد الله. ص. 137.

Кўриниб турибтики, Замахшарий ушбу бахрларга мисол тариқасида ўзи томонидан ёзилган шеърларини ҳавола этган. Қолаверса, аллома аруз илмининг асосчиси Халил ибн Аҳмадни яратган қонун–қоидаларидан четланмаган ҳолда бахрларни содда ҳолда тушинтиришга эришган.

Шунингдек, Хатиб Табризийнинг “Китоб ал-Кофий фи-л-аруд ва ал-Қовафий” асарида ушбу бахрни қуйидаги мисоллар орқали таърифлайди:

بعد ما كان ماكان من عامر

جاءنا عامر سالما صالحا
 جاءنا | عامرنا | سالمن | صالح
 فاعلن | فاعلن | فاعلن | فاعلن
 سالم | سالم | سالم | سالم

بعدها | كان ما | كانمن | عامري
 فاعلن | فاعلن | فاعلن | فاعلن
 سالم | سالم | سالم | سالم

Мутадорик мусаммани солим

Не монғишдурки, танлар ҳабоси анинг,
 Не боқишдурки, жонлар фидоси анинг.
 Фоилун фоилун фоилун фоилун

Мутадорик мусаммани махбун

Не саманд экон улки, буён сурасен,
 Бошим узра жафо қиличи урасен.
 Фоилун файлун файлун файлун

Мутадорик мусаддаси махбун

Мани истамасанг нетайин,
 Бош олиб қаёне кетайин.
 Фаилун Фаилун Фаилун

Аруз ва зарб махбун мисоллари

Рашик хушиди анвардурур юзи,
 Фитнаи шахру кишвардадур кўзи.
 Фўилун Фўилун Фўилун фаъул

Назорат саволлари:

1. Басит бахрига мисолларни келтиринг.
2. Вафир бахри ҳақида.
3. Камил бахри рукнларини айтинг.
4. Ҳажаж бахри ҳақида.
5. Ражаз ва рамал бахрларига мисоллар келтиринг.
6. Сарий бахри ҳақида.
7. Мунсариҳ бахри рукнларини айтинг.
8. Ҳафиф бахрини қандай турлари мавжуд?
9. Мудориъ ва муқтадаб бахрларига мисоллар айтинг.
10. Мужтасс ва муқтадаб бахри рукнлари қандай?
11. Мутадорик бахрни яна қандай номлари бор?

Мустақил таълим учун топшириқ:

Бахрларга арузга доир асарлардан мисоллар келтиринг.

Адабиётлар:

1. Талабов Э. Араб арузи. – Т., 1977.
2. الدكتور عبد العزيز عتيق. علم العروض و القافية. دار النهضة العربية. بيروت. 1987. ص 9

2.3 Арузий доиралар

Бахрлар бир-бирларига яқинлиги ва умумий ўзак хусусиятларига кўра алоҳида алоҳида гуруҳларга – аруз доираларига бўлинади.

Бахрлар орасида бир неча бахрнинг “ўзаги” бир ҳил бўлишлик алоқасини кўрсатиш учун арузшунослар “доира” деб аталадиган воситадан фойдаланганлар. Бир ўзакли бахрларнинг бир нечаси учун битта байт шеър айтилади ва шу байтнинг таркибига

кирувчи бўлақлар турлича жойдан бошлаб ўқилса, бу ўзак атрофига уюшган баҳрлар ўз-ўзидан майдонга келаверади.

Доира деб аталишига сабаб, баҳрлар вазнлари худди бир айланага киргизилиб, шу айлана кенглигидан чиқмайди. Бир доирага киргизилган мақтаъларнинг биринчиси бир баҳр учун бошланғич нукта бўлса, иккинчиси бошқа бириучун айни шу вазифани бажаради.

Баҳрлар бир-бирларига яқинлиги ва умумий ўзак хусусиятларига кўра алоҳида алоҳида гуруҳларга – аруз доираларига бўлинади.

Доиралар бешта бўлиб, ҳар доирага муайян баҳрлар киради. Доиранинг неча бўлақка бўлиниши ҳар туркумдаги баҳрларнинг дастлабки мақтаълари сонига қараб белгиланади. Халил ибн Аҳмад ҳисоби бўйича, ҳар бир доиранинг муайян ўрнигина маълум баҳр кўринишини топиш учун бошланғич нукта бўлади¹.

Х-ХII асрлар мобайнида яшаган, аруз бобида асарлар тасниф этган Ўрта Осиёлик алломалардан Абу Наср ал-Жавҳарий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Хафс ан-Насафий, Юсуф ас-Саккокийларнинг доира боби ҳақида ёзган қуйидаги маълумотларни беришимиз мумкин:

Х аср олимларидан Абу Наср ал-Жавҳарий ўзининг “Аруд алал-Вурқати” (Аруз саҳифалари) номли арузга доир асарида биринчи бўлиб аруз назариясини ислоҳ этади ва аруз доралари ҳақида маълумотлар келтирмайди.

Х асрда ижод қилган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-котиб ал-Хоразмий ўзининг “Мафотих ал-улум” (“Илмларнинг калитлари”) номли қомусий мажмуасида ҳам аруз илмига оид бобида ҳам доира хусусида битта жумла берилади: “Доирада соғлом рукнларга монанд мисоллар бериш мумкин”. Бироқ доиралар сони, номи ҳақида маълумотлар берилмайди².

¹ Талабов Э. Араб шеърлятида аруз тизими, ДДА. – Т., 2004. – Б. 243.

² Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафатих ул улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми, АКД. – Ташкент, 1990. – Б. 39.

Замахшарий замондошларидан Абу Хафс ан-Насафий арузга оид асари “Мухтасару-л-аруз ала усули-л-маъруз” (“Арузга оид қисқа рисола”) номли асарида доирага оид маълумотлар Замахшарий асаридаги доира номларига ўхшайди. Бироқ уларга берилган шеърӣ мисоллар фарқ қилади.

XII аср охири XIII асрларда яратилган Юсуф ас-Саккокийнинг “Мифтоҳ ал-улум” (“Илмларнинг калити”) асаридаги доирага оид маълумотлар, фикримизча, Халил ибн Аҳмадниқига мос бўлса керак. Чунки унда 15 баҳрга беш доира берилади. Бешинчи доира “мунфарида” деб номланиб, биттагина баҳр “мутақориб” келтирилади.

Шунингдек, Алишер Навоӣ “Мезонул авзон”да аруз система-сидаги 7 доирани тавсифласа, Заҳриддин Муҳаммад Бобур “Мухтасар” асарида аруз системасидаги баҳрларни 9 доирага ажратиб текширади. Алишер Навоӣ ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурлар тамонидан тавсифланган доиралар қуйидагича:

1) Муттафиқа доираси. Бу доирага мутақориб ва мутадорик баҳрлари киради.

2) Мужталиба доираси. Бу доирага ражаз, рамал, ҳазаж баҳрлари киради.

3) Мужталибаи музоҳафа доираси. Бу доирага рамали маҳбун, ҳазажи мактуф, ражази матвий баҳрлари киради.

4) Мужталибаи мухтариъа доираси. Бу доирага ҳазажи маҳбун, рамали макфуф баҳрлари мансуб.

5) Мухталиба доираси. Бу доирага вофир ва комил баҳрлари мансуб.

6) Муштабиҳа доираси. Бу доирага басит, тавил, мадид, амиқ, муқтазаб баҳрлари мансуб.

7) Мухталифа доираси. Бу доирага мужтасс, мунсарих, музорӣ, муқтазаб баҳрлари мансуб.

8) Мужтамиа доираси. Бу доирага музорӣ, муқтазаб, мужтасс, мушокил, сарӣ, жадид, қариб, мунсорих, ҳафиф баҳрлари мансуб.


9) Мунтазиъа доираси. Бу доирага ҳафиф, мушокил, сарӣ, жадид, қариб баҳрлари мансуб.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур эса “Аруз ҳақида рисол”сида ўзининг ғазалларидан, шунингдек ўтмишдошлари ва замондошларининг шеърлятидан турли баҳрларда мисол келтирилган.

Унинг рисолаи X-XVI асрларда яшаб ижод этган 60 та шоирнинг ғазалларидан мисолларни бирлаштирувчи аруз ҳақидаги антология ҳисобланади.

Бобур *ариз* ва *амиқ* деб номланувчи яна иккита янги баҳрни қўшади.

Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг аруз илмига оид “ал-Қустос фи илми-л-аруз” асарида эса бешта доира, у доирага ҳазаж мақбуд ва рамали макфуф баҳрлари киради.ра берилади:



Юқоридаги расмни жадвал кўринишида ҳам кўрамыз:

Мухталифа	Му'талифа	Мужталиба	Муштабиҳа	Муттафик а
Тавил	Вофир	Хазаж	Сариъ	Мутақориб
Мадид	Комил	Ражаз	Мунсарих	Ракд
Басит		Рамал	Хафиф	
			Мудориъ	
			Муктадаб	
			Мужтасс	

Биринчи доира: Мухталифа (مختلفة луғ.м: турли хил). Мазкур доирага учта баҳр – тавил, мадид, баситлар киради. (илова)

Унинг жаз'лари икки турли:

Беш ҳарфлилар: улар сабабнинг ватад атрофидаги кўчирилиши натижаси:

فعلون йиғилган ватадга енгил сабаб ортирилган,

فاعلн бунда аксинча, йиғилган ватаддан олдинга енгил сабаб ортирилган.

Етти ҳарфлилар: улар ватад атрофида икки сабабни кўчирилиши натижаси:

مفاعيلن йиғилган ватад икки кетма–кет енгил сабабдан олдинга жойлаштирилган;

فاعلاتن икки енгил сабаб йиғилган ватад атрофларига жойлаштирилган;

مستفعلن икки енгил сабаб йиғилган ватаддан олдинга қўйилган.

Замахшарий доираларда келтирган мисолларни кўриб чиқамиз:

Тавил:

أطل مدّتي بسط المدى منك مأمول

اند عدّتي كفّ العدى عنك مسعول

Мадид:

مدّتي بسط المدى منك مأمولن أطل

عدّتي كفّ العدى عنك مسعولاند

Басит:

بسط المدى منك مأمولن أطلمدّتي

كفّ العدى عنك مسعولاندعدّتي

Ушбу доирада биринчи тавил баҳри, сўнг мадид баҳри келади ва охирида басит баҳри келади. Мисолнинг биринчи сўзи тавил баҳрининг ўзагидан ясалган “أطل” сўзи билан келган. Иккинчи сўз мадид баҳрининг ўзагидан таркиб топган “مدّتي” сўзи билан келган ва учинчи сўз эса басит баҳрининг ўзагидаги таркиб топган “بسط” сўзи иштирок этган.

Иккинчи доира: Му'талифа (مؤتلفة луғ.м: бирлашган) доира-сидир. Доиранинг ҳар бир руки етти ҳарфли рукнлардан ташкил топган ва шу рукнларнинг ҳар бири оғир ва енгил сабаблар, фосила ва йиғилган ватадлардан таркиб топган. Ушбу доирага вофир ва комил баҳрлари киради. Вофир баҳри ватаддан бошлангани учун биринчи келади ундан сўнг коимл баҳри келади. (илова)

Замахшарий Му'тталифа баҳрига қуйидаги мисолни беради:

Комил:

كملا نوافر حظّنا بكمارم

زطقت بهنّ عدى تجاهر في القلي

Вофир:

نوافر حظّنا بكمارمكملا

بهنّ عدى تجاهر في القليزطقت

Ушбу мисолда байт комил баҳрининг ўзагидан ясалган “كملا” сўзи билан бошланиб кетидан вофир баҳрининг ўзагидаг таркиб топган “نوافر” сўзи билан ишлатилган.

Учинчи доира: Мужталиба (مجتلبة луғ.м. қўлга киритилган) доираси. Мазкур Доирага ҳам учта баҳр – хазаж, ражаз ва рамал

киради. Хазаж баҳри ватаддан бошлангани учун биринчи бўлиб келади ва кетидан ражаз ва рамал баҳрлари келади. (илова)

“Ал-Кустос” да ушбу доирага қуйидагича мисол берилган:

Ҳазаж:

هزجنا رملا أرجوزة فيها

اغان قد سمعنا من غوانيها

Рамал:

رملا أرجوزة فيها هزجنا

قد سمعنا من غوانيها اغان

Доирада байт ҳазаж баҳрининг ўзагидан ясалган сўзи билан бошланган. Иккинчи сўз рамал баҳрининг ўзагидан таркиб топган “рмла” сўзи жой олган.

Тўртинчи доира: Муштабиҳа (مشتبهة луғ.м.: ўхшаш). Бу баҳрни бундай аталишига сабаб, унинг руқнларининг ҳаммаси етти ҳарфли руқнлардан ташкил топганидир. Муштабиҳа доира-сига: муктадаб, мужтасс, сариъ, мунсарих, хафиф ҳамда мудориъ баҳрлари киради. (илова)

Маҳмуд Замахшарий қуйидаги мисол билан ушбу доирани изоҳлаган.

Мунсарих:

سرح لضرع مجتث سر عاذا ما خف من قضب فد في ارضنا

Мудориъ:

لضرع مجتث سر عاذا ما خف من قضب فد في ارضنا سرح

Мужтасс:

مجتث سر عاذا ما خف من قضب فد في ارضنا سرح لضرع

Сариъ:

سر عاذا ما خف من قضب فد في ارضنا سرح لضرع مجتث

Хафиф:

خف من قضب فد في ارضنا سرح لضرع مجتث سرح

Бу ерда доирага берилган мисол мунсарих баҳрининг ўзагидан ясалган “лضرع” сўзи билан бошланиб, мудориъ баҳри “сўзи, мужтасс баҳри “сўзи, сариъ баҳри “сўзи билан бирин-кетин келади. Ва байтнинг охири хафиф баҳридан ясалган “хф” сўзи билан тугайди.

Бешинчи доира: Муттафиқа (متفقة луғ.м.: мос, ўхшаш)дир. Ушбу доирага мутақориб билан рақд баҳрлари киради. (илова)

Муаллиф қуйидаги мисолни берган:

Мутақориб:

قفاربت ذاكضا اذ دعاني و داعيت مدة اذ دعاني

Ракд:

ركض ربت ذاكضا اذ دعاني و داعيت مدة اذ دعاني قفا

Ушбу доирадаги мисолнинг биринчи мисраси мутақориб баҳрининг ўзагидан ясалган сўз билан бошланади. Иккинчи мисра эса рақд баҳридан бошланади.

Кейинчалик ушбу доираларга арузшунос олимлар бир қанча ўзгартиришлар киритганлар. Масалан: Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур туркий тилнинг спецификасидан келиб чиқиб доираларни қайта ишлаб чиқдилар ва янгиларини киритдилар.

Алишер Навоий ўзида тўққизта баҳрни бирлаштирган битта янги доирани “Доираи мужтамиа” деб номланувчи доирани киритди. Баҳрлар қуйидагича номланади: сариъ, жадид, қариб, мунсарих, хафиф, музориъ, мухтазаб, мужтасс, мушакил. Навоий бу баҳрларда умумийликни илғайди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур тўққизта доира схемасини келтиради. У киритган доираларига баҳрларни ўзгаришли руқнлар, яъни зиҳофлар билан бирга киритади. Бу “Доираи мужталибаи музахафа”, яъни унга ҳазаж макфуф, ражаз матви ва рамали маҳбун деб номланувчи баҳрлар киритилган. Иккинчи

доираси “Дораи мужталибаи мухтариъа” деб номланиб, у доирага ҳазаж макбӯд ва рамали макфӯф бахрлари киради.

Бобур келтирган кўпгина мисолларнинг ўзига хослиги шунда эдики, уларни бир доирага тегишли барча бахрларга мисол қилиб бериш мумкин. Масалан, Навоий “муштабиҳа” деб номланган “Доираи муштабиҳаи солима” доирасида битта байт барча саккиз бахр учун ҳам мисол қилиб беради.

Сариъ: Кел кел йигит бот бир оёқ тут сен бизга
 Жаҳид: Кел йигит бот бир оёқ тут сен бизга кел
 Қариб: Йигит бот бир оёқ тут сен бизга кел кел
 Мунсарих: Бот бир оёқ тут сен бизга кел-кел йигит
 Ҳафиф: Бир оёқ сен тут бизга кел кел йигит бот
 Музорӣ: Оёқ сен тут бизга кел кел йигит бот бир
 Муқтазаб: Сен тут бизга кел кел йигит бот бир оёқ
 Мужтасс: Тут бизга кел кел йигит бот бир оёқ сен
 Мушокил : Бизга кел кел йигит бот бир оёқ сен тут

Бу ўзига хосликни бошқа баъзи доиралар мисолида ҳам куриш мумкин.

Шунингдек, Бобур 16, 20 рукндан иборат кўп рукдли бахрларни ҳам келтиради. Ҳатто ана шу турларда ҳам Бобур бахрларнинг ўзаро ўхшашлигини кўради, лекин уларни доирага бирлаштирмайди. 16 рукдли бахрлардан С. Ҳасанов тамонидан “Доираи Бобурий” деб номланувчи яна битта доира яратилди.

Доираларнинг ривожланиши жадвали

XI-XII асрлар	XII-XIII асрлар	XIV аср	XV аср боши	XV аср II ярми	XVI аср
Насафӣ	Саккокий	Қиноий Даманхурий	Табризӣ	Навоий	Бобур
I Мухталифа Тавил Мадид Басит	I Мухталифа Тавил Мадид Басит	I Мухталифа Тавил Мадид Басит	I Му’талифа Ҳазаж Ражаз Рамал	I Му’талифа Ҳазаж Ражаз Рамал	I Муттабиқа Мутақориб мутадорик
II Му’талифа	II Му’талифа	II Му’талифа	II Муттафиқа	II мухталифа	II мужталиба

Вафир Камил	Вафир Камил	Вафир Камил	Вафир Камил	Мунсарих Мудорӣ Мухтадаб Мужтасс	Ҳазаж Ражаз Рамал
III Мужталиба Ҳазаж Ражаз Рамал	III Мужталиба Ҳазаж Ражаз Рамал	III Мужталиба Ҳазаж Ражаз Рамал	III Мужталиба Тавил Мадид Басит	III Мунтази’а Сариъ Жадид Ҳафиф Мушакил	III Мужталибаи музаҳафа Ҳазажи макфӯф Ражази матвий Рамали махбун
IV Муштабиҳа Сариъ Мунсарх Ҳафиф Мударӣ Муктадаб Мужтасс	IV Муштабиҳа Сариъ Мунсарх Ҳафиф Мударӣ Муктадаб Мужтасс	IV Муштабиҳа Сариъ Мунсарх Ҳафиф Мударӣ Муктадаб Мужтасс	IV Муштабиҳа Мутақариб Мутадарик	IV Муттафиқа Мутақариб Мутадарик	IV Мужталибаи мухтари’а Ҳазажи макбӯд Рамали макфӯф
V Муттафиқа Мутақориб Ракд	V Мунфарида Мутақориб	V Муттафиқа Мутақориб Мутадорик	V Мухталифа Мунсарих Мудорӣ Муктадаб Мужтасс	V Мужтамиъа Ҳафиф Мудорӣ Муктадаб Мужтасс Сариъ мунсарих	V Му’талифа Вафир Камил
			VI Мунтазиъа Сариъ Гариб Қариб Ҳафиф Мушакил	VI Мухталига Вафир Камил	VI Мухталига Тавил Мадид ’Ариз Басит ’Амик

				VII Муш- табиҳа Тавил Мадид Басит	VII Муш- табиҳа Мунсарих Мудориъ Муктадаб Мужтасс
					VIII Мунта- зи'а Сариъ Жадид Қариб Ҳафиф
					IX Муштаби ҳаи салима Сариъ Жадид Қариб Мунсарих Ҳафиф Мудориъ Муктадаб Мужтасс
					X Доираи Бобурий Ҳаҳажи мутатаввали макфуф Ражази мутутуввали махбун

Демак, X-XVI асрларда яратилган араб тилидаги асарлар асосида тузилган “Доираларнинг ривожланиш жадвали”да кўрганга нисбатан, бешта доирада ўн олтида араб баҳрлари келтирилган. Кейинги асарларда яратилган аруз назарияси ҳақидаги асарларда яна янги баҳр ва доиралар ишлаб чиқилган.

Шеър тузилиши назарияси – арузшуносликка ал-Хоразмий асарининг назарий қисми дастлабки манба бўлиши мумкин, чунки

Халил ибн Аҳмаднинг айтиши шу соҳадаги асари бизгача етиб келмаган.

Ал-Хоразмий ва ас-Саккокий асарларида шарқ вазн назарияси арузнинг ўн беш баҳрига берилган мисоллар ва асарлар номларининг ўхшашлиги бизга ас-Саккокий ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” энциклопедияси билан бевосита таниш бўлганлиги ҳақида хабар беради.

Алишер Навоийнинг “Бадойи ул-бидоя” девонидаги “Гул руҳим ёди билан кунглум эрур гулга харис” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг охиридан битта олдинги байтда шундай ёзилади:

*Банд этибдур жадал аҳли ишин ишкол, андоқ.
Ким не “Мифтоҳ” анга суд қилур, не “Тахлис”.*

Бу мисол буюк шоир Алишер Навоийнинг ас-Саккокийнинг “Мифтах ал-улум” асари ва унинг қисқача баёни – Жалолиддин Маҳмуд ал-Қазвинийнинг “Талхис ал-Мифтоҳ”идан фойдаланиш имкониятига эга бўлгани ҳақида хабар беради. Навоий бу байтида асарлар номларидан маъно очиш учун ёрдам берадиган образ сифатида фойдаланган бўлса ҳам, ўз навбатида бу байт бизга Алишер Навоийнинг Юсуф ас-Саккокий яратган вазн назарияси билан яхши танишлиги ва унга ёндошганлиги ҳақидаги хулосага келиш имкониятини беради.

Шубҳа йўқки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам худди Навоий каби ўзининг “Аруз ҳақида рисола”сини ёзишда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Ҳафс ан-Насафий, Юсуф ас-Саккокий ва бошқаларнинг аруз назариясига бағишланган манбаларга таянган. Демак, юқорида асосланган хулосаларимиз бизга буюк туркий олим ва шоирлар Навоий ва Бобур Саккокийнинг “Мифтах ал-улум” ҳамда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” энциклопедияси билан бевосита ва билвосита таниш бўлганликлари ҳақидаги хулосага келишимизга имконият беради.

Назорат саволлари:

1. Аруз доираси деганда нимани тушунаси?
2. Доира деб аталишига сабаб нима?
3. Араб арузида нечта доира мавжуд? Уларнинг номлари қандай?

4. Ал-Хоразмий ўзининг “Мафотих ал-улум” асарида доираларга қандай маълумотлар берган?
5. Мухталифа доираси қандай тузилган?
6. Му’талифа доираси қайси баҳрлардан ташкил топган?
7. Мужталиба дотрасига мисоллар келтиринг.
8. Муштабиҳа доирасига қайси баҳрлар киради?
9. Муттафика доираси қандай?

Мустақил таълим учун топшириқ:

Арузий доиралар ичидаги баҳрлар таркиби.

Адабиётлар:

1. Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафатих ул улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми”, АКД. – Ташкент, 1990.
2. الدكتور عبد العزيز عتيق. علم العروض و القافية. دار النهضة الھریبة. بیروت. 1987. ص 9

Қўшимча адабётлар:

1. الدكتور فخير الدين قباوة. القسطاس في علم العروض. مكتبة المعارف. بیروت. 1989.
2. Талабов Э. Араб арузи. – Т., 1977.

III БЎЛИМ. АРУЗ ИЛМИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

3.1 Арузшунос олимларнинг аруз илмига доир асарлари.

Дарсинг мақсади: талабаларни аруз илмини ривожланишида аҳамиятли бўлган буюк алломаларимиз қолдирган қимматли асарлар билан таништириш.

Таянч сўзлар ва иборадлар: “Калом фи-ш-шеър ва-л-қафови”, “Китобу-ш-шеър”, “Аруд ал-Вурқати”, “Мафотих ал-улум”, “Мухтасару-л-аруз», “Маъоний” ва “баён” илмлари, “илм ал-истидлол”, “Илм аш-шеър”, “илм-ал-қавофи”, “Ал-Қустос”, Илму-л-луғат, Илму-л-абният, Илму-л-иъроб, Қирду-ш-шиър, беш доира.

VIII асрда яратилган аруз илми IX–XIII асрларда нафақат араб, балки Ўрта Осиё олимлари томонидан ҳам ривожлантирилди. Ўша замон илм-фани барча соҳалари ривожига улкан ҳисса қўшган аллома аждодларимиз тилшунослик, адабиётшунослик ва шеършунослик фанларининг ҳам гуллаб-яшнашига ўзларининг баракали улушларини қўшдилар.

Шарқ мумтоз шеърятти вазнига айланган аруз фанига оид бобокалонларимиз томонидан ёзилган баъзи араб тилидаги рисо-лалар ва уларнинг муаллифлари ҳақида маълумот берамиз.

IX аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган, “иккинчи муаллим” номини олган файласуф аллома **Абу Наср Форобий**нинг “Калом фи-ш-шеър ва-л-қафови” (“Шеър ва қофиялар ҳақида сўз”), “Китобу-ш-шеър” (“Шеър китоби”), “Рисола фи қавонийн сино-ати-ш-шуъаро” (“Шоирлар санъати қонунлари ҳақида рисола”) номли асарлари мавжуд бўлиб, уларда муаллиф шеърятдаги баҳрларнинг турлари, уларнинг вазн билан алоқаси, шернинг таъсир кучи доираси ҳусусида сўз юритди. Шеърнинг мусиқа билан боғлиқлиги ҳақида салмоқли фикрлар айтган.

Табобатга оид китоблари билан машҳур бўлган **Абу Али ибн Сино** “Шеър санъати” асарида: “Шеър – бу такрорланувчи, вазн ва урғуга эга бўлган, бир – бирига қофиядош байтлардан ташкил топган, кишининг энг нозик туйғуларига таъсир этувчи нутқдир”, - деган экан. Арузнинг ражаз баҳрида ёзилган табобатга оид “ал-Уржуза фи-т-тиб” номли асар унинг қаламига мансубдир.

Х асрда яшаган фороблик аллома **Абу Наср б. Ҳаммод Жавҳарий** ёзган “ас-Сихоҳ” асари араб тилининг изоҳли луғати ҳисобланади. У ўзининг арузга доир “Аруд ал-Вурқати” асарида аруз фанини ислоҳ қилиб, 16 баҳрни 12 баҳрга келтиради. Шу боис тарихда уни аруз илмининг ислохотчиси деб аташган. Арузга доир асарлар ёки қомусий асарларнинг арузга оид бобларида аруз баҳрлари ҳақида тўхталганда, фақат биринчи кўринишигагина мисол келтириб, нуқсонли тармоқ рукнлардан ташкил топган вазнлар қандай кўринишда бўлиши айтилади. Мисоллар билан таъминланмайди.

Ал-Жавҳарий эса, қадимги ва ўзига замондош шоирлар асарларидан ҳар бир кўринишга намуналар бериб, қайси зихоф таъсир қилганини ҳам кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, аруз шеърининг мезони бўлиб унинг фойдалари учта:

1. Шеърни маълум бир мусикий оҳангда ўқилганда завқ бағишлайди.

2. Аруз вазни туфайли Қуръонни шеърдан фарқ қилиш мумкин.

3. У шеърда нима керак ва нима керак эмаслигини маълум қилади. Унинг иллатлари ҳам кўрсатиб ўтилади.

Муқаддима қисмида 7 та нарса ҳақида сўз боради. Улар сабаб ватад, фосила, жузвлар, тақтеъ, зихоф ва баҳрлардир.

Муаллиф ёзишича асл рукнлар 7 тадир:

فاعلتن مفاعيلن مستفعلن مفاعلتن متفاعلتن فاعلتن فعولن

Халил фикрича, *مفعولات* тўғри рукн эмас. Агар тўғри рукн бўлганда ундан содда баҳр таркиб топарди, - дейилади.

Ал-Жавҳарий аруз вазнини бироз бўлса ҳам соддалаштириш мақсадида 16 та баҳрни 12 та баҳрга туширади. Таҳлил этилган шеърини парчалар ҳам кўпроқ мусаддас, мураббаъ шаклларидадир. У баҳрни боб деб айтади. Шулардан еттитаси содда, бештаси мураккабдир. Баҳрлар ҳақидаги маълумотни беришдан олдин қуйидаги осонлаштириувчи маълумотларни беради. Унинг ёзишича:

1. **Мутақориб ва ҳазаж** [рукнларидан] Тавил ясалган.

فعولن مفاعيلن

2. **Ҳазаж ва рамал** [рукнларидан] Мудориъ [баҳри] пайдо бўлган

مفاعيلن فاعلاتن

3. **Рамал ва ражаз** [рукнларидан] Хафиф [баҳри] ташкил топган

فاعلتن مستفعلن

4. **Ражаз, мутадорик** [рукнларидан] Басит [баҳри] яралган.

مستفعلن فاعلتن

5. **Рамал, мутадорик** [рукнларидан] Мадид [баҳри] ҳосил бўлган.

فاعلاتن فاعلتن

Ал-Жавҳарий тушуриб қолдирган баҳрлар ҳақида шундай изоҳ беради:

Сариъ баҳри баситдан олинган.

Мунсарих ва *Муқтазоб* баҳрлари эса ражаз баҳридан олинган.

Мужтас эса, *хафиф*дан олинган.

Мазкур фикрларини исбот қилиш мақсадида ҳар бир баҳр унинг тамроқ кўринишлари ҳақида сўз кетганда, албатта Халил фикрларини эслаб, мана шу кўринишни Халил Сариъ деб атаган, - деган мулоҳазани билдириб ўтади.

Тақтиъ масаласига келсак, унда ёзув эмас, талаффуз қилинган сўзлар муҳимдир. Албатта ҳар бир баҳр қолипига монанд қилиб, тушиб қолган Танвин ҳарф ҳисобланади. Ташдидда иккита ҳарф ёзилади. Васлали алиф талаффуз қилинмагани учун ёзилмайди.

Жавҳарий тавил баҳрига 7 та, мадид баҳрига эса 14 та, басит баҳрига ҳам 14 та, вафир баҳрига 11 та, комил баҳрига 22 та, ҳазаж баҳрига 10 та, ражаз баҳрига 12 та байт мисол қилиб келтирган. Рамолда 8 та, хафифда 21 та, мудориъда 7 та, мутақорибда 12 та, мутадорикда 4 та шеърини мисол келтиради, бироқ байтлар қайси шоир қасидасидан олинганлиг қайд этилмайди.

Одатда аруз назариясига махсус ёзилган асарларда доиралар келтирилган (Масалан: ан-Насафий ва аз-Замахшарий асарларида). Бироқ Ал-Жавҳарийнинг мазкур асарида доира ҳақида сўз ҳам бормайди. Бу билан олим арузни яна ҳам осонлаштиради.

Яна арабларда Жавҳарий ва Халил ибн Аҳмаднинг аруз назарияси ҳақида қуйидагича фикри мавжуд: “*انما وضعه الخليل و هذبه الجوهرى*” (Халил уни (аруз илмини) асосини яратди, Жавҳарий

эса уни бир тизимга солди.) Бу жамладан кўриниб турибдики, Жарҳарий аруз илмининг ривожланишида катта рол ўйнаган.

Шундай қилиб, Абу Наср ибн Ҳаммод Ал-Жавҳарий аруз назариясининг яккаяю ягона ислоҳ қилган олимдир. Унинг асарларида берилган мисоллар ҳам кўпроқ 6 ва 4 рукнли шеърӣй парчалардир. Мазкур аруз назариясига оид асар мумтоз шеър вазнларини аниқлашда манбв вазифасини ўташи мумкин.

Х асрда Сомонийларнинг учинчи вакили Нух ибн Мансур ҳукмронлиги даври (975–997)да ижод қилган **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-котиб ал-Хоразмӣй** ўзининг “Мафотиҳ ал-улум” (“Илмларнинг калитлари”) номли қомусӣй мажмуаси биринчи бўлим бешинчи бобини аруз илми, унинг баҳрлари, соғлом ва тармоқ рукнлари, иллат ва зиҳофлари таърифига бағишлаб, шеърӣй мисоллар билан таъминлаган. Шу билан бирга қофия, унинг турлари, истилоҳларнинг келиб чиқиши, қўлланилиши ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтган.

XI–XII асрларда яшаб ижод этган насафлик аллома **Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафӣй** (1068–1142)нинг ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган “Матлаъу-н-нужум ва мажмаъу-у-улум” (“Юлдузларнинг чиқиши ва илмларнинг жам бўлиши”) номли қомусӣй мажмуасида 50 дан ортиқ асари жамланган. У ердаги арузга оид асари “Мухтасару-л-аруз ала усули-л-маъруз” (“Арузга оид қисқа рисола”) деб номланиб, у қўлёзманинг 302 а – 307 б саҳифаларини ўз ичига олган. Унда аллома баҳрлар, рукнлар, иллат ва зиҳофлар, доиралар ҳақида маълумотлар беради. Бундан ташқари Насафӣйнинг “Ихтилофлар ҳақида китоб” номли асари шеърӣй йўл билан ражаз баҳрида ёзилган бўлиб, 2666 байтни ўз ичига олган. У ислом ҳуқуқшунослиги бўйича буюк имомларнинг фикрлари ўртасидаги ихтилофларга оид асардир.

Диёримизда араб тилида ёзилган аруз фанига доир асарлар билан бир қаторда, форсӣғӣй олимлар томонидан ҳам рисоалар ёзилди. Улар тил хусусиятларидан, бой шеърӣй мерос асосларидан келиб чиқиб, араб арузи 16 баҳрига аввалига 3 та, кейинроқ яна 2 та қўшиб баҳрлар сонини 21 тага етказдилар.

Форсӣғӣй арузишунос олимлардан Х асрда яшаган **Мавлоно Юсуф Арузӣй Нишопурий**, XII асрда Хоразмда яшаб ижод этган,

Хоразмшоҳ Отсиз саройидаги олимлардан Рашидиддин Ватват ўзининг “Ҳадоиқи ас-сеҳр фи дақоиқи-ш-шеър” (“Сеҳр боғлари шеър нозикликларида”) асарида аруз қоидалари билан бирга қофия, бадеъ илмлари ҳақида кенг қамровли фикрлар берган. Кейинги асрларда Шамсуддин Муҳаммад ибн Қайс ар-Розӣй (XIII аср), Насириддин Тусӣй (XIII аср), Ваҳид Табризӣй (XV аср), Абдурахмон Жомӣй (XV аср) ва бошқалар форс тилида ёзилган бой шеърӣй мероснинг вазни назариясини яратишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Шундай қилиб, Арабистон ярим ороли саҳроларида яшаган кўчманчи бадавӣй шоирлар ўтовида туғилган аруз вазни назарияси ўрта аср Ўрта Осиё олимлари томонидан ислоҳ қилинди ва ривожлантирилди.

Юсуф ас-Саккокийнинг “Мифтоҳ ал-улум” асари. XII аср охири XIII аср биринчи чорагида яшаб ижод этган хоразмлик аллома Абу Ёқуб Юсуф ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ас-Саккокий томонидан “Мифтоҳ ал-улум” (“Илмларнинг калити”) асари ёзилди. Мазкур асарнинг I ва II бобларида муаллиф араб тили грамматикасини мукаммал ишлаб чиқиб, унинг мантиқӣй давоми сифатида III бобни “Маъонӣй” ва “баён” илмларига бағишланди. Мазкур илмлар таркибига “илм ал-истидлол” (“Далил келтирувчи илм”), “илм ал-бадеъ” (“Бадиият илми”), “Илм аш-шеър”, “илм-ал-қавофи”ларни ҳам киргизган. “Мифтоҳ ал-улум” асари шухрат топиб, унга мулло котиб Чалабийнинг “Қашф аз-зунун ан асоми-л-кутуб ва-л-фунун” асарида келтирилишича 70 дан ортиқ шарҳ, талҳис ҳошия ва таълиқотлар ёзилган. Араб ва ажам олимларининг таъкидлашларича, Юсуф ас-Саккокий бу асарида бадиият илми ҳақидаги кўп асрлик таълимотга илмӣй якун ясаган.

Муаллиф асар мукаддимасида шундай изоҳ беради: “Мен ўз китобимга тилшунослик фанининг лугатшуносликдан ташқари зарур бўлган соҳаларини киритдим. Бутун морфология, тўлиқ синтаксисдан сўнг маъонӣй ва баён илмларининг ишлатилиш доирасини аниқ тушунтириб беришни зарур деб ҳисобладим. Уларни эгаллаш учун назм ва насрни таҳлил эта билиш кераклигини тушундим, айни вақтда, шоир аруз ва қофия илмларини билишга мухтож эканлигига ишонч ҳосил қилдим”.

Юсуф ас-Саккокий аруз ва кофия илмлари хусусида фикр юритар экан, унда аруз 15 баҳрининг ҳар бир кўринишига араб шоирлари шеърларидан намуналар келтириб, ҳар бир рукнга мослаб мисоллар таътеъини беради. Бу эса шеърларни вазнга тўғри солиб ўқишга ёрдам беради.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Қустос фи илми-л-аруз” асари. Улуғ ватандошимиз араб ва ажам фаҳри ҳисобланган Жоруллоҳ аз-Замахшарий, тўлиқ исми Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад жаҳон маданиятига салмоқли ҳисса қўшган муфасссир, тилшунос, луғатшунос аллома ва шеър назарийётчиси сифатида дунёга машҳур бўлган олим. Унинг асарлари мазмун жиҳатдан илм-фаннинг кўпгина соҳаларини қамраб олган. Замахшарий ижодида диний илмлар ва луғатшунослик, грамматика, аруз, адабиёт, мантиқ, ҳуқушунослик соҳалари асосий ўрин эгаллайди. Асарларининг рўйхати бир қатор манбаларда турли олимлар томонидан турлича маълумот келтирилган. Жумладан, машҳур немис шарқшунос олими К. Броккельманнинг “Араб адабиёти тарихи” номли асарида Маҳмуд Замахшарийнинг 31 та асари ҳақида маълумот берган¹.

Замахшарий ўз ижодининг катта қисмини араб тилшунослигига оид морфология, синтаксис, фонетика ва луғатшунослик каби соҳаларга бағишлаб, шу мавзуда ноёб асарларни мерос қилиб қолдирган. Унинг энг машҳур асарларидан бири “Муқаддамату-л-адаб”дир. У қомусий асар бўлиб, тилшуносликнинг турли соҳалари бўйича бой маълумотлар беради.

Олимнинг яна бир машҳур асари “Асос-ул-балоғ” (“Балоғат асослари”) араб тилининг изоҳли луғати. Бу асар алломанинг грамматик меросида муҳим ўрин эгаллаган. А. Рустамовнинг фикрича, “Замахшарий ўзининг “Асосу-л-балоғ” асари билан араб луғатшунослигини бир неча поғона юқори кўтарган”². У луғатда сўзларнинг биринчи ҳарфини ва ундан кейинги ҳарфларини назарга олган ҳолда алифбо тартибида беради.

¹ بروكلمان كارل. تاريخ الأدب العربي. دار المعارف بمصر. الجزء 315. الخامس. 1975. ص

² Қаранг: Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – Б. 12.

Аллома аз-Замахшарийнинг аруз илмига доир асари “Ал-Қустос фи илми-л-аруз” (“Аруз илмида вазн”) деб аталади.

Асарнинг тўлиқ номи “Ал-Қустос ал-мустақим фи илми-л-аруз” (“Аруз илмида аниқ мезон”)дир. Ушбу рисола араб тилида ёзилган бўлиб, ўттиз уч бетдан иборат.

Рисоланинг қўлёзма нусхалари дунёнинг машҳур кутубхоналарида сақланади. Жумладан: Қоҳира шаҳрининг “Дор ул-кутуб” кутубхонасида 60, 2 ва 499 рақамлари остида мавжуд¹. Шунингдек, тарихий романлар муаллифи, олим Журжи Зайдоннинг ёзишича, “Ал-Қустос”нинг баъзи нусхалари Берлин ва Лейденда ҳам сақланади².

Замахшарий ўзи яшаган давр шоирлари шеър вазнларини тадқиқ қилишни мақсад қилиб олади. Асарда аруз иллатлари борасида алоҳида сўз юритади, аруз вазнига оид баҳрлар, рукнлар ва уларнинг ҳар қил баҳр турларига араб шоирлари шеърларидан мисоллар келтиради. Шу сабабли, кейинги авлод арузшунослари Замахшарий рисоласига кўплаб ҳолларда мурожаат этадилар.

Рисолани тадқиқ қилган олимларнинг ёзишларига кўра, Замахшарий ўзигача бўлган араб олимлари Халил ибн Аҳмад ва Абулҳасан Аҳфашларнинг 16 баҳрли вазнларга оид назарияларни содда қилиб баён қилади.³

Муаллиф асарнинг муқаддимасида аруз илмининг қатор бошқа илмлар билан боғлиқлиги ҳақида ёзади. Уларни ўн икки синфга ажратади:

Илму-л-луғат – луғатшунослик илми, тилнинг изоҳли луғати, ҳар бир сўзнинг мазмун-моҳиятини яхши англаб етмоқ.

Илму-л-абният – ўзгармас шаклга эга, тушиниш қийин бўлган архаик сўзлар ҳақидаги илм.

Илму-л-иштиқоқ – сўзнинг бир ўзакдан келиб чиқиши ҳақидаги илм. Масалан: рух – райҳон.

Илму-л-иъроб – араб тили грамматикасига оид илм.

¹ بيروت، ص 3. الدكتور فخير الدين قباوة. القسطاس في علم العروض. مكتبة المعارف. 1989

² الدكتور أحمد الحوفي. الزمخشري. دار الفكر العربي. القاهرة، ص 61

³ Қаранг: Алиев С. Аруз илми. – Бухоро, 1995. – Б. 6.

Илму-л-маъони – гапнинг барча бўлақларини тўғри тузиш, мазмунга бой тоифаларнинг тўғри, очикдан-очик, аниқ, яширин ва ҳар хил ифодалаш¹.

Илму-л-баён – оз миқдордаги сўзлардан фойдаланиб, фикрнинг аниқ ва тиниқ маъносини ифодалаш.

Илму-л-аруд – аруз назариясига оид қонун-қоидаларни мукамал эгаллаш- шеъринг асарни маълум бир маромда ўқишга, шеърнинг жилва-жилосидан завқ олишга ёрдам беради.

Илму-л-қавафи – қофия ҳақидаги маълумотлар мажмуасини тўла-тўқис англаш.

Инша-у-н-наsr – насрий матн ёзиш санъати.

Қирду-ш-шиър² – шеърни рукнга монанд бўлагини бироз пауза билан ўқилгандагина маълум бир мусикий оҳанг пайдо бўлади. Мазкур жараён таътиъ деб аталади.

Илму-л-китаба – хат ёзиш санъати, хаттотлик санъати ҳақидаги илм.

Илму-л-муҳадарат – нотиклик санъати ҳақидаги илм.

Замахшарий ўз асарида шуни ҳам таъкидлаб ўтадики, шеър маънога эга бўлиши учун 4 унсур бўлиши шарт: Бу лафз, маъно, вазн ва қофия.

Яна шеър биносининг асосини 2 нарсa ташкил этади – бу сабаб ва ватад. Фосила эса юқоридагилар қўшилишидан вужудга келади, дейилади. Улар мисол билан таъкидланган. Асл рукнлар 8та: *مَفْعُولَاتٌ مُتَّفَاعِلُنْ مُفَاعَلَتُنْ , فَاعِلَاتُنْ مُفَاعِلُنْ , مُسْتَفْعِلُنْ فَاعِلُنْ , فَعُولُنْ*. Ҳар бир асл рукннинг фаръий кўринишларини бериб ўтиб, улар номини ҳам қайд этади.

Рисолада бешта доира ҳам мавжуд. Улар қуйидагилар: мух-талифа, мўъталифа, мужталиба, муштабиҳа ҳамда муттафиқа. Уларни ичида бахрларга мисоллар бериб ўтилган.

Шуни қайд этиш керакки, ҳар бир бахрга берилган байт албатта ўша бахр номи ёки ўша ўзакдан чиққан сўз билан бошланади.

¹ Зиёвуддинова М. Юсуф ас-Саккокий ва унинг “Мифтоҳ ал-улум” асари // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. – Т. 2005. – Б: 177-181.

² Қўлёзмада “қирд” сўзи “катъа” деб изоҳланган.

Шундай қилиб, Маҳмуд Замахшарийнинг араб арузига бағишланган ушбу “Ал-Қустос фи илми-л-аруз” рисоласи бошқа олимлар асарларига нисбатан мустақилроқ ва мукамалроқ ёзилган. Шунингдек, аруз илмига оид асарлардан фарқли ўлароқ, ушбу рисоладаги бахрларга берилган мисоллар Замахшарий шеърлари орқали ифода этилган. Ва бугунги кундаги арузшунослар ва аруз илми билан шуғулланувчи тадқиқодчилар айнан шу асардан ўз тадқиқотларида кенг фойдаланишлари мумкин.

А. Навоийнинг “Мезону-л-авзон” асари. XV аср иккинчи ярмида аруз фанига оид ҳазрати Алишер Навоийнинг туркий тилда ёзилган “Мезону-л-авзон” асари юзага келди. Асар муқаддимасида ёзилишича, Султон Ҳусайн Баҳодирхон фармони билан Амир Хусрав Деҳлавийнинг ўн саккиз минг байтлик тўрт девонини замона хушнависларига китобат қилдириб, ҳар бир ғазал устига “... ғазал не баҳрда ва не вазнда эрконин ва аркониға қайси зиҳоф кириб, не нав тағаййур топконин битгайлар ва сабт қилгайлар, то барча элга ул баҳр аҳволини ва ул вазн ашқолини маълум қилгайлар...”

Ҳазрати Алишер Навоий “Мезону-л-авзон” асарининг ёзилишига Султон Ҳусайн Байқаронинг “... муборак хотирлари шеър бухур (бахрлари) ва авзониға ва назм қавоид мезониға мойил...” бўлганлиги, шу боис “... аруз фанида бу мухтасар сабт бўлди ва унга “Мезону-л-авзон” от қўйилди”, - деб ёздилар.

Алишер Навоийнинг “Мезон-ул-авзон” асари мумтоз ўзбек шеърини тараккиётида янги ва муҳим бир ҳодиса бўлди. Чунки:

1. Навоий “Мезон-ул-авзон” асарини форс-тожик тилида ёзилган рисолалар асосида аруз назариясини бойитди ва такомиллаштирди. Бунини Навоийнинг ўзи таъкидлаб, “Мезон-ул-авзон”да қуйидагиларни ёзган эди: “...ва неча қоида ва доира ва вазнким, ҳеч арузда, мисли фан возеъи Халил ибн Аҳмад ва илм устоди Шамс Қайс кутубга оид ва Хожа Наср Тусийнинг “Меъёр-ул-ашъор”да, балки Ҳазрати Маҳдумий... Нуран (Жомий) “Аруз”ларида йўқ эрдиким, бу фақир бу фан усулидин истихроҷ қилиб эрдим, бу китобға изофа қилдим”.

Аруз назариясига доир китобларда туркий халқлар, жумладан ўзбек шеъринининг вазни масалалари махсус ўрганилмаган эди. Ваҳоланки, туркий халқлар шеърини аруз вазни узоқ тарихга

ва бой тажрибага эга эди. XI асрдаёқ туркий тилда арузнинг мутақориб баҳрида “Қутадғубилик” каби йирик асар вужудга келган эди. Туркий шеърятдаги арузнинг 4-5 асрлик тажрибасини ўрганиш адабиёт тарихини ёритишгагина эмас, балки унинг тараққиётига ҳам хизмат қилар эди.

“Мезону-л-авзонда аруз назариясининг асосий қисмлари қуйидагилар:

Рукнлар ҳақидаги таълимот
Зихоф ва фаръий рукнлар ҳақидаги таълимот
Бахрлар ҳақидаги таълимот
Тактеъ ҳақидаги таълимот
Вазнлар ҳақидаги таълимоот

3.2 Ҳазрати Алишер Навоий ғазалларида ички қофия

Қадимда Шарқда шеър ёзиш санъати ривож топган эди. Айниқса, Халил ибн Аҳмад томонидан араб шеърятини асосида VIII асрда ихтиро қилинган аруз назарияси, ўша даврдаёқ, Испаниядан Хитойгача бўлган ҳудудни эгаллаган халифат шоирлари шеърятини вазнига айланди. Шу боис, кейинчалик бизнинг аллома ажодларимиздан Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (X), Абу Наср ибн Хаммод ал-Жавҳарий (X), Абу Хафс ан-Насафий (XII), Маҳмуд аз-Замахшарий (XII), Юсуф ас-Саккокий ҳамда Захириддин Муҳаммад Бобурлар ҳам аруз вазнига оид араб тилида асарлар яратдилар. Форс тилида ҳам шу соҳада кўплаб асарлар ёзилди.

Шеър ёзиш санъатини таҳлил қилган олимлар вазн билан бирга, албатта, қофия илмига ҳам асос солдилар. IX асрда эса, шеърятдаги бадийят бобида ҳам дастлабки асарлар ёзилди. Бу борадаги илк асар араб олими ва шоири, бир кунлик халифа, Абу-л-Аббос Абдуллоҳ ибн ал-Му’таз томонидан ёзилган “Қитаб ал-бадиъ” асари бўлди. Бу асарда илк бора наср ва назмда ишлатиладиган бадий санъатларига истилоҳ сифатида ном бериб, қатор мисоллар келтирилди. Масалан, ташбих, истиъара тажнис ва бошқалар. IX-X асрлар бу соҳада ҳам қатор-қатор асарлар ёзилиб, бадий санъатлар сони кундан-кунга ортиб борди.

XII-XIII асрларда яшаб ижод этган “миллат ва дин чироғи” номини олган Хоразмлик аллома Юсуф ас-Саккокий ўзининг

“Мифтах ал-улум” асари III бобида бадийят илми бораси салмоқли фикрлар билдириб, барча шеърини санъат, фазилят ва нуқсонларни ўз ўрнига қўйиб, ўзининг илмий-якуний фикрларини баён қилади.

Асар III бобини “Маъоний ва баён илмлари” деб атаб, мазкур илмлар сирасига, маъоний ва баён илмидан ташқари яна *илму-л-истидлол* (далил келтириш), *илму-л-бадиъ*, *илму-ш-шеър* ва *илму-л-қофия* илмларини киритади.

Юқоридаги асарнинг мазкур III боби жуда катта шухрат топиб, қанчадан-қанча шарҳлар, хошиялар ёзилишига сабаб бўлади.

Асар III бобига ёзилган шарҳлардан бири бу – Дамашқ шахри имом-хатиби XIV аср бошида яшаган ал-Қазвинийнинг “Талхис ал-Мифтах” асари бўлди. Мазкур асарга диёримиздан етишиб чиқиб, Амир Темур замонларида Самарқандда фаолият кўрсатган зоти бобаракот Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний 2 та шарҳ ёзди. Биринчиси “ал-Мухтасар”, иккинчиси “ал-Мутаввал” (кенгайтирилган)дир.

XV асрда эса ҳазрати Алишер Навоий илтимосларига биноан “ал-Мутаввал” асарига учта забардаст олимлар хошия ёзди, улар – Абу Лайс ас-Самарқандий, Шамсуддин ал-Қўҳистоний ва Мулло Абивардийлардир. Мазкур асар кўлёмаси ҳозирда Абу Райхон номидаги ЎзРФА Шарқшунослик институти кўлёмаси хазиналари фондида сақланади.

Мазкур асарлардаги шеърят вазни бобида нафақат вазн масаласига, балки шеърдаги қофия ҳамда бадийятга катта эътибор қаратилган. Ундаги фазилят, гўзаллик ва нуқсонларга истилоҳий номлар берилган. Шеърятдаги вазн, қофия ва бадийят истилоҳлари ўша замонлардаёқ қомусий асарлардан жой олган. Бунга мисол қилиб, X асрда яшаб ижод этган Хоразмлик аллома Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” (илмларнинг қалитлари) номли қомусий асарини келтириш мумкин. Унинг мазкур асари I бўлим V бобида аруз, қофия, бадий санъат ва нуқсонларга оид истилоҳлар келтирилиб, улар таъриф ва шеърини мисоллар билан таъминланган. Бу борада Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг шеърнинг қофияга оид фазилятларини аниқлашда ёрдам берувчи тушунчалар бўйича маълумотлари муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур тушунчалар таърифи ал-Хоразмий асари I бўлим V боби 5-бўлинмасида берилган.

Шарқ шоирлари қофияга амал қилишни фақат байт охиридагина сақлаб қолмадилар. Шеърӣй асарларнинг муҳим томонларига ички қофияга амал қилиш ҳам киради. Бунда турли хил вариантлар бўлиши мумкин:

- а) фақат битта байт доирасида иккита мисра қофияланиши;
- б) бир нечта байт доирасида байтлардаги 3 та чораги қофияланиб, 4 чораги шеър қофияси билан қофияланиши;
- в) байт мисраларидаги сўзлар қофияланиб, ички қофияни ташкил этиши;
- г) ички қофия ғазал ёки қасиданинг бошидан охиригача такрорланиб келиши мумкин.

Биз келтирган вариантларнинг ҳаммаси шарқ (араб) шеъриятида ўзининг номларига эга. Улар *тасриъ*, *тарсиъ* ва *тасмиллардир*.

Тасриъ – ички қофия

Мазкур тушунча аруз вазнида ёзилган шеър тузилиши системасида мавжуд бўлган байтнинг иккита мисрага бўлинишига таянувчи категория бўлиб, уни ал-Хоразмий асарида учратдик. Унга ал-Хоразмий шундай таъриф берган:

Ат-Тасриъ – бунда қасиданинг биринчи байти *мусарраъ* кўринишида бўлиб, унинг қофияси биринчи мисрада ҳам бўлиб, икки мисра ўзаро қофияланиб келади.

Худди шундай таърифни биз ал-Жавҳарийнинг “Сихāх” лугатида ҳам кўрамиз.

“Шеърятда тасриъ – бу биринчи мисраларнинг қофияланишидир”.

Бу таърифлардан шундай хулосага келиш мумкинки, *тасриъ* – бу биринчи мисрадаги охирги сўзнинг иккинчи мисрадаги охирги сўз билан қофияланганда содир бўладиган ички қофиядир.

Шундай қилиб, *тасриъ* – иккита мисранинг қофияланишига олиб келувчи оддийгина кўриниш бўлиб, у қофияни бойитадиган дастлабки манба ҳисобланади.

Бунга мисол қилиб мумтоз ўзбек шеъриятидаги ғазалларнинг *матлаъ* деб талувчи биринчи байтини олишимиз мумкин. Алишер

Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонидаги ғазаллардан мисоллар келтирамиз.

Рамали мусаммани – маҳфуз

1) *Ашрақат мин / акси шамсил – каъси анво – рўл – худо,
Ёр(а) аксин / майда кўр, деб жом(и)дин чиқ – ти садо.*

Ҳазаж мусаммани – солим. Мафўилун – 8 марта

2) *Зиҳи хуснунг / зуҳридин / тушиб ҳар ким – га бир савдо,
Бу савдолар / била кавнай/н(и) бозори – да юз ғавго.*

.....
*Эй алифдек / қоматинг ми/–ли бузулгон жонаро
Ганжи хуснинг жавҳари бу хотири вай – рон аро.*

Ҳазаж мусаммани – солим

3) *Зиҳи қути ҳаётим ҳаж/–р(и) мухлик дар/–дида ёдинг
Агар лутфинг/–га лойиқ бўл/–масам йўқтур/–му бедодинг*

Тарсиъ – тўлиқ бўлмаган такрорланувчи ички қофия

Тарсиъ санъати шеърятда ҳам насрда ҳам учраб туради. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий таърифича: “*Тарсиъ* – бу алоҳида байтнинг қофияланган қисмлардан тузилишидир”.

Тарсиъ – ўлчовлар билан алоқадор бўлган шеърятнинг муҳим категориялари қаторига киради. Шунини таъкидлаш лозимки, тўлиқ бўлмаган такрорланувчи ички қофия ғазал ёки қасидада бир ёки бир неча байт оралиғида келиши мумкин. Шу билан бирга насрда ҳам, сажъга ўхшаб қофияланадиган сўзларнинг бир хил ўлчовда бўлишига алоҳида эътибор берилади. Ал-Хоразмий таърифича “*Тарсиъ* – бу қофияланган, қурилишига кўра бир хил ўлчамдаги нутқдир”.

Ҳазрати Алишер Навоий назм ва насридан мисоллар:

Бадойиъу-л-бидоя. 399 ғазалда 1 та байтта ички қофия мавжуд экан

Ҳазаж 8 – солим

Манга лаззат / сенинг зикринг, / манга қувват сенинг фикринг

Манга шират / сенинг васлинг, / манга тоат сенинг ёдинг

ёки

*Ичим фурқат / балосинда, тошим ҳажр иб/тилосинда
Таним ишқ из/тиробинда, ўзим шавқ из/тироринда*

Дебочадан насрда берилган *тарсиъ* санъатига оид мисоллар:

*Фасоҳат девониниғ ғазалсаройлари
Балогат бўстониниғ чаманоройлари*

*Табъ маҳзанидин шўридаҳол ошиқлар
Ҳаёл гулшанидин соҳибжамол маъшуклар*

Дебочадаги биринчи абзацдаги ҳар бир сўз иккинчи абзацдаги ҳар бир сўз билан қофиядошдир. Бу эса ҳазрати Алишер Навоийнинг мазкур санъатларни мукамал эгаллаганлигидан бир далолатдир.

Тасмит – тўлиқ такрорланувчи ички қофия

Тасмит категорияси шеърнинг шундай шаклини билдирадики, унда ички қофияга доимо, яъни шеърнинг бошидан охиригача амал қилинади.

Ал-Хоразмий таърифича: “*Тасмит* – бу алоҳида қофияланувчи бўлақларга бўлинган ғазал ёки қасиданинг бошидан охиригача ички қофияга эга бўлган категориядир”. Бундай фазилятга эга бўлган қасида “*қасида мусаммата*”, – деб аталади.

Машҳур рус арабшуноси И.Ю. Крачковский фикрича: “*Мусажжасъ* шеърятнинг бошланиши байтларни тенг қисмларга ажратувчи *тасмит* деб номланадиган ички қофия кўринишини қадимда ҳам кўриш мумкин. У мустақилликка ғарбда эришган. Дастлабки муҳим кўрсаткичлар бизни XI асрдаги Испанияга етаклайди”¹.

Бироқ, X асрда яшаб ижод этган ватандошимиз Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” номли қомусий асари I бўлим V боби “Шеърят танқиди” номли қисмида *тасриъ*, *тарсиъ*, *тасмит* деб номланувчи уччала категория истилоҳ сифатида келтирилиб, қофиянинг муҳим поэтик фазилятлари, – деб

ҳисобланган. Уларнинг барчаси XI асрда Испанияда эмас, балки ундан юз йил илгари X асрда Ўрта Осиёда мустақил кўринишга эга бўлган.

Ҳазрати Алишер Навоийнинг девонларидан жой олган ички қофиялари мавжуд бўлган ғазаллар талайгина. Мазкур ахборотда Навоий ҳазратларининг “Бадойиъул-бидоя” номли биринчи девонидан жой олган баъзи ички қофияли ғазалларини келтирмакчимиз. Ҳар бир ғазалнинг биринчи байти – матлаъи тасриъ санъатига оиддир, қолган олтига байтнинг ҳар бири ўзича алоҳида ички қофияга эга. Уларнинг уч чораги қофияси бир хил, тўртинчиси ғазал қофиясига монанддир. Қуйидаги ғазаллардан мисоллар келтирамыз:

209 – ҳазаж мусаммани – солим

468 – ҳазаж мусаммани – солим

488 – ражаз мусаммани – солим

502 – ражаз мусаммани – солим

707 – ҳазаж мусаммани – солим

1-2 байтлар *тасриъ* санъатига, 3-8 байтлар *тасмит* санъатига оид.

209

*Не дўливашдур ул қотилки, қон тўлмаккадур яқсар,
Қиё боқмоқлари поки, итик мужгонлари – ништар.*

*Юзидинким хижилдур гул, паришон ҳар тараф кокул,
Сочиб гулбарг уза сунбул, тўкуб кофур уза анбар.*

*Югурмакликда ҳар гунбад, ки секрер ул маҳи гулҳад,
Гули меҳр олдорар беҳад, уёлур гунбази азҳар.*

*Чу лаъб асбобини тузди, саломат риштасин узди,
Қамардек ҳола кўргузди узори давридин чамбар.*

*Лабоси нози часпондур, гаҳи туз қадди чавгондур,
Замона гўйи ғалтондур, зиҳи чобук, зиҳи дилбар.*

Бошига сийм ўлуб паррон, тушуб гирдига анжумон,

¹ Крачковский И.Ю. Изб. соч. т. II – С. 26-27.

Тулуъ эткан каби ҳар ён қамар атрофида ахтар.

*Тўқуб қон неши ғам бирла, очиб майдон ситам бирла,
Олиб таблу алам бирла кўнгуллар кишварин яксар.*

*Жунун шамъин қилиб равшан, кўнгулга телбаликдур фан,
Паридек бўлғали парранда ул шўхи пари пайкар.*

*Навоий бўлди лўливаш, ки келмиш анга лўли хаш,
Қани бир жоми лўликаш, ки лўли тутса бир соғар.*

Юкорида келтирилган ғазалларда қофияга оид тасмит номли бадий санъат намоён бўлган. Бу ҳазрати Алишер Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонидан олинган ғазаллардир. Агарда Навоийнинг бошқа девонларини ҳам синчиклаб ўрганилса, ички қофияга оид бадий санъатларга кўплаб мисоллар топиш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Ўрта Осиё олимларидан кимлар арузга доир асарлар ёзган?
2. Абу Наср Фаробийнинг шеърятга оид қайси асарларини биласиз?
3. Ибн Синонинг арузнинг ражаз баҳрида ёзилган асарининг номи?
4. “Аруд ал-Вурқатий” номли рисола кимнинг қаламига мансуб?
5. Абу Абдуллоҳ ва Абу Хафс ан-Насафийнинг аруз вазнига оид асарлари?
6. Форсиёғўй арузшунос олимлардан кимларни биласиз?
7. Юсуф ас-Саккокийнинг “Мифтоҳ ал-улум” асарининг аҳамияти.
8. Маҳмуз Замахшарийнинг аруз илмига оид қандай асари мавжуд?
9. Аруз илми қайси бошқа илмлар билан алақадор?
10. Замахшарийнинг “Ал-Қустос” асрининг бошқа асарлардан фарқли тамони?
11. А. Навоийнинг “Мезону-л-авзон” асари хақида.
12. Мезону-л-авзонда аруз назариясининг асосий қисмлари қайсилар?

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ўрта Осиёлик олимларнинг аруз илмига оид асарлари.

2. А. Навоийнинг “Мезону-л-авзон” асари.

Адабиётлар:

1. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001.
2. Тўйчиева Г. Форс арузи рисоалари. – Т.: ТошДШИ.
3. Зиёвуддинова М. Юсуф ас-Саккокий ва унинг “Мифтоҳ ал-улум” асари // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари, Тошкент, 2005.
4. Навоий А. Мезонул-авзон. – Т.: Фан, Асарлар, 14 ж, 1968.

Қўшимча адабиётлар:

1. Худжанова Д. Маҳмуд ибн умар аз-Замахшарийнинг аруз илмига оид “ал-кустос фи илми-л-аруз” асари. Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган дис. – Т. ТошДШИ. 2015.
2. القسطاس المستقيم في علم العروض. محمود بن عمر الزمخشري. دار الكتب.

**Мазкур фан бўйича мустақил таълим учун
тавсия этиладиган мавзулар рўйхати**

1. Аруз назариётчилари ҳақида.
2. Аруз атамасининг келиб чиқиш тарихи.
3. Халил ибн Аҳмад ҳаёти ва ижоди.
4. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум» асарида аруз назарияси.
5. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Қустос фи илми-л-аруз” асари.
6. Юсуф ас-Саккокийнинг “Мифтоҳ ал-улум” асарининг арузга доир қисми.
7. А. Навоийнинг “Мезону-л-авзон” асари.
8. Бобурнинг аруз рисоласи.
9. Аруз баҳрлари таркиби.
10. Навоий асарларида ички қофия.
11. Лутфий, Бобур, Навоий ғазалларини вазнга солиш.
12. Аруз илмида вазнлар тури.
13. Арузшунос олимлар аруздаги ражаз баҳри ҳақида.
14. Арузшунос олимлар аруздаги рамал баҳри ҳақида.
15. Хафиф баҳри ҳақида арузшунослар фикри.
16. Мутақориб баҳри ҳақида арузшунослар фикри.
17. Хажаз баҳри ҳақида арузшунослар фикри.
18. Имрул-Қайс қасидаларида вазнлар.
19. Абдурахмон ал-Хомисий қасидаларида вазн.

Амалий машғулотлар учун топшириқлар

1. Қуйидаги араб тилидаги байтларни рукнларга ажратинг, тақтеъларни ва зиҳофларни таҳлил қилиб, вазнини аниқланг.

(1) لماذا نحب نظير الزهور
أعدلا نود الحياة بها
لماذا نود ابتسام الثغور
لماذا دموع الفقير تسيل
ولا نعشق الزهرة الذابلة
وننسى معانيها الزائلة
ونعرض عن دمة هائلة
وعنها عيون الوري غافلة

(2) كان صبح ساحر الألوان مثل المهرجان
السما تزدان منه بعقيق و جمان
غادة تعيق في ثوب بلون الأرجوان
و لها الغيم حمام في روابيها الحسان

(3) قفا نيك من ذكرى حبيب و منزل
بسقط اللوى بين الدخول و حومل
فتوضخ فالمقراة لم يعف رسمها
لما نسجتها من جنوب و شمال

(4) ستبدى لك الأيام ما كنت جاهلا
و يأتبك بالأخبار من لم تزود

(5) أقيموا بني النعمان عتًا صدوركم
و الا تقيموا صاغرين الرووسا

(6) ربّ نار بتّ أرمقها
تقضم الهنديّ و الغارا

(7) و متى مايع منك كلاما
يتكلم فيجبك بعقل

(8) قد اشهد الغارة الشعواء تحملنى
جرداء معروقة اللّحيين سر حوب

(22) ما هاج أخزانا و شجوا قد شجا

(23) يا خليلي أربعا واستجبرا ربعا بعسفان

(24) مقفرات دارات مثل آيات الزبور

(25) ليس كل من أراد حاجة

ثم جد في طلابها قضاها

(26) قالت و لم تقصد لقليل الخنا

مهلا فقد أبلغت أسماعى

(27) النسر مسك و الوجوه دنا

نبر و أطراف الأكف عنم

(28) ضربا بكل بقر

(29) أن سميرا أرى عشيرته

قد حذبوا دونه و قد أنفوا

(30) كل خطب إن لم تكو

نوا غديتم يسير

(31) إن تدن منه شبرا

يقربك منه باعا

(32) سوف أهدي لسلمى

ثناء على ثناء

(31) أتانا مبشرنا

بالبیان و النذر

(32) أولئك خير قوم

إذا ذكر الخيار

(33) لم لا يعى ما أقول

ذا السيد المأمول

(34) و أروى من الشعر شعرا عويصا

ينسى الرواة الذى قد روى

(35) أمن دمنة أقفرت

لسلمى بذات الغدا

(36) أبسكيت على طلال طربا

فشجاك وأحزنك الطلال

(9) إنا ذمنا على ما خيلت

سعد بن زيد و عمرا من تميم

(10) ماذا و قوفي على ربع خلا

مخلولق دارس مستعجم

(11) سيروا معا إنما ميعادكم

يوم الثلاثاء بطن الوادي

(12) ما هيج الشوق من أطلال

أضحكت فقارا كوحى الواحى

(13) منازل لفرتنا قفار

كأنما رسومها سطور

(14) لسلامة دار بحفير

كباقي الخلق السحق قفالر

(15) لمن الديار برامتين فعافل

درست و غير أيها القطار

(16) و لقد سبقتهم إلى فلم نزعنت و انت آخر

(17) و إذا افتقرت فلا تكن متخشعا و تجمل

(18) فقلت لا تخف شيئا ، فما عليك من بأس

(19) فهذان يذودان ، و ذا من كشب برمي

(20) أدوا ما استعاروه ، كذلك العيش عاريه

(21) قد هاج قلبى منزل ، من أم عمرو مقفر

37) سل الربي ان اعطاك حاجتك الربي
من الكاعب الحسناء يمنعها كعب

38) انت الذي بلغت كل غاية
مشيت اليها فوق اعناق جسدي
فيا ملبس النعمى التي جل قدرها
لقد أخلفت تلك الثياب مجددا

39) فتوضح فالمقراة لم يعف رسمها
لما نسجتها من جنوب و شمال
ترى بعد الارام فى عرصاتها
و قيعانها كانه حب فلغل
كأنى غداة البين يوم تحملوا
لدى سمرات الحى نا

40) اذا الخل لم يهجر ك الا ملالة
فليس له الفراق عتاب
اذا لم اجد من خله ما اريده
فعندى لا خرى عزمة و رثاب
و ليس فراق ما استطعت فان يكن
فراق على حال ليس ايباب

2. Қуйидаги ўзбек тилидаги байтларни рукнларга ажратинг, тактеъларни ва зиҳофларни таҳлил қилиб, вазнини аниқланг.

- 1) Тафоҳур кўзум, кўнглум қилурлар магар бордур,
Кўзунга кўнгул вола, юзунга кўзум ҳайрон.
Ҳайрон кўзум юзунга, вола кўнгул кўзунга,
Бордур магар, қилурлар кўнглум, кўзум тафоҳур. (Бобур)
- 2) Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна. (Бобур)

3) Сенинг ишқингда, эй номехрибон, бехонумон бўлдим,
Деман бехонумон оввораи икки жаҳон бўлдум.

4) Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шод байрамлар,
Манга юзу қошингдин айру байрам ойида гамлар.

5) Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатини кўнглум писанд этмас.

6) Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.

Деса бўлгайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

7) Кўнглум бўлур гаминг туни ҳар лаҳза қайгулуқ,
Чун шом бўлди, ҳар нафас ортар қоронгулуқ.

Ул кўзки олам аҳлидин олмишдур уйқуни,
Бахтим киби, не айб, агар бўлса уйқулуқ.

8) Қаро кўзум, кел-у, мардумлиг эмди фан қилгил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил.

9) Кеча келгумдир дебон, ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқдимۇ чект им йўлида интизор,
Келди жсон оғзимгайи ул шўҳи бадҳў келмади.

10) Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш.

Қут бир бодому ерим гўшан меҳроб эди,
Ғорати дин этти ногаҳ бир бололиқ кўзу қош.

11) Қон ютуб умри жаҳон аҳлида бир ёр истадим,

Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим. (Навоий)

- 12) Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдим осуда
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

*Не ким тақдир бўлса ул бўлур таққиқ билгайсиз,
Эрур жангу-жадал, ранжу риёзат барча беҳуда. (Бобур)*

- 13) Агарчисенсизин сабр айламак, эй ёр, мушқилдур
Сенинг бирла чиқишмоқлик доғи бисъёр мушқилдур.

*Мижозинг нозику, сен тунд, мен бир баадаб телба
Сенга ҳолимни қилмоқ, эй пари, изҳор мушқилдур. (Бобур)*

- 14) Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшиткаймен,
Не кун бўлгай висолингга мени дилхаста еткаймен.

*Тараҳхум юзидин юзингни кўрмакка буюргайсен,
Хуш ул ким оразингни кўргаймен, сўзинг эшиткаймен. (Бобур)*

- 15) Эшигингда бош урармен телбалар янлиг юриб,
Эй пари, бир висолингга ки кетмай бош уруб.

*Сарви қаддинг борида ўз қаддини чун қилди васф,
Ўтка ёқти бозбон сарви сиҳисин синдуруб.*

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

Асосий адабиётлар:

1. Алиев С. Аруз илми. – Бухоро, 1995.
2. Бобоев Т. Аруз вазнларини ўрганиш. – Тошкент, 1991.
3. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001.
4. Зиёвуддинова М. Юсуф ас-Саккокий ва унинг “Мифтоҳ ал-улум” асари // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари, Тошкент, 2005.
5. Навоий А. Мезонул-авзон. – Т.: Фан, Асарлар, 14 ж, 1968.
6. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972.
7. Талабов Э. Араб шеърлятида аруз тизими, ДДА. – Т., 2004.
8. Талабов Э. Араб арузи. – Т., 1977.
9. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985.
10. Тўйчиева Г. Форс арузи рисолалари. – Т.: ТошДШИ.
11. Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. – М., 1991.
12. Худжанова Д. Махмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг аруз илмига оид “ал-Қустос фи илми-л-аруз” асари. Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган дис. – Т.: ТошДШИ. 2015.
13. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Мухтасар, нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. – Тошкент, 1971.

Қўшимча адабиётлар:

1. Навоий А. Ҳазоинул-Маоний. Учинчи том. – Т. «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1965.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Маҳрами асрор топмадим. Париж девони нусхаси: Шеърлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи С. Ҳасан. – Т.: Ёзувчи, 1993.
3. Султонов Иззат. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
4. Ҳожиаҳмедов А. Мактабда аруз вазнини ўрганиш. – Т., 1978.
5. Хомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимов С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т., 1967.
6. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т., 2013.

7. Гибб Х.А.Р. Арабская литература. Классический период / Перевод А. Б. Халидова. – М.: Изд-во восточной литературы, 1960.
8. Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафатих ул улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми”, АКД. – Ташкент, 1990.
9. Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. – М., 1965.

Араб тилида:

1. الدكتور أحمد الحوفي. الزمخشري. دار الفكر العربي القاهرة. 1966.
2. الدكتور فخير الدين قباوة. القسطاس في علم العروض. مكتبة المعارف. بيروت. 1989.
3. الدكتور عبد العزيز عتيق. علم العروض و القافية. دار النهضة العربية. بيروت. 1987. ص. 9.
4. الدكتور عبدالله درويش. دراسة في العلم العروض و القافية. جامعة دار العلوم. القاهرة. 1987. ص. 157.
5. الدكتور مصطفى حركات. أوزان الشعر. الدار الثقافية للنشر. القاهرة. 1998. ص. 233.
28. القسطاس المستقيم في علم العروض. محمود بن عمر الزمخشري. دار الكتب.
6. الختیب التبریزی. کتاب الکافی فی العروض و القوافی. تحقیق الحسانی حسن عبد الله.

Интернет сайтлари

1. <http://www.al-mostafa.com>
2. <http://www.wattpad.com>
3. <http://www.waqfeya.com>
4. <http://www.madinahnet.com>
5. <http://ru.wikipedia.org>
6. <http://www.marefa.org>

ГЛОССАРИЙ

Аруз – (العروض) араб поэзиясининг шеърий вазни. Аруздаги шеърнинг биринчи намуналари милодий V асрга тааллуқли. VIII аср иккинчи ярмига келиб аруз илмий асосланган фанга, кейинроқ тугал тизимга айланди.

Арузшунослик – аруз шеърий тизими хусусиятларини тадқиқ қилувчи адабиётшунослик соҳасидир.

Аруз назарияси шарқ мумтоз шеърятда энг кўп қўлланилган ягона шеър вазни ҳисобланади. Аруз вазни илк бора араб шеърятда вужудга келади, кейинчалик у форс-тожик ва туркий халқлар мумтоз поэзиясининг ҳам асосий вазн тури сифатида шаклланди ва такомиллашди.

Арузий доиралар – баҳрлар орасида бир неча баҳрнинг “ўзаги” бир хил бўлишлилик алоқасини кўрсатиш учун арузшунослар “доира” деб аталадиган воситадан фойдаланганлар. Бир ўзақли баҳрларнинг бир нечтаси учун битта байт шеър айтилади ва шу байтнинг таркибига кирувчи бўлақлар турлича жойдан бошлаб ўқилса, бу ўзақ атрофига уюшган баҳрлар ўз-ўзидан майдонга келаверади.

Доира деб аталишига сабаб, баҳрлар вазнлари худди бир айланага киргизилиб, шу айлана кенглигидан чиқмайди. Бир доирага киргизилган мақтаъларнинг биринчиси бир баҳр учун бошланғич нуқта бўлса, иккинчиси бошқа бири учун айна шу вазифани бажаради.

Байт – араб шеърининг асосини байт ташкил этади (بيت (кўп лугавий маъноси: наमत уй, бадавийларнинг ўтови). Шу маънодан келиб чиққан ҳолда, байтни “шеър уйи” (بيت الشعر) деб ҳам юритишади. Байт рукнлардан ташкил топиб, қофия билан тугаши керак.

Баҳр – арузда ёзилган шеърда рукнларнинг такрорланиш таркиби, конкрет шеърдаги ўлчов асосидир. Араб арузида 16 та баҳр, А. Навоийда 19 та, 3.М. Бобурда 21 та баҳр берилган.

Баҳр номлари одатда таржима қилинмайди. Арузда 8 та асл рукннинг муайян таркибдаги такроридан баҳрлар ҳосил бўлади ва уларнинг ҳар бири ўз номига эга.

ВАЗН (арабча—ўлчов, тарози; кўплиги—авзон) — шеър ўлчови, меъёри. Вазн шеърий нутқни насрий нутқдан ажратиб турувчи асосий компонентлардан биридир. Одатда, бир туркумдаги шеър мисралари, байтлари ва бандларида туроқларнинг муайян қонунийат асосида ишлатилишидан келиб чиқадиган ритмик ҳодиса-оҳанг вазн дейилади. Бошқача айтганда, мисралардаги бўғинларнинг, туроқланиш тартибининг муайян ўлчовга солиниши — вазндир. Турли шеър системаларида вазн турли ёллар билан пайдо бўлади. Чунончи, бармоқ системасида шеърнинг биринчи мисрасидаги бўғинларнинг миқдори, туроқларнинг сони ва тартибининг бошқа мисраларда ҳам айнан такрорланиб келишидан вазн ҳосил бўлса, аруз системасида шеърнинг биринчи мисрасидаги ҳижолаҳнинг миқдори ва сифати, рукнларнинг сони ва тартибининг бошқа мисраларда айнан такрорланишидан вазн пайдо бўлади.

Илму-л-луғат — луғатшунослик илми, тилнинг изоҳли луғати, ҳар бир сўзнинг мазмун-моҳиятини яхши англаб етмоқ.

Илму-л-абният — ўзгармас шаклга эга, тушиниш қийин бўлган архаик сўзлар ҳақидаги илм.

Илму-л-иштиқоқ — сўзнинг бир ўзақдан келиб чиқиши ҳақидаги илм. Масалан: руҳ —райҳон.

Илму-л-иъроб — араб илми грамматикасига оид илм. **Ҳарф** — араб арузшунослигида энг кичик ритмик бўлак — ҳарф, ҳарф эса икки турли бўлади: мутаҳаррик (чўзғили) ва сокин (чўзғисиз). Чўзғи деганда унли товуш тушунилиши эътиборда тутилса, "мутаҳаррик ҳарф", "сокин ҳарф" атамаларининг маъноси англашилади.

Илму-л-маъони — гапнинг барча бўлақларини тўғри тузиш, мазмунга бой тоифаларнинг тўғри, очиқдан-очиқ, аниқ, яширин ва ҳар хил ифодалаш¹.

Илму-л-баён — оз миқдордаги сўзлардан фойдаланиб, фикрнинг аниқ ва тиниқ маъносини ифодаш.

Илму-л-аруд — аруз назариясига оид қонун-қоидаларни мукаммал эгаллаш- шеърий асарни маълум бир маромда ўқишга, шеърнинг жилва-жилосидан завқ олишга ёрдам беради.

Илму-л-қавафи — Қофия ҳақидаги маълумотлар мажмуасини тўла-тўқис англаш, қофияланиш тартиби, қофияланиш тартиби, қофияланиш усуллари, қофиялар саралаш ва уларни тўғри ишлатиш, қофия турлари ҳамда шеър битишдаги вазн қолип-ларидан ташқари зарурияти сезиладиган бошқа формал омиллар билан шуғилланади.

Инша-у-н-наسر — насрий матн ёзиш санъати.

Қирду-ш-шиър — шеърни рукнга монанд бўлагини бироз пауза билан ўқилгандагина маълум бир мусиқий оҳанг пайдо бўлади. Мазкур жараён тақтиъ деб аталади.

Илму-л-китаба — хат ёзиш санъати, хаттотлик санъати ҳақидаги илм.

Илму-л-муҳадарат — нотиклик санъати ҳақидаги илм.

Илму-л-бадеъ — Бадий воситалар ҳақида билим (علم البديع). Шеърнинг бадий етук бўлишини таъминловчи тасир воситалари ва улардан тўлиқ фойдаланиш йўриқлари. Бу шеърнинг мазмундор ва бадий етук бўлишида аҳамиятлидир.

Қасида — дастлабки араб шеърияти жанрларидан бўлиб, унинг илдизлари жохилия даври адабиётига бориб тақалади. Маълумки, жохилия даврида ёзув бўлмаса-да, шеърият жуда ривож топган. Айниқса, қасида жанрида ҳар бир шоир моҳирона ижод этган.

Қасида 50-100 байтдан иборат бўлиб, бир неча мавзунинг ўз ичига олади. Унинг биринчи қисми — насиб, иккинчи қисми васф, учинчи қисми фахр, тўртинчи қисми мадҳ деб аталади.

Рукн — бу жузвлардан иборат бирикмалардир. Арузда энг кичик ўлчовлар рукндир. Вазнлар рукнлардан тузилади, рукнлар эса жузвлардан иборатдир. Араблар афъила ёки тафъила деб аташади.

Рукн-ҳаракатли ва сукунли ҳарфларнинг маълум вазият талабига монандлашиб, зарур тартиб билан келувчи махсус бирлигидир. Ана шу бирлик аруз баҳрларининг ўзаро фарқловчи асосий ўлчов вазифасини ўтайди.

Тақтеъ (арабча сўз бўлиб, бўлақларга, парчаларга бўлиш маъносини беради) — мисраларни рукн қолипларига мос тушувчи

¹ Зиёвуддинова М. Юсуф ас-Саккокий ва унинг "Мифтоҳ ал-улум" асари // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. — Т., 2005. — Б: 177-181.

бўлакларга ажратиб чиқишга **ТАҚТИЪ** (تقاطع кўп. تقاطيع – кесилган) дейилади. Бу фаолият натижасида биз байтни қайси баҳрга тааллуқли эканлигини топа оламиз. Бу ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, катта диққат-эътибор ва меҳнат талаб этади. унда шеърнинг сўзларга бўлиниб, табиий ўқилиши эмас, балки оҳанг билан, маълум бир вазн рукнларига мосланиб ўқилишига эътибор қилинади.

Жузвлар – вазнлар яъни шеърнинг ўлчови **рукнлардан** ташкил топади. Рукнлар ўзлари эса, **жузв** (кўплиги **ажзо**)лардан ташкил топади. Жузвлар уч турлидир – сабаб, ватад, фосилалар.

Шеър – инсон ички хиссиётлари ва руҳиятини ўзига хос тарзда акс этдиришга қаратилган бадий асар бўлиб, инсон дунёси, унинг фикр ва ўйлари, изтироблари ва кечинмаларини бутун мураккаблиги, зиддияти, кўзга кўринмас, яшириш жиҳатлари билан талкин қилувчи, шеъринг нутқнинг мураккаб қурилиш принциплари мажмуаси асосига қурилган поэтик ижод намунасидир.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
I БЎЛИМ. АРУЗ ИЛМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.....	5
1.1. “Аруз” атамаси ва унинг ихтирочис Халил ибн Аҳмад.....	5
1.2. Байт тушунчаси.....	10
1.3. Жузвлар ҳақидаги тушунча.....	13
1.4. Арузда рукнларнинг аҳамияти.....	17
II БЎЛИМ. АРУЗ БАҲРЛАРИ ВА АРУЗИЙ ДОИРЛАР.....	33
2.1. Аруз баҳрлари.....	33
2.2. Шеър баҳрларининг таркиби.....	30
2.3. Арузий доиралар.....	69
III БЎЛИМ. АРУЗ ИЛМИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ...70	
3.1. Арузшунос олимларнинг аруз илмига доир асарлари.....	81
3.2. Ҳазрати Алишер Навоий ғазалларида ички қофия.....	88
Мустақил таълим учун тавсия этиладиган топшириқлар.....	94
Амалий машғулотлар учун топшириқлар.....	95
Глоссарий.....	102

Қайдлар учун

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ЗИЯВУДИНОВА М.
ХУДЖАНОВА Д.Ж.

АРУЗ ИЛМИ

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш
(шарқ тиллари бўйича);

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш
(мумтоз тиллар бўйича)

йўналишлари талабалари учун ўқув қўлланма

Тошкент – 2018

Зиявуддинова М., Худжанова Д., Аруз илми. – Т., 2018. – 132 б.

Техник муҳаррир:
З. Алимов

Компьютер версткаси:
Х. Ёктамova

Ўқув қўлланма Тошкент давлат шарқшунослик институти
Ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия
қилинган (2018 йил 29 мартдаги 8-сонли баённома)

Нашрга рухсат берилган 13.06.2018.
Формат 60x84 ¹/₁₆ Шартли б.т. 8,25 Тираж 25. Буюртма № 46
Тошкент давлат шарқшунослик институти кичик босмахонасида
чоп этилган. Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2018